

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 811.512.133' 373  
821.512.133.09-1**

**УСМАНОВА МАХФУЗА САДИКОВНА**

**АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИДАГИ ФИТОНИМЛАРНИНГ  
ЛЕКСИК - СЕМАНТИК ВА СТИЛИСТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01. - Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Нишонбой Хусанов Абдусатторович  
филология фанлари доктори**

**Жиззах – 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИ ВА ФИТОНИМЛАР ТАСНИФИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	14
1.1.§. Алишер Навоий асарлари лексикаси: талкин ва муаммолар.....	15
1.2.§. Фитонимларнинг туркологияда ўрганилиши.....	24
1.3.§. Алишер Навоий асарларидаги ўсимлик номларининг генетик-статистик таснифи.....	34
I боб бўйича хулосалар .....	44
<b>II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДАГИ ФИТОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	46
2.1.§. Гул лексемаси ва унга алоқадор фитонимлар .....	46
2.2.§. Мевали ва мевасиз дарахт номлари .....	58
2.3.§. Маданий экинлар ва ёввойи ўсимликлар номлари.....	84
2.4.§. Сабзавот экинлари номлари.....	94
II боб бўйича хулосалар.....	98
<b>III БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ФИТОНИМЛАРНИНГ ГРАММАТИК ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	104
3.1.§. Гул компоненти асосида ясалган фитонимлар .....	104
3.2.§. Фитонимларнинг деривацион хусусиятлари.....	116
3.3.§. Фитонимларнинг услубий хусусиятлари.....	125
III боб бўйича хулосалар .....	136
<b>ХУЛОСА</b> .....	138
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	143
<b>Шартли қисқартмалар</b> .....	156
<b>Илова</b> .....	158

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида Навоий асарлари тилининг фонетик, лексик, грамматик, услубий, лисоний-концептуал хусусиятларига, шоир асарларлари асосида изоҳли, частотали, конкорданс, комусий ва мавзуий луғатлар яратиш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Алишер Навоий асарларини адабиётшунослик ва лингвистик йўналиш нуқтаи назаридан ўрганишга, Навоий ва шарқ ҳамсанавислик анъаналарига, Навоий асарлари тузилиши, сюжети, образларнинг поэтик хусусиятлари таҳлилига, Навоий даври муҳити ва шоир ҳаёти, унинг назмий, насрий, тарихий, илмий-назарий асарларининг адабий-эстетик, лингвистик хусусиятларига мунтазам қизиқиб келинганлиги тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунё олимлари томонидан Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, аллома асарларининг сюжети ва таржимаси, образларининг бадиий хусусиятлари, шоир асарлари тилида қўлланилган сўзлар асосида таржима ва изоҳли луғатлар яратишга қаратилган лингвистик тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Навоий асарлари лексикаси тадқиқи масалалари талқинидаги қарашларни умумлаштириш, тизимга солиш ҳамда илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади, бу эса Алишер Навоий тарихий асарларидаги фитонимларни тадқиқ қилиш долзарблигини белгилайди. Демак Алишер Навоий асарларидаги фитонимларнинг лексик-семантик ва стилистик тадқиқи натижасида уларнинг моҳияти тўлароқ намоён бўлади.

Ўзбек тилининг қардош туркий тиллар орасида энг бой ва серқатлам бўлишида, ривожланган жаҳон тиллари қаторидан муносиб жой эгаллашида, ўзбек адабий тилининг тараққиётида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўрни беқиёс. Шоир асарларида ўзбек халқи турмуш тарзи ва дунёқарашининг барча соҳаларига оид сўз ва иборалар мавжуд. «...Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар

тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур».<sup>1</sup> Ўзбек тилшунослигида турли соҳаларга доир сўз ва терминлар махсус ўрганилган бўлса-да, Алишер Навоий асарлари тилида фитонимларнинг қўлланилиши билан боғлиқ мукаммал, умумлаштирилган лексикологик тадқиқотлар кўп эмас. Бу долзарб масаланинг ижобий ҳал этилиши Навоий асарлари лексик бойлиги ҳақидаги илмий, назарий билимларни тўлдиради, ўзбек тили лексикаси тараққиёт йўлини тўғри белгилаш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 8 апрелдаги ПҚ-2829 - сон «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида», 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ // Халқ сўзи. 2019 йил 22 октябрь.

I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғояларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш” йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида ҳар бир миллий тилнинг мумтоз намуналари бўлган қадимги ёзма ёдгорликлар тилини илмий асосда ўрганиш, уларнинг мазмунини бугунги авлодларга аслидагидек етказиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш узоқ тарихий жараён бўлиб, бу борада жаҳон миқёсида бир қатор изланишлар амалга оширилган. Жумладан, дунё олимлари томонидан: 1557 йилда «Сабъаи сайёр» ҳикояларидан бири дастлаб италян тилига, сўнгра бошқа тилларга таржима қилинди. Кейинчалик француз олими М.Белиннинг Навоий ижодига бағишланган икки мақоласи (1861; 1866) таъсирида шоир ижодини француз олимлари Паве де Куртейл, Э.Блоше, Л.Бува; инглиз олимлари: Чарлз Рио, Э.Броунлар чуқурроқ ўрганишган. XVI-XX асрларда Навоий асарларининг турли жиҳатлари ва хусусиятларини тадқиқ этган инглиз олимлари: М.Сабтелни, В.Фелдман, Д.Девин; француз олимлари: М.Тоутант, А.Папас; немис олимлари: Зигрид Клайнмихил, Юрген Паул, Клаус Шониг, Марк Киршнер; италян олимлари: А.Бомбаччи, Паглиора, Р.Зиполи; турк олимлари: Огох Сирри Левенд, Ф.Кўпрули, Н.Тарлан, М.Човуш ўғли, К.Эраслан, Ю.Четиндоғ; озарбайжон олимлари: С.А.Мамедова, А.И.Агаев, Л.А.Алиева; уйғур олимлари: Г.Саидвақасов, С.Муллаудов; рус олимлари: А.Крымский, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, С.Н.Иванов, И.В.Стеблева<sup>2</sup> ва бошқалар навоийшунослик ривожига катта ҳисса қўшдилар.

---

<sup>2</sup> Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность: оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. – Ташкент, 2009. – С.72 – 78; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент, 2013. –Б.15-16; Умарова Н. Алишер Навоий асарлари тилининг лисоний-концептуал тадқиқи. Филол.фан. доктори (DSc) дисс.автореф. – Фарғона, 2020. – Б.7– 8; Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳини беришда <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp/>; <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp/>; <http://top/mail.ru/jimp/>; <http://www.refurun.kabi> интернет сайтлари манбаларидан фойдаланилди.

Қардош туркий тилларда ҳам ўсимлик номларини ўрганишга эътибор қаратилган. Хусусан, Ю.Дмитриева,<sup>3</sup> А.С.Ефремов,<sup>4</sup> Б.К.Калиев,<sup>5</sup> Г.И.Уюкбаева,<sup>6</sup> Э.С.Кулиев,<sup>7</sup> В.В.Никитин ва Б.Б.Кербабаев,<sup>8</sup> Б.Ш.Загуляева<sup>9</sup>лар томонидан ўрганилган. Молдован тили флористик лексикаси А.М.Гребнева<sup>10</sup> томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Айниқса, туркий тиллар ва олтой тилларидаги ўсимлик номларининг қиёсий тадқиқи, туркий тиллардаги ўсимликлар лексикасидаги умумолтой, мўғул тили қатламларини аниқлаш борасида Л.В.Дмитриеванинг<sup>11</sup> олиб борган ишлари, мақола ва тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослари Навоий меросини чуқур тадқиқ этиш бўйича жиддий изланишлар олиб боришган. Навоий асарлари тил хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар кўлами ва миқдори кўп бўлганлиги, уларнинг барчасини санаб кўрсатиш имконияти йўқлиги сабабли унинг асарлари тилини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган А.К.Боровков, А.М.Щербак, А.Рустамов, Ф.Абдуллаев, Ғ.Абдурахмонов, О.Усмонов, Э.Фозилов, Б.Бафоев, С.Аширбоев, У.Санакулов, Э.Умаров, Х.Дониёров, Ҳ.Дадабоев, Н.Хусанов, Ш.Умарова, И.Носиров, З.Ҳамидов, Б.Юсупов, Д.Абдувалиева, Ш.Ҳайитов ва бошқа олимларнинг номларини алоҳида эътироф этиш лозим. Алишер Навоий асарлари тилининг сўз бойлиги, бу бойликнинг генеологик асослари статистик метод орқали атрофлича чуқур тадқиқ этилган: шоир асарларидаги сўзларнинг қайси тилга мансублиги юзасидан монография

---

<sup>3</sup> Дмитриева Ю.К. Семантические параллели в составных наименованиях растений // Межъязыковое взаимодействие в Волго-Камье. –Чебоксары, 1988. –С.120-122.

<sup>4</sup> Ефремов А.С. Названия растений марийского языка: (травянисто-ягодная флора): Автореф. дис... канд. филол. наук. –Тарту, 1986. –С. 16.

<sup>5</sup> Калиев Б.К. Названия растений в казахском языке: Автореф. дис... д-ра филол. наук. – Алма - Ата, 1991. – С. 47.

<sup>6</sup> Уюкбаева Г.И. Народные наименования растений в казахском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1983. –С.26.

<sup>7</sup> Кулиев Э.С. Фитонимы в азербайджанском языке (опыт историко-типологического анализа): Автореф. дис... канд. филол. наук. –Баку, 1987. –С. 24.

<sup>8</sup> Никитин В.В., Кербабаев Б.Б. Народные и научные туркменские названия растений.–Ашхабад, 1962.–61 с..

<sup>9</sup> Загуляева Б.Ш. Названия растений в удмуртских диалектах / Вопросы диалектологии и лексикологии удмуртского языка. –Ижевск, 1990. –С.39-52.

<sup>10</sup> Гребнева А.М. Флористическая лексика мордовских языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Саранск, 1984. – 24 С.

<sup>11</sup> Дмитриева Л.В. Названия растений в тюркских и других алтайских языках / Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. –Л., 1972. –С.151-223.

эълон қилинган, алоҳида асарларининг лексикаси лексик-грамматик, лексик-семантик, лексик-тематик, семантик-стилистик, лингвопоэтик жиҳатлари диссертация иши сифатидаги тадқиқотларга тортилган,<sup>12</sup> унинг асарлари тилидаги терминлар, атоқли отлар махсус ўрганилган.<sup>13</sup> Навоий асарлари тилидаги ўсимлик номлари шу кунгача амалга оширилган юқоридаги илмий ишларда махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги, Навоий асарлари тилидаги фитонимларнинг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини монографик планда ўрганишни тақазо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 1-сон “Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари” (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Алишер Навоий асарлари тилидаги фитонимларни лексик-семантик, тарихий-этимологик (генеологик) ва семантик-услубий аспектларда очиб беришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

<sup>12</sup> Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои (лексико-семантические, статические и тематические исследования). Дисс... докт. филол. наук, –Т., 1989; Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –157 б

<sup>13</sup> Раҳматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в лирике Алишера Навои (на материале «Наводир ан-нихоя»): Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т., 1965, –21б.; Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов «Хазойин ул-маоний» Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Ленинград, 1968. –С.17; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1969. –21 б.; Санакулов У. Исследование языка памятника XV в. «Мухокамат ул-лугатайн» Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1971. –С.20.; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка «Фархад и Ширин» Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1974. –С.22; Насыров И. Лексика «Маджалис ан-нафаис» Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1980. –С.21.; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1982. –С.22; Эгамова Ш. Дж. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда): Филол. фан. номз... дисс.автореф. –Т., 2007. –22 б.; Тожибоева М.Алишер Навоийнинг “Илк девон” идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини. Филол. фан. номз., дисс. автореф. –Т., 2011. – 52 б; Абдувалива Д.А. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. –Т., 2017. – 48 б.; Умарова Н. Алишер Навоий асарлари тилининг лисоний-концептуал тадқиқи. Филол.фан.доктори (DSc) дисс.автореф. –Фарғона, 2020. –51 б.

Алишер Навоий асарлари тилида мавжуд бўлган фитонимларнинг умумий миқдорини, ўрнини аниқлаш, уларнинг лисоний мақомини белгилаш, тадқиқ объекти ва кўламини аниқлаш;

Алишер Навоий асарлари тилида қайд қилинган фитонимларни табиий бўлинишига кўра мавзуй гуруҳларга ажратиб таснифлаш асосида функционал-семантик тавсифини бериш;

Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган фитонимларнинг ҳозирги ўзбек тилида сақланганлик даражасини аниқлаш, тарихий-этимологик (генеологик) жиҳатдан тадқиқ этиш;

Алишер Навоий асарлари тилидаги фитонимларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўлланишини, ўсимлик номларидан ясалган сўзларнинг семантик-услубий хусусиятларини изоҳлаш;

шоир асарларидаги фитонимларнинг бадиий тасвир учун хизмат қилиши, уларнинг бадиий санъатларни ҳосил қилишдаги аҳамиятини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Алишер Навоий асарларининг илмий-оммабоп, илмий-танқидий нашрлари, Навоий асарлари луғати (НАЛ), Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (АНАТИЛ), Алишер Навоий асарлари луғати (АНАЛ) танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Алишер Навоий асарларида қайд этиб ўтилган ўсимлик оламига оид номлар – фитонимлар, уларнинг бадиий матнда қўлланишини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий ва тарихий-этимологик, лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, ретроспектив (ўтмиш нуқтаи назаридан қараш) ва лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий асарларида қўлланилган фитонимлар ва уларга алоқадор сўзларнинг гул, сабзавот, полиз, резавор, донли экин, мевали ва манзарали дарахтларни ифодалашига кўра лексик-семантик, содда, ясама ва



кўшма фитонимларнинг деривацион хусусиятлари, ўсимлик оламига мансуб умумтуркий ва ўзбекча, арабча, форсча ҳамда аралаш таркибли сўзларнинг генеологик жиҳатлари очиб берилган;

Алишер Навоий асарлари луғат таркибидаги ўз ва ўзлашган қатламга оид умумтуркий ва ўзбекча, арабча, форсча ҳамда аралаш таркибли лексик бирликларнинг сақланганлик ва сақланмаганлик даражасига кўра айна ўша шакл ва маънода етиб келган, фонетик шакли бироз ўзгарган, маъносида ўзгариш юз берган, шоир тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги тилда мавжуд бўлмаган сўзларнинг лингвостатистикаси аниқланган;

Шоир асарларидаги фитонимларнинг бадиий тасвир учун хизмат қилиши, уларнинг бадиий санъатларни ҳосил қилишдаги аҳамияти мева, анор, гул, савсани, сумбул, сарв, норанжи, бинафша, нарғис, лола, шамшод, буғдой, арпалар каби ўхшатиш, ташбеҳ, ташхис, ийҳом, тажнис, ирсоли масал каби шеърӣ санъатларни яратишда муҳим лексик восита вазифасини бажарганлиги далилланган;

Алишер Навоий асарлари тилида қайд қилинган фитонимлар табиий бўлинишига кўра гуллар, уларнинг турлари, маданий ва ёввойи ўсимликлар, сабзаётлар, полиз экинлари, мевали ва мевасиз дарахт номлари, уларнинг маъно хусусиятлари функционал-семантик жиҳатдан далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари Алишер Навоий асарлари тили лексикаси таркибидаги фитонимларга мансуб сўзларнинг шоир тилидаги ўрни ва кўламини, уларнинг бадиий тилдаги вазифаларини муайян илмий-назарӣ қарашлар билан бойитиш ва чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

Алишер Навоий асарлари тилида фитонимлар ва уларга алоқадор бўлган 300 дан ортиқ сўзларнинг бадиий, илмий матнлардаги лексик-семантик ва семантик-услубӣ хусусиятлари аниқланган, фитонимларнинг луғавӣ-генетик таркибига кўра таснифланиши, ўзбек тили ўсимлик номлари тарихӣ жиҳатдан шаклланиш йўли, уларни ҳозирги ўзбек тили

материаллари билан қиёслаш, сўзларнинг тузилишидаги мувофиқлик ва фарқлари изоҳланган;

Алишер Навоий асарларидаги фитонимлар бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ўзбек тилшунослиги учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, ўзбек тили бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, тил тарихи, лексикология, диалектология фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

Алишер Навоий асарларидаги фитонимлар тадқиқи натижалари нафақат тилшунослик фани учун, балки ўсимликшунослик, ботаника бўйича изоҳли, имло луғатлари яратилишида манба сифатида хизмат қилиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ўзбек адабий тили тарихи, тараққиёт босқичларининг илмий асосда ёритилганлиги, Алишер Навоий асарлари лексикасида фитонимларнинг диахрон ва синхрон аспектларда тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эски ўзбек адабий тили (Алишер Навоий тили) лексик сатҳида амалда бўлган лексик-семантик хусусиятларни, ҳозирги ўзбек миллий тили лексикасининг таркиб топиши ҳақидаги назарий қарашларни кенгайтириш ва бойитиш, мазкур соҳада мавжуд фикр ва мулоҳазаларни муайян даражада ойдинлаштиришга хизмат қилиши илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан «Ўзбек тили тарихи», «Ўзбек тили тарихий лексикологияси», «Навоийшунослик» мавзуларида дарслик ва қўлланмалар яратишда, шунингдек, ишдаги хулосалардан ўзбек тили тарихи, ўзбек тили тарихий лексикологияси, тарих, адабиёт, ўсимликшунослик соҳалари бўйича олий ўқув юртларида махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алишер Навоий асарларидаги лексик-семантик ва стилистик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Алишер Навоий асарларида қўлланилган фитонимлар ва уларга алоқадор сўзларнинг гул, сабзавот, поллиз, резавор, донли экин, мевали ва манзарали дарахтларни ифодалашига кўра лексик-семантик, содда, ясама ва кўшма фитонимларнинг деривацион хусусиятлари, ўсимлик оламига мансуб умумтуркий ва ўзбекча, арабча, форсча ҳамда аралаш таркибли сўзларнинг генеологик жиҳатлари ҳақидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2018-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал тадқиқотни бажаришда унумли фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 10 апрелдаги 17.01/80-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг фитонимларга оид сўзларнинг шаклланиши ва ўзгариш даражаси ҳақидаги илмий-назарий фикрлар билан бойитилишига эришилган;

Алишер Навоий асарлари луғат таркибидаги ўз ва ўзлашган қатламга оид умумтуркий ва ўзбекча, арабча, форсча ҳамда аралаш таркибли лексик бирликларнинг сақланганлик ва сақланмаганлик даражасига кўра айни ўша шакл ва маънода етиб келган, фонетик шакли бироз ўзгарган, маъносида ўзгариш юз берган, шоир тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги тилда мавжуд бўлмаган сўзларнинг лингвостатистикаси тўғрисидаги хулосалардан ФА-А1-Г007 рақамли «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳасида (2017-2020 йй.) (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 10 апрелдаги 17.01/80 сон маълумотномаси ва далолатномаси). Натижада лойиҳанинг ўз ва ўзлашган қатламга оид умумтуркий ва ўзбекча, арабча,

форсча ҳамда аралаш таркибли лексик бирликлар ҳақидаги маълумотлар билан бойитилишига эришилган;

Шоир асарларидаги фитонимларнинг бадиий тасвир учун хизмат қилиши, уларнинг бадиий санъатларни ҳосил қилишдаги аҳамияти *мева, анор, гул, савсани, сумбул, сарв, норанжи, бинафша, нарғис, лола, шамшод, буғдой, арпалар каби ўхшатиш*, ташбех, ташхис, ийҳом, тажнис, ирсоли масал каби шеърӣ санъатларни яратишда муҳим лексик восита вазифасини бажарганлиги ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2018-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал тадқиқотни бажаришда унумли фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 10 апрелдаги 17.01/80-сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоӣ асарлари тилидаги фитонимлар ва уларга алоқадор бўлган сўзларнинг эски ўзбек тилидаги муқобилини ўрганиш имконини берган;

Алишер Навоӣ асарлари тилида қайд қилинган фитонимлар табиӣ бўлинишига кўра *гуллар, уларнинг турлари, маданий ва ёввойи ўсимликлар, сабзавотлар, полиз экинлари, мевали ва мевасиз дарахт номлари*, уларнинг маъно хусусиятлари тарихий манбалар, луғатлар асосида функционал-семантик жиҳатдан қиёсланганлиги юзасидан олинган натижалардан Жиззах вилояти телерадиокомпанияси ижодкорлари томонидан эфирга узатилган «Ассалом Жиззах» мусиқий дам олиш кўрсатувининг «Илмий тадқиқот» саҳифасида фойдаланилган (Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 8 февралдаги 02-03/103-сон маълумотномаси). Натижада Навоӣ асарларининг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка етказилган, телекўрсатувларни янги манбалар билан маърифий ва амалий жиҳатдан бойиши таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика миқёсида ўтказилган анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 7 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

## **I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИ ВА ФИТОНИМЛАР ТАСНИФИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Алишер Навоийгача ҳам туркий тилда бадий асарлар яратилган бўлиб, қорахонийлар даврида (XI асрда) юзага келган туркий адабий тил эски ўзбек адабий тилининг юзага келиши ва шаклланишида муҳим ўрин тутди. Эски ўзбек тилининг юзага келиши ва шаклланишида турли давр адабий тилининг аҳамияти катта бўлган. Булар: а) қорахонийлар даври адабий тили; б) қарлук-Хоразм ёки ўғуз-қипчоқ адабий тили; в) чигатой тили (XIII- XIV асрлар).<sup>14</sup> Қорахонийлар давлати ҳукмронлиги даврида қарлуқлар тили кенг ривожланиб, халқ тилидан адабий тил даражасига кўтарилган. Бу адабий тилда машҳур «Қутадғу билиг» (XI аср), «Ҳибатул-хақойиқ» (XIII аср), «Қиссаси Рабғузий» (XIV аср), «Муҳаббатнома» (XIV аср) каби асарлар битилган.

Эски ўзбек адабий тилининг беқиёс ривожланиши темурийлар даврига, яъни буюк мутафаккир – Алишер Навоий ижод қилган вақтга тўғри келади. Навоий эски ўзбек адабий тилини «классик тил нормалари негизида асослаган гениал шоирдир».<sup>15</sup> Бу бой адабий тилда кейинчалик жуда кўп ўзбек шоир ва адиблари ижод қилдилар, ҳозирги ўзбек адабий тили ҳам шу тилнинг маълум ўзгаришларга учраган давомчисидир.

Ўзбек халқи кўп асрлар мобайнида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кўпгина туркий уруғ ва қабилаларнинг бирлашуви ва жипслашуви натижасида, жуда мураккаб тарихий-этник ҳамда тил нуқтаи назаридан алоқа ва аралашувлар жараёнида таркиб топган. Ўзбек миллати тилида уч йирик этник компонентларнинг тил хусусиятлари мужассам:

- 1) жануби-шарқий тил, яъни ўзбек тилининг қарлук лаҳжаси;
- 2) жануби-ғарбий тил, яъни ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси;
- 3) шимоли-ғарбий тил, яъни ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси.

<sup>14</sup> Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков. – М., 1962. –С. 304.

<sup>15</sup> Боровков А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка. В сб. Алишер Навои. –М., 1946. –С. 92-120.

Бундан ташқари, ўзбек адабий тили Ўрта Осиё худудида ёнма-ён яшаган қўшни халқлар ва ҳозирги Ўзбекистон худудига турли сабабларга кўра кириб келган уруғ, қабила ҳамда элатларнинг тиллари таъсирида вужудга келган. Шунингдек, ўзбек тилига, биринчи навбатда, Сомонийлар даврида форс тили (қадимги даврлардан), Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида (VIII-X асрлар) араб тили, кейинчалик мўғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII-XIV асрлар) мўғул тили ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган. Натижада, ўзбек тили ўз ички ривожланиш қонуниятлари билан бир қаторда, чет тиллар таъсирини ҳам қабул қилиб борган. Бу таъсирнинг белгилари ўзбек адабий тили лексикасида – унинг сўз бойлигида аниқ кўринади. Шунинг учун ҳам биз буюк ижодкорнинг сўз бойлигини намоён қилиш мақсадида унинг асарлари лексикаси ва улар таркибидаги фитонимларга оид тадқиқотларни амалга оширдик ва унда қўлланилган фитонимларнинг генетик хусусиятларини очиб бердик.

### **1.1.§ Алишер Навоий асарлари лексикаси: талқин ва муаммолар**

Навоий асарлари тили ўзига хос хусусиятга эга: «Алишер Навоий яратган асарлар тили ғоят мураккаб ва диалектал жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, унинг ҳажми ва салмоғи шу қадар зўр эдики, уни бир диалект, ҳатто бутун бир лаҳжа рамкасига сиғдириб бўлмайди... Навоий асарлари тилида уруғдош бўлмаган тиллардан олинган сўзлар ўша даврдаги адабий тил лексик қатламининг анчагина процентини ташкил қилади».<sup>16</sup>

Ҳар бир тилнинг луғат таркиби ўз бойлик даражаси ва имкониятларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Шу сабабли ҳам бу бойлик ҳақидаги ҳисоб, маълумот-рақамлар ва илмий тасаввур ҳам нисбийдир. Ўзбек тилшунослигида Алишер Навоий асарлари тили лексикасини аниқлашга бағишланган Баҳром Бафоевнинг тадқиқоти<sup>17</sup>да қайд этилишича, у Навоий асарларида мустақил сўз сифатида 26035 та сўз мавжуд ва бу

<sup>16</sup> Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи. //Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Т.: Фан, 1968. –Б. 238.

<sup>17</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –157 б.

маълумот Алишер Навоий сўз бойлигининг ҳаммасини камраб олмайди, балки нисбатан ифодаланиши мумкин деб, қуйидагича ёзади: «Шоир ижодида XIV-XV асрлардаги ўзбек жонли сўзлашув тилининг барча лексикаси қайд этилмаган. Мана шу сабабларга кўра, ёзма ёдгорликларда қўлланган лексика маълум даврдаги мазкур адабий тил лексик бойлигини белгилашда тўлиқ асос бўла олмайди».<sup>18</sup>

Алишер Навоий асарлари тили XV аср эски ўзбек адабий тилининг адабий тил сифатида тан олинганда асос ҳамда шу давр тил хусусиятларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади, чунки Навоийнинг мазкур асарлари ўзбек халқининг мазмунли, бадиий баркамол асарларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириб, ўзбек (туркий) тилининг бошқа тиллардан қолишмаслигини амалий ва илмий-назарий жиҳатдан исботлади.

Навоийнинг ўзбек халқига тил жиҳатидан кўрсатган бебаҳо хизматларидан бири шуки, у ўзбек адабий тилини туркий лаҳжалар ҳисобига янги туб сўзлар билан беқиёс даражада бойитди. Масалан, «қуёш» маъносидаги «қунаш», «ёлғон» маъносидаги «ўтрук», «турмоқ» маъносидаги «қўпмоқ» каби сўзлар шулар жумласидандир.

Иккинчи хизмати – тилда мавжуд сўзлар ва қўшимчалар асосида янги сўзларни, айниқса, бадиий тасвир талабларга жавоб берадиган луғавий бирликларни ҳосил қилишнинг нозик усуллари кашф қилди. Масалан, Навоий кўмакчи маъносида қўлланувчи «қил», «эт» ва «айла» феълларидан ташқари «кўргуз» феълдан ҳам унумли фойдаланган ва янги сўзлар ҳосил қилган.

Алишер Навоий асарларини лексик-стилистик, лексикографик йўналишда текшириш, ўрганиш ҳамisha муҳим ва долзарб зарурият бўлиб қолаверди. Эндиликда эса Навоий асарларининг тўлиқ нашр этилиши, шу асосда шоирнинг ҳамма асарларида қўлланган ўз ва ўзлашган лексемаларнинг тўлиқ частотасини аниқлаш имкониятини бермоқда. Ҳар қандай тилнинг фонетик-грамматик, лексик-семантик тизими ихтиёрий ва

---

<sup>18</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 1983. –Б. 20.



ғайри ихтиёрий ўзгариши муқаррар. Ушбу қонуният ҳар бир даврнинг ижтимоий таъсир натижаси ўлароқ Навоий асарлари тилининг лексик таркиби учун ҳам алоқадордир. Мутафаккир асарларида учровчи сўз туркумларига тааллуқли аксарият туркий сўзларнинг қадимги туркий тил давридан бошлаб қўлланиб келинаётганлиги маълум. Узоқ тарихий асрлар маҳсули сифатида Навоий асарларида ва ундан кейинги даврларда ҳам узлуксиз қўлланилиб келинаётган соф туркий сўзлар тизими ўзига хос тил занжири ҳисобланади. Бу сўзлар турли даврларда яратилган адабий асарларда фаол қўлланганлиги туфайли тарихийдир. Бундай сўзлар илмий адабиётларда архаизмлар, яъни архисистема (умумсема) деб аталади. Алишер Навоий асарларида турли соҳаларга алоқадор лексемалар денотатив ва кўчма маъноларда ифодаланган: диний-тасаввуфий, афсонавий, ҳарбий терминлар, киши исмлари, таҳаллуслари, инсон тана аъзолари номлари, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуққа оид терминлар, уй-рўзгор, кийим-кечак, касб-ҳунар, таълим-тарбия, озиқ-овқат, об-ҳавога оид лексема, жуғрофий, астрономик тушунчалар ва осмон жисмлари терминлари, ёввойи ва уй ҳайвонлари, паррандалар, қуш номлари, майда жониворлар, ўсимлик, дарахтлар, кон билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, спорт ўйинлари, мусиқа, тилшунослик, адабиётшунослик терминлари Навоий асарларининг сўз хазинасини ташкил қилади. Улуғ шоир ўзбек тилининг ички имкониятлари, бебаҳо бойлигидан санъаткорона фойдаланган, луғат таркибининг ўзлашган қатламига алоқадор сўзларни ҳам маҳорат билан қўллашга эришган. Навоий ўзбек тилининг бойлиги ва гўзаллигини «Хамса» каби машҳур асари, «Ҳазойин ул-маоний» каби улкан ва гўзал шеърӣ мажмуаси, «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» каби теран фалсафӣ асарлари, «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» каби илмий асарлари билан исботлади. Натижада бу тилнинг сўз бойлиги ва чексиз фикрий ифода имкониятлари мавжудлиги намоён бўлди.

Алишер Навоий ўз она тилининг сержило имкониятларини чуқур ўрганди: асарларида ўша пайтда бениҳоя ранг-баранг бўлган шеваларнинг

хусусиятларини бирлаштирди, ўзлашма (олинма) сўзлардан ҳам унумли фойдаланди.<sup>19</sup> Бу ҳақда Навоийнинг ўзи шундай дейди: «Ва йиллар турк тили ва назми қоида ва услубида билмаганларимни сўруб ва мушкулларимни ҳаллоли мушкулотим тобуғида арзға еткуруб, азим фоидалар топиб, куллий натижалар кўрдум». (МЛ,131).

Алишер Навоий – жаҳон адабиёти миқёсида энг кўп сўз қўллаган ижодкор. «Унинг бадиий ва илмий асарларида биронта сўзнинг ноўрин ишлатилгани ҳалигача қайд этилмаган. Ҳолбуки, сўз бойлиги кўлами борасида ҳазрат Навоийга яқин турувчи дунёга машҳур адибларни оладиган бўлсак, Пушкин асарларининг сўз бойлиги 21 мингдан ортиқроқ, Шекспир асарларида 20 мингга яқин, Сервантес асарларида эса 18 мингдан кўпроқ. Лекин уларнинг сўз қўллашларида сакталиклар учраши аниқланган. Навоий тилини туркийда ижод қилган шоир ва ёзувчилар билан қиёслайдиган бўлсак, ҳазрат сўз хазинасининг буюклиги янада яққолроқ кўринадиди».<sup>20</sup>

Хуллас, Алишер Навоий ўзи тўплаган ва бадиий, илмий, тарихий асарларида қўллаган бирор сўзни, бирор грамматик кўрсаткични ноўрин ишлатмаган: унинг тилида грамматик қонуниятлар меъёрлашди, сўз қўллашда бадиийлик юқори чўққига чиқди, бадиий-услубий сайқал топди. Умр бўйи тилнинг аниқлиги, софлиги, нутқнинг гўзаллиги учун курашди, бунга оид қимматли фикрларини ўзининг бадиий ва илмий асарларига сингдирди. Навоий ўз асарларида шакл билан мазмун мослигига жиддий эътибор қилган:

Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маънийда сўз,

Дурри маъни истар ўлсанг, айлагил гуфтор бас. ( МАТ, БВ,173)

Шоир асарларида қўлланган сўзлар XV асрдан буён ўзбек адабий тили лексикасининг асосини ташкил этган ҳолда ишлатилиб келинмоқда. Бу эса буюк ижодкорнинг ўзбек адабиёти, тили ва маданияти тарихида тенгсиз, такрорланмас даҳо эканлигини тасдиқлайди. Навоий асарлари ўз мазмун-

---

<sup>19</sup> Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968, –238-257 б.

<sup>20</sup> Қодиров М. Алишер Навоий – иккинчи минг йиллик даҳоси.//Тафаккур, 2001, №1. – 73 б.

мундарижасига кўра жуда бой бўлиб, унда туркий-ўзбек халқи турмуш тарзининг, рухий ва маънавий оламининг турли соҳаларига оид сўзлар мавжуд.

Улуғ шоир ва мутафаккир асарлари тилининг сўз бойлигини лексик-семантик жиҳатдан шарҳлаш, уларни бошқа тилларга таржима қилиш орқали баёнлаш ишлари Навоийнинг ҳаётлиги давридаёқ бошланган. Жумладан, XV асрнинг охирида (яъни Навоийнинг тириклик пайтида) Ҳусайн Бойқаро топшириғи билан Тали Имоний Ҳиравий «Бадои ул-луғат»ини тузиб, шоирнинг «Ҳазойин ул-маоний» ва «Хамса» байтларидаги китобхонларга тушунилиши қийин бўлган туркий, арабий ва форсча сўзларнинг шарҳларини берган, нутқ товушларига ва имлога оид қимматли фикрлар билдирган.

Умуман, XV-XIX асрлар давомида Навоий асарлари лексикасига оид ўндан ортиқ луғатлар тузилган, уларнинг кўпчилигида грамматик шарҳлар ҳам бор.<sup>21</sup> Булар ичида Муҳиб Али Шомлуниинг «Луғати Навоий» (XVI аср), Мустафо бин Содикнинг «Абушқа» (XVI), Фазлуллахоннинг «Луғати туркий» (XVIII аср), Мирза Меҳдихоннинг «Санглоҳ» (XVIII аср), Фатҳ Алихоннинг «Китоби луғати атрокия» (XIX аср), Ҳасан Чаҳорғўйнинг «Фарҳанги ҳазрати Мир Алишер муллақаб ва ал Навоий» (XIX аср), Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чигатойи ва турки усмоний» (XIX аср) луғатлари бу борада қимматли маълумотларни тақдим эта олишлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу манбаларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги турли-туман ўзбек шевалари бойликларининг Алишер Навоий асарлари тилидаги ўрни, тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг маънолари шарҳлари берилган.

Ўзбек тилида шарҳловчи изоҳли луғатлар яратиш бўйича XX асрда катта ишлар амалга оширилди. 1953 йилда Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовлар томонидан «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» нашр этилди ва унда 9780 дан ортиқ сўзларнинг маъноларига шарҳ берилади.<sup>22</sup> 1972 йилда шу олимлар томонидан нашр этилган «Навоий

<sup>21</sup> Умаров Э. А. Эски ўзбек луғатлари. –Т., 1992. –35 б; Умаров Э.А. Словари староузбекского языка и вопросы фонетики. –Т.: Фан, 1994. –37 б

<sup>22</sup> Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. –Т., 1953. – 372 б.

асарлари луғати» ўша нашрнинг қайта ишланган, тузатилган ва тўлдирилган нусхасидир.<sup>23</sup> Сўнгги даврда Алишер Навоий асарлари луғатига эҳтиёж ортиб бораётгани учун унинг тилидаги сўзлар маъносини кенгрок тушунтириш мақсадида 1983-1985 йилларда академик Эргаш Фозилов раҳбарлигида тўрт жилдлик «Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати» тузилди ва нашр қилинди.<sup>24</sup> Китобхонлар оммасига мўлжалланган «Навоий асарлари учун қисқача луғат» ҳам юзага келди.<sup>25</sup>

Алишер Навоий асарларини филологик аспектда чуқур ўрганиш, асосан, XX асрдан бошланди. Ҳозирги кунгача бир қанча номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди, монографиялар ва илмий мақолалар эълон қилинди. XX аср навоийшунослигининг бошланиши ва кейинги тараққиётида машҳур турколог олимлар А.К.Боровков<sup>26</sup> ва Э.И.Фозиловларнинг<sup>27</sup> хизмати катта. А.К.Боровков Толи Имони Ҳиравий «Бадойи ул-луғат»ининг Ленинграддаги қўлёзмаси нусхаси асосида унинг илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлади ва чоп эттирди.

Э.Фозилов Навоий асарлари тилининг мукамал изоҳли луғатини яратиш устида умрининг сўнгги дамларигача тинмай меҳнат қилди. Узоқ сабъ-ҳаракатлар натижасида «Алишер Навоий асарлари луғати»нинг I жилди 2013 йилда муаллифнинг ўз маблағлари ҳисобига «Niso Poligraf»да чоп этилди. Луғатнинг I жилди 1008 саҳифадан иборат бўлиб, 9 та - А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж, З ҳарфлари билан бошланувчи сўзлардан иборат.

Бу луғат 1972 йилда нашр этилган «Навоий асарлари луғати» (НАЛ), 1983-85 йилларда нашр қилинган «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»дан (АНАТИЛ) миқдорга кўра кўп сўзларни қамраб олганлиги, изоҳлаш усулларининг турличалиги, уни тузишда мамлакатимиз ва хориждаги манбалардан тўлиқ фойдаланилганлиги билан ажралиб туради.

<sup>23</sup> Навоий асарлари луғати. –Т., 1972. –782 б.

<sup>24</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати: 4 томлик. –Тошкент: Фан, 1983-1985. Т. I –782 б., Т. II –642 б., Т. III –622 б., Т. IV –636 б.

<sup>25</sup> Навоий асарлари учун қисқача луғат. (Тузувчи - Б. Ҳасанов). –Т.,1993. –374 б.

<sup>26</sup> Боровков А. К. Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка//Алишер Навои. – М., 1946. –С. 231.

<sup>27</sup> Фозилов Э.И.Алишер Навоий асарлари луғати.1-жилд, –Т.: Niso Poligraf, 2013,- 1006 б.

Эргаш Фозиловнинг «Алишер Навоий асарлари луғати» (АНАЛ) I жилдини юқорида қайд этилган луғатлардаги 9 та ҳарф билан бошланувчи сўзларга қиёслаганда мукамаллиги яққол намоён бўлади: НАЛда 3124 та бош сўз, АНАТИЛда 3833 та бош сўз, АНАЛда эса 5377 та бош сўз; НАЛда 303 та қўшма сўз, АНАТИЛда 1158 та қўшма сўз, АНАЛда 1635 та қўшма сўз; НАЛда 443 та изофа, АНАТИЛда 1158 та изофа, АНАЛда 2964 та изофа, НАЛда 338 та турғун сўз бирикмалари, АНАТИЛ да 832 та турғун сўз бирикмалари, АНАЛда 838 та турғун сўз бирикмалари, НАЛда 544 та тасдиқловчи цитата, АНАТИЛда 10658 та тасдиқловчи цитата, АНАЛда эса 16526 та тасдиқловчи цитата мавжуд. Бу тадқиқотнинг давомийлиги кутилганди. Афсуски, Э.Фозиловнинг 2014 йилда ҳаётдан ўтиши натижасида нашрга тайёрланаётган II жилд чоп этилмай қолди.

Луғатга Алишер Навоий асарларида истеъмолда бўлган сўз, фразеологик иборалар ва турғун бирикмалар киритилган. Алишер Навоий асарларида учрайдиган ҳар бир сўз (мустақил, ёрдамчи сўз, юклама, ундов) луғатда алоҳида бош сўз-мақола сифатида таҳлил қилинган, бош сўзлар алифбо тартибида кетма-кетликда жойлаштирилган. Отларда келишик, эгалик, кичрайтиш, эркалаш, кўплик аффикслари, феълларда шахс-сон, замон, майл, сифатдош, равишдош қўшимчалари сўзнинг грамматик шакллари сифатида талқин қилинган. Равишдош ва сифатдошлардан бошқа сўз туркуми вазифасида қўлланганларигина луғат таркибига киритилган ва шарҳланган. Синоним, маънодош сўзлар ўз ўрнида бош сўз сифатида ҳамда алифбо тартибида берилиб, мустақил равишда изоҳланган. Бош сўзга тааллуқли барча манбалар луғат мақоласини ташкил қилади.

«Алишер Навоий асарлари луғати» (I жилд, Тошкент, 2013) нинг бошқа луғатлардан ҳар тарафлама устунлиги ва ҳар жиҳатдан афзаллиги намоён бўлади: бевосита бош сўздан сўнг арабча эквиваленти берилган; бош сўз – мақолаларидаги изоҳлар қайта кўриб чиқилган, керакли тузатишлар, таҳрирлар киритилган; хато кетган бош сўз – мақолалар кўлёзма манбалар асосида ўзгартирилган, тузатилган; янги хорижий илмий нашрлардан тўла-

тўқис фойдаланиш орқали бош сўз – мақолалар адади кўпайган; кўшма сўзлар, фразеологик, турғун бирикмалар адади ҳар тарафлама тўла қамраб олинган;

Ушбу луғатнинг афзаллик томонларидан бири шуки, унда Ўзбекистонда чоп этилган кўп жилдли (15, 20, 10 томли) оммабоп нашрлардаги кўп хато ва ғализликларни тузатишга ҳаракат қилинган.

Умуман, академик Э.Фозилов томонидан ҳозирги давр илм талабига тўлиқ жавоб берадиган Алишер Навоий асарларининг мукамал луғати яратилди, аммо унинг биринчи жилдигина чоп этилди. 2018 йилда Бердак Юсуфнинг «Навоий тили луғати» (биринчи жилди) ва Манзар Абдулхайрнинг «Навоий асарларининг изоҳли луғати» (АНАТИЛга кирмаган сўзлар) чоп этилди. Бу икки луғатдан ҳам диссертацияда манба сифатида фойдаланилди.

Ўзбек тилшунослигида Алишер Навоий асарларининг лингвистик хусусиятларини ўрганиш борасида Алибек Рустамовнинг 1958 йили ҳимоя қилган номзодлик, 1966 йили ёқлаган докторлик диссертацияларида Навоий асарлари тилининг фонетик, морфологик ва бадий хусусиятлари илмий жиҳатдан атрофлича ёритиб берилган.<sup>28</sup> Олимнинг Ғ.Абдурахмонов ҳамкорлигида яратган «Навоий тилининг грамматик хусусиятлари» китобида Алишер Навоий асарлари тилида кўплаб ўсимликларга оид сўзлар борлиги, уларга сўз ясовчилар қўшилиб, ясама сўзлар (**гул+фом**, 86-бет, **райҳон+ий**, 85 бет, **хор+истон**, 80-бет) юзага келтирилганлиги ҳақида маълумот берилади.

Сўнгги йилларда Н.Умарованинг Навоий тилини лисоний-концептуал асосда тадқиқ этишга бағишланган диссертацияси замонавий тил илмидаги муҳим янгиликлардан бири бўлиб ҳисобланади.<sup>29</sup>

---

<sup>28</sup> Қаранг: Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка «Махбуб ул-кулуб» Алишера Навои. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1958. – 145 с.; Фонетико–морфологические особенности языка Навои. Автореф. дисс... докт. фил. наук. –Т. 1968. –150 с.

<sup>29</sup>Умарова Н. Алишер Навоий асарлари тилининг лисоний-концептуал тадқиқи. Филол.фан.доктори (DSc) диссертацияси .-Фарғона. 2020. – 50 б.

Навой асарларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятларини Н.Хусанов,<sup>30</sup> «Муҳокамат ул-луғатайн» лексикасини У.Санақулов,<sup>31</sup> «Фарҳод ва Ширин» лексикасини А.Каримов,<sup>32</sup> «Мажолис ун-нафоис» лексикасини И.Носиров,<sup>33</sup> «Лисон ут-тайр» лексикасини Ҳамидов,<sup>34</sup> Навой лирикасидаги синонимларни М.Раҳматуллаева,<sup>35</sup> «Ҳазойин ул-маоний»даги фразеологизмларни Э.Умаров,<sup>36</sup> Навой насрий асарларининг лексик-стилистик хусусиятларини Х.Мамадов,<sup>37</sup> Навой асарларидаги қадимий туркий лексикани Ш.Эгамова,<sup>38</sup> «Илк девон»даги арабча сўзларни М.Тожибоева,<sup>39</sup> Навой асарларининг ономастикасини Ш.Ёқубов,<sup>40</sup> Алишер Навой тарихий асарлари лексикасини Д.Абдувалиевалар<sup>41</sup> илмий тадқиқ этишган. Бу тадқиқотлар нафақат Навой асарлари лексикасини, балки Навой асарлари тили ва эски ўзбек адабий тилини ўрганишда муҳим манбадир. Навой асарлари тилидаги фитонимларга мансуб сўзлар юқоридаги тадқиқотларнинг баъзиларида мавзуй гуруҳ сифатида санаб ўтилган бўлса-да, фитонимлар ва уларнинг лисоний хусусиятлари махсус ўрганилмаган.

---

<sup>30</sup> Хусанов Н. 15 аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик - семантик ва услубий хусусиятлари, I китоб . –Т.: Ёзувчи, 2000; II китоб. –Т.: Ёзувчи, 2001. –244 б.

<sup>31</sup> Санақулов У. Исследование языка памятника XV в. “Муҳокаматул- луғатайн” Алишер Навоий: Автореф. дис. канд. фил. наук. – Т.,1971. –С.20

<sup>32</sup> Каримов А. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. филол. фан. номз. ...дисс. – Т.,1974. –С.22

<sup>33</sup> Насыров И. Лексика «Мажалис ан-нафоис» Алишера Навои: Автореф. Дисс. ...канд, филол, наук. – Т.,1980. – С.21.

<sup>34</sup> Ҳамидов З. Лексико – семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисон ат-тайр» Алишера Навои: Автореф. дисс....канд. филол наук. – Т.,1982. –С.21

<sup>35</sup> Раҳматуллаева М.К. Вопросы изучения синонимов в лирике Алишера Навои (на материале «Наводир ан-нихоя») Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –Т.,1965. – С.22

<sup>36</sup> Умаров Э. Лексико – грамматическая характеристика фразеологизмов «Ҳазойин ул-маоний» Алишера Навои. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. –Л., 1968. –С. 17.

<sup>37</sup> Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф.дисс.... канд. филол. наук. –Т.,1969. –С.21.

<sup>38</sup> Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи ( структур – грамматик, функционал – семантик аспектларда). Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Т.,2007. –21 б.

<sup>39</sup> Тожибоева М. Алишер Навоийнинг «Илк девон» идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини. филол. фан. номз. ...дисс.автореф. –Т.,2011. –51 б.

<sup>40</sup> Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол.фан.номз. ...дисс. –Т.,1994. – 20 б.

<sup>41</sup> Абдувалиева Д.А. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. номз. дисс. – Т.,2017. –159 б.

## 1.2.§ Фитонимларнинг туркологияда ўрганилиши

Қардош туркий тилларда ўсимлик номлари монографик аспектда кенг тадқиқ этилган. Хусусан, чуваш тилидаги дарахт, ўт-ўлан номлари ва уларнинг этимологияси Ю.Дмитриева,<sup>42</sup> марий тилидаги ўсимлик номлари А.С.Ефремов,<sup>43</sup> козоқ тилидаги ўсимлик номларининг халқона ва адабий вариантлари ва баъзиларининг этимологияси Б.К.Калиев,<sup>44</sup> козоқ тилидаги ўсимликларнинг халқона номланиши Г.И.Уюкбаева,<sup>45</sup> озарбайжон тилидаги ўсимликларни ифодаловчи лексик бирликларни қиёсий-тарихий аспектда Э.С.Кулиев,<sup>46</sup> туркман тилидаги ўсимликларнинг халқона ва илмий номлари В.В.Никитин ва Б.Б.Кербабаев,<sup>47</sup> удмурт диалектига хос ўсимлик номлари Б.Ш.Загуляева<sup>48</sup>лар томонидан ўрганилган. Молдован тили флористик лексикаси А.М.Гребнева<sup>49</sup> томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Айниқса, туркий тиллар ва олтой тилларидаги ўсимлик номларининг қиёсий тадқиқи, туркий тиллардаги ўсимликлар лексикасидаги умумолтой, мўғул тили қатламларини аниқлаш борасида Л.В.Дмитриеванинг<sup>50</sup> олиб борган ишлари: мақола ва тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида ўсимлик номлари лексемалари ва уларнинг бадиияти Т.Неъматова<sup>51</sup> томонидан ўрганилган. Шунингдек,

---

<sup>42</sup> Дмитриева Ю.К. Семантические параллели в составных наименованиях растений // Межъязыковое взаимодействие в Волго-Камье. –Чебоксары, 1988. –С. 120-122.

<sup>43</sup> Ефремов А.С. Названия растений марийского языка: (травянисто-ягодная флора): Автореф. дис... канд. филол. наук. – Тарту, 1986. –С. 16.

<sup>44</sup> Калиев Б.К. Названия растений в казахском языке: Автореф. дис... д-ра филол. наук. – Алма-Ата, 1991. – С. 47.

<sup>45</sup> Уюкбаева Г.И. Народные наименования растений в казахском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1983. – 26 с

<sup>46</sup> Кулиев Э.С. Фитонимы в азербайджанском языке (опыт историко-типологического анализа): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1987. –С. 24.

<sup>47</sup> Никитин В.В., Кербабаев Б.Б. Народные и научные туркменские названия растений. – Ашхабад, 1962. – 61 с.

<sup>48</sup> Загуляева Б.Ш. Названия растений в удмуртских диалектах / Вопросы диалектологии и лексикологии удмуртского языка. –Ижевск, 1990. –С. 39-52.

<sup>49</sup> Гребнева А.М. Флористическая лексика мордовских языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Саранск, 1984. – 24 с.

<sup>50</sup> Дмитриева Л.В. Названия растений в тюркских и других алтайских языках / Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. –Л., 1972. –С.151-223.

<sup>51</sup> Неъматова Г.Ў. Ўзбек тилида ўсимлик номлари: тизими, бадий қўлланиши: Филол. фан. ном... дисс. автореф. – Т.,1998. –Б. 19.



Ю.Эшонқуловнинг мева номларининг тарихий-этимологик тадқиқоти,<sup>52</sup> Т.Нўъмоновнинг<sup>53</sup> полизчилик терминлари бўйича номзодлик диссертациялари, М.Сапаровнинг<sup>54</sup> полиз экинларига доир тадқиқотларида ўсимлик номларини ифодаловчи апеллятив лексика илмий жиҳатдан ўрганилган, шунингдек, ўзбек тилидаги ўсимликларнинг атоқли номлари – фитонимлар Н.Пазлитдинова томонидан махсус тўпланган ва илмий тадқиқи амалга оширилган. А.К.Боровков, Ю.Эшонқулов, Б.Бафоевларнинг тадқиқотларида ҳам айрим дарахт, мева номларининг тарихий-этимологик хусусиятлари илмий таҳлил этилган.<sup>55</sup> С.Саҳобиддинов, А.Қосимов, М.Набиевлар томонидан фойдали ва зарарли ўсимликлар номлари тўпланилган, ботаника йўналишида изоҳли луғатлар – лексикографик ишлар чоп этилган.<sup>56</sup> Т.Нўъмонов томонидан Фарғона водийси шевалари материаллари асосида 450 га яқин полизчилик терминлари, жумладан, қовун ва қовоқ номларининг лексик, асосан, грамматик хусусиятлари тадқиқ этилган ва полизчилик атамаларининг луғати тайёрланган.<sup>57</sup> М.Сапаров эса туркий тиллардаги полиз экинларини туркман, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, қирғиз ва ўзбек тиллари доирасида қиёсий-чоғиштирама аспектда ўрганган.<sup>58</sup>

Ўсимликлар оламига мансуб сўзлар – меваларнинг илмий тадқиқига оид ишлар кўп бўлса-да, Ю.Эшонқулов ўзбек тилидаги мева номлари тарихига бағишланган тадқиқотида қадимги манбалар – археологик маълумотлари, антик давр манбалари, қадимги туркий ва эски ўзбек адабий тили ёдномалари, туркий тиллар, ҳозирги ўзбек тили ва шевалари

---

<sup>52</sup> Ишонқулов Ю. Опыт историко-этимологического анализа названий плодов в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Т.,1977. –104 с.

<sup>53</sup> Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Т., 1971. – С. 22.

<sup>54</sup> Сапаров М. Туркий тилларда полиз экинлари номлари // Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1990. –Б. 176-250.

<sup>55</sup> Боровков А.К. Названия растений по Бухарскому списку «Мукаддимат ал-адаб»//Тюркская лексикология и лексикография. – Москва.,1971. –С. 92-101; Ишанқулов Ю. Опыт историко-этимологического анализа название плодов в узбекском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1972.-104 с.; Бафоев Б. Алишер Навоий асарларида мева номлари//Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, №2, – Б.8-13.

<sup>56</sup> Саҳобиддинов С.С. Ўрта Осиёда фойдали ва зарарли ўсимликларнинг илмий ҳам маҳаллий номлари луғати. – Т.,1953 – 96 б.; Қосимов А.И., Набиев М.М. Ботаникадан қисқача изоҳли луғат. –Т.: Ўқитувчи, 1990 – 80 б.;

<sup>57</sup> Нўъмонов Т. Полизчилик атамаларининг изоҳли луғати. –Т.,1990. – 175 б.

<sup>58</sup> Сапаров М. Туркий тилларда полиз экинлари номлари // Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1990. –Б. 176-250.

манбаларидан фойдаланиб боғдорчилик лексикасига оид сўзлар бўйича тадқиқот ишларини олиб борган. Олим ўз ишида баъзи сўзларнинг маъно хусусиятларини очиб беришда Навоий асарларидан ҳам унумли фойдаланган. Тадқиқотда асосий эътибор мева номларининг юзага келиши, кўлланиши ва тарихий этимологик хусусиятларига бағишланганлиги учун улуғ аллома асарларига етарлича эътибор қаратилмаган. Т.Нўймонов эса полизчилик атамаларининг изоҳли луғатида полиз экинлари номлари, уларнинг маҳсулоти, маҳсулот тайёрлаш билан боғлиқ асбоблар ва иш жараёнларини ифодаловчи атамаларни изоҳлаган. Луғат материаллари ҳозирги ўзбек тилидаги илмий ва бадиий адабиётлар, соҳа мутахассисларининг нутқида ишлатилаётган сўзларга асосланган.

М.Сапаров ўз мақоласида полиз экинларининг туркий тиллар: ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва уйғур тилларида номланиши, кўлланишини қиёслаган. Тадқиқотчининг бу борадаги фикрлари туркий тиллар лексикасини, хусусан, полизчилик атамаларини қиёсий ўрганишда ўзига хос манба вазифасини ўтайди. Мустақилликдан сўнг ўсимлик номлари – фитонимларга оид кўплаб изоҳли, икки тилли ва кўп тилли луғатлар яратилди, аммо улар мақсади, мазмуни ва вазифасига кўра бир-биридан жиддий фарқланади.

Н.Пазлитдинованин «Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари» мавзуидаги тадқиқоти фитонимларни номшунослик йўналишида илмий тадқиқ этишга қаратилган бўлса-да, тадқиқотчи ўсимликларнинг нав ва хилларини лингвистик йўналишда ўрганган: фитонимларнинг ономастикадаги лисоний мақоми ва вазифаси, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари, фитонимлар гуруҳига кирувчи номинатив бирликлар, уларнинг номинацион-мотацион асослари, фитонимларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари очиб берилган.<sup>59</sup>

---

<sup>59</sup> Пазлитдинова Н.З. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. бўй. фалс. докт ( PhD) дисс.автореф. –Ф., 2018, –Б.3-22.

Г.Ў.Неъматова диссертациясида тадқиқот манбаи сифатида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилган ва ўсимлик олами намуналарини аташга хизмат қиладиган умумистеъмол сўзлари, уларнинг ўзаро муносабатлари, бадиий нутқда қўлланилиши масаласи олинган.<sup>60</sup> Ишда «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»даги ўсимлик номлари лексемаларини ҳозирги лексикология ва семасиология ютуқлари асосида қайта шарҳлаш, ўзбек тилидаги ўсимлик номларини ифодаловчи лексемалар тизимини аниқлаш, ўсимлик номлари лексемаларининг бадиий адабиётда ономастик, терминологик, паремиологик, фразеологик ва тўғри, кўчма, рамзий қўлланишларини ҳозирги ўзбек бадиий нутқи материаллари асосида ўрганиш ҳамда тавсифлаш каби вазифалар қўйилади ва булар чуқур илмий ечимини топади.<sup>61</sup>

Алишер Навоий асарлари тили лексикасини кенг кўламда тадқиқ қилиш, шоир асарлари тилидаги сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиб кўрсатиш жиҳатидан навоийшунос олим Баҳром Бафоевнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. Унинг 1989 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида бошқа соҳа сўзлари қатори ўсимликлар оламига оид сўзлар гуруҳи ҳам кўрсатилган.<sup>62</sup> Диссертациянинг «Слова, обозначающие растительный мир» деб номланган бўлимида ҳаммаси бўлиб 243 та сўз борлиги, улардан 33 таси ўсимликлар номи, 12 таси дон номлари ва 93 таси деҳқончилик атамалари эканлиги ҳақида маълумот берилади. Ишда муаллиф ўсимликлар оламига оид сўзларнинг ёзилиши, шакллари ва уларнинг қайси асарларда учрашини ҳам қайд этган. Б.Бафоев Навоий асарлари лексикаси

---

<sup>60</sup> Неъматова Г. Ў. Ўзбек тилида ўсимлик номлари: тизими, бадиий қўлланиши: Филол. фан. ном... дисс. автореф. –Т.,1998. –Б.19; «Чинор» сўзи ҳақида //Республика ёш филолог олимларининг анъанавий маъновий қиймати ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, №6,. –Б.22-25; Шу муаллиф. Ўсимлик номларини ўрганиш илмий конференцияси материаллари: III. –Т.: Фан, 1991, –Б. 95-96.; Ўзбек тилида «гул» сўзи //Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар: IV. –Т.,1992. –Б. 109-110;. Ўсимлик номларининг тажрибасидан //Тил ва адабиёт таълими, 1997, №2, –Б. 15-18.

<sup>61</sup> Неъматова Г. Ў. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланиши: Филол. фан. ном... дисс. автореф. –Т.,1998. –Б. 3-19.

<sup>62</sup> Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навоий (лексико-семантические, статические и тематические исследования). Дисс... докт. филол наук. –Т.,1989. –С 50.

тадқиқига бағишланган китобининг айрим жойларини ўсимликларга алоқадор фикрларга бағишлаган<sup>63</sup>:

1.«Навоий асарлари лексикаси» монографиясининг «Алишер Навоий асарларидаги форсча ва арабча сўзларнинг тематик группалари» номли сарлавҳаси остида (146-153 бетлар) шоир қўллаган сўзлар яна 26 та мавзуй гуруҳларга бўлинган. Аммо улардан ўн бештасининг илмий таҳлили монографияда ўз аксини топган, холос. Китобда мавзуй гуруҳларнинг ўн иккитаси кўрсатилиб, қолган ўн тўрт гуруҳ сўзлари берилмаган ва кўп нуқта қўйилган (152-бет). Аммо китоб «хотима»сида 26 та мавзуй уяларга умумлашма хулосалар берилади. Шулар орасида йигирма бешинчи мавзуй гуруҳ хулосаси қуйидагича: «251 та ўсимликларга доир сўзлардан 243 таси учраб, улар турли тил материалларидир» (157-бет). Шундай қилиб, ушбу китобга ўсимликлар оламига мансуб сўзларнинг шарҳи кирмай қолган.

2. Олимнинг «Кўхна сўзлар тарихи» китобида «Ўсимликларга мансуб сўзлар» алоҳида боб қилиниб, бешта мавзуй гуруҳ номларининг кенг ва чуқур тадқиқлари (9-90 бетларда) берилган. Дастлаб «мева номлари» тадқиқи бошланиб (9-31 бетлар), **шафтолу** сўзининг тарихий таркиби, келиб чиқиши турли тиллардаги ва ёзма манбалардаги шакллари ёритилган.

Китобдаги **шафтолу** сўзининг этимони ва лексик-семантик хусусиятлари ҳақидаги шарҳлар китобхонда шубҳа туғдирмайди. Шунингдек, **зардолу** («ўрик») сўзи таркибий тузилишининг, маъноси, туркий, форсий тиллар ва айрим шевалардаги қўлланишларининг, луғатлардаги шакли ва маъноларининг аниқ таҳлиллари бор. **Зардолу** сўзининг морфем тузилиши, этимони аниқ кўриниб турган бўлса-да, муаллиф бунинг **олу** морфемаси билан ясалган бошқа ясама номларнинг илмий таҳлилида ишончли восита бўлишлигини эътиборга олган. Форс тилида **олу** қадимдан «мева», «дарахт» маъносида келингани, унинг эски ўзбек тилига ҳам ўзлашгани таҳлил этилади.

---

<sup>63</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –Б. 146-157

«Мева», «дарахт» маъноларини ифодаловчи **олма** сўзининг тарихи ва ясалиш шаклининг мураккаблиги баён қилинади, «беҳи»га ўхшаш мева бўлган **амруд** ва **мурудларнинг** ҳам маъно ва морфем тузилиши, тарихий қўлланиши шарҳланган.

Китобда шоир асарларида учрайдиган **анор, нор, руммон** ўсимлик номларининг туркий ва форсий ёзма ёдгорликларида учраш ўринлари ҳам кўрсатилган (19-20 бетлар), лекин бир тушунчани билдирган ушбу уч сўзнинг Навоий асарларида услубий вазифа бажарганлиги ҳақида фикр билдирилмаган. Муаллиф **анор** сўзининг морфем таҳлилида **кўкнор** ва **анжил //анжир** сўзларининг келиб чиқиши тарихан бир асосдан эмасмикан, деган тахмин билдиради. Алишер Навоий қўллаган данакли мевалар номи ҳам «дарахт» ва ҳам унинг «меваси» маъносини англатади, дейилиб, *ёнгоқ, бодом, писта* каби номларнинг фонетик шакли, қўлланиш ўринлари ҳақида ҳам фикр юритилган. Муаллиф *бодом* номи таҳлилида унинг *бодринг* сўзи билан бир асосли эмасмикан, деган тахмин билдиради (22-бет). Бизнингча, бу тахминнинг илмий асоси йўқ, чунки бодом ва бодринг сўзларининг фонетик тузилишида ўхшашлик бор, холос. Иккинчидан, улар бир-бирига бутунлай алоқаси бўлмаган ўсимликлар турини ифодалайди. Муаллифнинг «бодом» сўзи таркибидаги «дом» билан «хурмо» сўзидаги «мо» қисмлари тарихан бир лисоний асосдан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикри қўшимча этимологик далилларни талаб қилади. Китоб муаллифининг узум номини қадимги туркий тилда мавжуд бўлган «узу» («тепалик», «баландлик») сўзи билан боғлангани ҳақидаги қараш ҳам ишончли эмас. Сўзлардаги шаклий ўхшашлик тасодифий бўлиши мумкин. Китобда «**узум**» ва «**ток**» маъносида «раз» сўзи ҳам мавжудлиги қайд этилган, баъзи ҳолларда «раз» ва «ток»нинг услубан фарқланганлиги ҳам кўрсатилган.

Тадқиқотда арабча **унноб** («жилонжийда») сўзининг тўғри ва кўчма маъноларда қўлланиши ва айрим арабча мева номларининг ўзлашган тилда фақат грамматик кўплик шаклида услубан қўлланганлиги (масалан, «фавокиҳ»нинг бирлик шакли «фокиҳ» каби) мисоллар орқали шарҳлаб

берилган. «Олма» тушунчаси Навоий тилида услубан форсча «себ» сўзи билан мос келмаслиги мисоллар орқали кўрсатилган. Б.Бафоевнинг ушбу китобида Алишер Навоий асарларидаги туркий, арабий ва форсча мева (ва унинг дарахти) номларининг баъзиларига тарихий-генеологик жиҳатдан шарҳлар берилган.

Китобнинг алоҳида бир бўлимида сабзавот номлари эски ўзбек адабий тили сўз бойлигининг муайян бир қисмини ташкил этиши кўрсатиб ўтилади. Унда дастлаб **зардак** («сабзи») сўзининг қўлланиши ҳақида фикр юритилиб, «Хамса»нинг «Хайрат ул-аброр» достонида *зардак*нинг қўлланилишига мисоллар келтирилиб, бу сўзнинг туркий тилга форс тилидан ўзлашгани, бу тилда қадим даврлардан (XI асрдан) буён қўлланиб келинаётганлиги айтилади ва сўзнинг морфем таркиби (**зард+ак** – «саригча») тўғри кўрсатиб берилади.

Палакли ўсимликлардан бири форсча «**каду**»нинг эски туркий ёзма ёдгорликларида (Навоий ижодигача) ишлатилмагани кўрсатилиб, эски ўзбек адабий тилида «қовоқ», «ошқовоқ» маъноларида анча фаол қўллангани қайд этилади (33-бет). Ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан *каду* шеваларга хос сўздир. Китобда **сабза** сўзининг туркий тиллардаги ва туркча-форсча луғатлардаги шакллари, маъноси ва унинг қўлланиши ҳақидаги маълумотлар асосида тарихий-этимологик кўриниши таҳлили берилган. Бунда муаллиф *сабза* билан *полиз* сўзларида қандайдир умумийлик борлигини таъкидлаган. Форсча **чағандар** («лавлаги») сўзининг Навоий ғазалларида қайд этилмаслиги, бу ўсимлик номининг «Хайрат ул-аброр» асарида учраши мисоллар орқали асосланади (37-бет). Ҳозирги ўзбек тилидаги *лавлаги* сўзининг Алишер Навоий асарлари тилида учрамаслиги ҳам айтилган.

Китобда форсча **шалғам** сўзининг Маҳмуд Қошғарий луғатида унинг маънодоши бўлган туркийча *чагнур//чамгур* сўзлари қўлланилганлиги эътироф этилади. Муаллиф шу ўринда *шалғам* ва *чағандар* сўзларининг

морфем тузилишида ўзаро умумийлик борлигини таъкидлайди. Аммо бу фикр чуқурроқ илмий таҳлилга мухтож кўринади.

Ўсимликлар оламининг дон туркум турлари аталишида ўзбекча, форсча ва арабча сўзлар мавжудлиги эътироф қилиниб, қуйидагилар маъно ва қўлланиш ўрни жиҳатидан таҳлил қилинган: *бугдой, жав, кунжут, мош, нахуд, хаиш-хаиш, шоли*.

Китобда ўзбекча (туркий) **ажриғ** сўзининг фақат «Сабъаи сайёр»да учраши ва унинг этимони ўзбекча *ажратмоқ, айирмоқ* ҳаракат номи шакллари билан боғлиқлиги тахмин қилинган, яъни *азриғ//айриғ, ажриғ // ажриғ* бўлиши мумкинлиги айtilган (47-бет). Бу тахминнинг тўғри эканлиги 1997 йилда яратилган «Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати»да ўз исботини топган: «Бу от асли *айир*- феълидан *-иқ* қўшимчаси билан ясалган: *айир+иқ*: шундан кейин бу сўз таркибидаги *й* ундоши *ж* ундошига алмашган: *айириқ > ажириқ*; иккинчи бўғиндаги *и* унлиси талаффуз этилмай қўйилган: ***ажриқ > ажриқ***».<sup>64</sup>

Тадқиқотда Навоий асарлари тилида **вусма** шаклида ифодаланган кўкат тури ўша давр турмуш тарзида анча фаол бўлгани, араб ва форс тиллари луғатларида ҳам *васма//вусма* вариантларида келиши ва ҳозирги ўзбек тилида *ўсма* шаклида қўлланиши кўрсатилади. Форсча **гул** сўзининг келиб чиқиши этимологик жиҳатдан аниқланмаган бўлса-да, китобда унинг *гиёҳ* сўзи билан умумийлиги айтиб ўтилган (49-50-бетлар).

Б.Бафоевнинг ушбу тадқиқотида арабча *зайтун, занбах, бақам, заъфарон, муасфар*; форсча *зарир, испанд, шиқпечон, кашнез, лола, мушкбийд, мугайлон, най, наргис, насрин*; ҳиндча *нилуфар, норанж* ва туркий (ўзбек)ча *момуқ, конба, пахта, сўксўк, терак, чечак* каби ўсимлик номларининг қўлланиши, шаклий нусхалари таҳлиллар орқали кўрсатиб берилган.

---

<sup>64</sup> Раҳматуллаев Ш., Миртожиев М., Қодиров М. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати. –Т.: Университет, 1997. – Б.18 .

Баҳром Бафоевнинг «Алишер Навоий асарларида мева номлари» мақоласида муаллифнинг асосий эътибори Навоий асарлари тилида учровчи, **-олу** элементи иштирокида ясалган бир неча мева номларининг ўзбек тили тарихида босиб ўтган тадрижий йўли, ундаги маъно ўзгариш ва ҳозирги туркий тиллар лексикасидаги ўрнини кўрсатиб беришга қаратилган. Унда асосан, *шафтолу*, *зардолу*, *олу* мева номларининг қўлланиш тарихи, Алишер Навоий асарлари тилидаги шаклий ва маъно хусусиятлари, бадиийлик яратишдаги ўрни масалалари тадқиқ қилинган.

Муаллифнинг кўрсатишича, **шафтолу** эроний тилларга мансуб сўз бўлиб, бу ном Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари, «Девону луғотит турк» (XI аср), «Қутадғу билиг» (XI аср), «Ҳибатул ҳақойиқ» (XIII аср) асарлари тилида учрамайди, бу сўз дастлаб XIV асрда яратилган Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони тилида қайд этилади, Алишер Навоий асарлари тилида эса фаол қўлланилади.

Мақолада **зардолу** мева номи юқорида кўрсатиб ўтилган ёдгорликлар тилида, яъни Навоийнинг улкан асари бўлмиш «Хазойин ул-маоний» тилида ҳам учрамаслиги, фақат шоир «Хамса»сининг биринчи достони «Хайрат ул-аброр»да учраши кўрсатиб ўтилган. Масалан:

«Ширада зардолу этиб қанд ҳал,  
Йўқ каду, амруд кадуий асал»<sup>65</sup>

Шунингдек, **олу** сўзининг Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари тилида учрамаслиги, Маҳмуд Қошғарий луғатида *алуч*, Замахшарий луғатида *а:ли* шаклларида учраши, Алишер Навоий асарлари тилида эса кўпгина кўшма сўзлар таркибида **олу** шаклида қўллангани қайд қилинади.

Умуман олганда, эски ўзбек адабий тилидаги ўсимлик ва мева номларига оид турли даражадаги илмий қарашлар ва фаразлар, Алишер Навоий асарлари тили лексикаси, ундаги ўсимликлар оламига мансуб сўзлар ҳақидаги олимларнинг фикрлари, шу пайтгача тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаганлиги сабабли фитонимларнинг лексик-семантик,

---

<sup>65</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –Б. 12.



услубий хусусиятлари ишимизда илк бор илмий тадқиқ этилди. Ўсимликларни ифодаловчи сўзларга нисбатан тилшуносликда ўсимликлар, фитонимлар, флоралар, мева, полиз ва сабзавотлар номлари ҳамда дарахтлар каби терминлар қўлланилади. Бу сўзлар ўзларининг маъноси ва ишлатилишига кўра бир-биридан фарқланади. Фитоним термини ономастикада ўсимликларга қўйилган махсус атоқли номларни англатиши, улар ономасиологияда эса ўсимлик номлари маъносида қўлланилиб, ўсимликларнинг туркум, нав, хил, кўринишларини атаб келувчи апеллятивларни, яъни оддий сўзлар мажмуини билдириши, кенг маънода ўсимликларни, тор маънода атоқли отларни англатиши, оддий апеллятив сўз ва фитонимларни бир-биридан фарқлаш зарурлиги Н.Пазлитдинованинг номшуносликка оид тадқиқотида ўрганилган.<sup>66</sup> Тадқиқотчининг фикрича, фитоним атамасининг ўзига хос хусусияти кўпинча оддий сўзлар билан атоқли отларни фарқлашда намоён бўлади. Жумладан, *арча, терак, мажнунтол, қовун, тарвуз, ток, гул, ялпиз, майса, беда* кабилар оддий ўсимликлар тушунчасини ифодаловчи апеллятивлардир. Бундан ташқари, тил луғат таркибида ўсимликларга қўйилган махсус атоқли номлар ҳам мавжуд. Ана шундай номларга нисбатан фитонимлар (гр. *phuton* – ўсимлик+*онома* – атоқли от) терминини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бизнинг бу борадаги фикримиз шуки, *фитоним* сўзини икки маънода: кенг маънода апеллятив лексикага, тор маънода номинатив-ономастик бирликларга нисбатан ишлатиш зарур. Шу кунгача Навоий асарлари лексикаси бўйича олиб борилган тадқиқотларда ўсимликлар алоҳида мавзуй гуруҳ сифатида санаб ўтилганлиги, аммо улар махсус илмий тадқиқ этилмаганлиги сабабли диссертацияда Навоий асарларидаги ўсимликшунослик, гулчилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик каби соҳаларига оид сўзлар фитоним термини доирасида илмий тадқиқ этилди.

---

<sup>66</sup> Пазлитдинова Н.З. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. бўй. фалс. докт (PhD) дисс.автореф. –Ф., 2018, 22 б.

### 1.3.§. Алишер Навоий асарларидаги ўсимлик номларининг генетик - статистик таснифи

Мавзуимиз текшириш объекти (материали)ни янада аниқроқ англаб олиш учун, аввало, «Ўсимлик» тушунчасининг камровига нималар киради?» деган саволга жавоб излаймиз. Бунга ЎзМЭда қуйидагича изоҳ берилган: «Ўсимликлар (Plante яъни Vegetabilia) – тирик организмлар дунёси; фотосинтез қилиш хусусиятига эга бўлган автотроф организмлар; хужайра пўсти, одатда, қалин целлюлозадан, захира озиқ моддаси крахмалдан иборат. Айрим ўсимликлар (сапрофитлар, паразитлар) учун хос бўлган гетеротроф озиқланиш иккиламчи ҳисобланади. Ўсимликларга хос бошқа хусусиятлар (ўзига хос ривожланиш цикли, органларнинг шаклланиш йўли, ёпишиб яшаш ва б.) ҳамма ўсимликларга тегишли эмас. Лекин бу белгилар мажмуи ўсимликларни бошқа тирик организмлардан осон фарқлаш имконини беради.

Ҳозир бактериялар ва замбуруғлар алоҳида дунёга ажратилади. Ўсимликлар дунёси уч кичик дунё: қизил сувўтлар, чин сувўтлар ва юксак сувўтларга бўлинади. Бу кичик дунёлар 350000 турдан иборат барча ўсимликларни ўз ичига олади».<sup>67</sup>

Жаҳон биология фанининг сўнгги маълумотларига кўра, ер юзида ўсимликларнинг 500 мингга яқин тури мавжуд бўлиб, улардан 250 мингдан ортиғи уруғли ўсимликлардир. Буларнинг 800 туридан ортиғи яланғоч уруғли ўсимликларга, бошқалари эса гулли ўсимликларга тўғри келади. Демак, гулли ўсимликлар ер юзида мавжуд бўлган барча ўсимликларнинг ярмини ташкил қилади.

Ўсимлик турларининг ер юзида тарқалиши ҳам бир хил эмас: Франц Иосиф ерида атиги 40 та уруғли ўсимликларнинг тури учраса, Янгиер оролида 200 тур, Кавказда 5800, Ўрта Осиёнинг тоғли районларида 6000,

---

<sup>67</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 10. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005, –536 б.

Ўзбекистонда 4148 тур, Ҳиндистонда 2100, Хитойда 20000, Марказий Америкада 14000, Бразилияда 40000 тур уруғли ўсимликлар ўсади.<sup>68</sup>

Албатта, ўз хусусиятларига кўра ўсимликлар бир хил эмас, улар бир неча турларга таснифланади. Милоддан аввалги IV асрда яшаган юнон философ-табиатшуноси Тофраст ўсимликларни «дарахтлар», «буталар», «чала буталар» ва «ўтлар»га бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ўсимлик номлари «дарахт», «бута», «ўт», «сабзавот» ва «кўзиқорин»ларга ажратиб кўрсатилади.<sup>69</sup>

Ўзбек тилшунослигида ҳозирги ўзбек тилидаги ўсимликлар оламига мансуб номлар бирмунча чуқур ўрганилган: бундай атамалар луғатларда акс эттирилди, алоҳида илмий тадқиқотларнинг мавзуси бўлди<sup>70</sup>, илмий китоблар ва мақолаларда шарҳланди<sup>71</sup>, илмий-оммабоп китоб ҳолида тақдим этилди.<sup>72</sup>

Биз илмий тадқиқотимиз таҳлилларида ўсимлик номларининг ҳозирги тилимиздаги шакллари, маънолари, семантик-услубий хусусиятлари ҳақида олиб борилган илмий ишлардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Алишер Навоийнинг насрий ва назмий асарлари лексикасида ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган турли соҳаларга оид терминлар қўлланган бўлиб, уларнинг аксарияти, форс тили ва форс тили орқали ўзлашиб кириб келган араб тили лексикасига хос бўлган сўзлар ҳисобланади. Бундай сўзларнинг Навоий асарларида қўлланиши ижодкор дунёқарашининг кенглиги, шунингдек, ўз даврида араб ва форс тилларининг фан оламида тутган ўрни билан бевосита алоқадорлигидадир. Навоий асарлари таркибида

---

<sup>68</sup> Шоназаров Р., Ғуломов Х. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ажойиботлари. –Т.: Ўзбекистон, 1973. –105 б.

<sup>69</sup> Саҳобиддинов С.С. Ўрта Осиёда фойдали ва зарарли ўсимликларнинг илмий ҳам маҳаллий номлари луғати. –Т.,1953 –96 б.; Қосимов А.И., Набиев М.М. Ботаникадан қисқача изоҳли луғат. –Т.: Ўқитувчи, 1990– 80 б.; Нўймонов Т. Полизчилик атамаларининг изоҳли луғати. –Т.,1990 –175 б.

<sup>70</sup> Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология. Автореф. дисс. канд. филол. наук. — Т., 1955– С.20; Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1968. –С.22.; Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Т.,1971. – С.22.;

Ишанкулов Ю. Опыт историко-этимологического анализа название плодов в узбекском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1972. –104 С.; Курбанов А. Термины зерновых культур и зернового хозяйства узбекского языка. Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Т.,1975. –С.20.

<sup>71</sup> Зокиров К., Жамолхонов Х. Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. –Т.,1966. – 294 б.; Жамолхонов Х. Ўзбек ботаника терминологиясида халқчиллик масаласи. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. №6 –Б.40-42; Ишанкулов Ю. К истории названий плодов в узбекском языке. –Т.,1985, –104 С.

<sup>72</sup> Шоназаров Р., Ғуломов Х. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ажойиботлари. –Т.: Ўзбекистон, 1973. –105 б..


учровчи ўзлашган қатламга оид истилоҳларни икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин. Булар арабча ва форсча сўзлардир.

Шундай экан, биз ҳам Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимликлар оламига мансуб сўзлар миқдорини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Шунга кўра, Алишер Навоий асарлари тилида ўсимликларга оид 300 дан ортиқ сўзлар мавжудлиги аниқланди. Улар, асосан, мевали ва мевасиз дарахтлар ҳамда уларнинг мевалари номлари, гуллар, сабзавотлар, майса-ўтлар номлари ва уларга алоқадор бўлган сўзлардир. Алишер Навоий асарларида қўлланган ўсимлик номларини ифодаловчи сўзларнинг қайси тилга мансублиги (яъни генеологик) ҳақида олиб борган тадқиқотларимиз қуйидаги натижаларни берди: умумтуркий ва ўзбекча сўзлар – 34 та, арабча сўзлар – 53 та, форсча сўзлар – 204 тани ташкил этиши аниқланди. Бундан ташқари, арабча-форсча ва форсча-туркийча аралаш таркибли 14 та сўз мавжудлиги қайд қилинди.

Ўсимликлар оламига мансуб бўлган жами 305 та сўзни фоиз ҳисобида таснифлар эканмиз, улар ичидаги умумтуркий ва ўзбекча сўзлар 11,1 % ни, арабча сўзлар 17,4 % ни, форсча сўзлар 66,9 % ни ва аралаш таркибли сўзлар эса 4,6 %ни ташкил этиши аниқланди. Алишер Навоий асарларидаги фитонимларнинг генетик ва миқдорий маълумоти қуйидаги жадвал асосида берилди.

### 1.1 - жадвал



Бундан кўринадики, Навоий асарлари тилидаги ўсимликлар ва уларга алоқадор бўлган ўзлашма сўзларнинг энг катта қисмини форс тилидан ўзлаштирилган сўзлар ташкил қилади, кейинги ўринда арабча ўзлашмалар туради.

Ўз қатлам ва ўзлашган қатлам нуқтаи назаридан олиб қаралганда, Навоий асарларида қўлланилган ўсимлик номларидан: ўз қатламга оид сўзлари 48 тани, ўзлашган қатламга оид сўзлари эса 257 тани ташкил этади. Демак, Навоий асарларидаги ўсимлик номларига алоқадор сўзларнинг кўпчилиги (84,3 % и) ўзлашган қатламга мансуб сўзлар ҳисобланар экан. Лекин бу миқдор тушунчаси фақат ўсимликларга оид номлар доирасидаги тушунчадир: Алишер Навоий асарлари тили умумлексикаси доирасида бошқача кўрсаткич қайд қилинган: «Алишер Навоий асарларидаги сўзларнинг 53-55 процентини ўзлаштира сўзлар ташкил этади».<sup>73</sup>

Шунингдек, ўсимликларга оид сўзлардан бизнинг ҳисобимиз бўйича энг кўп миқдори форсча сўзлар (204 та – 66,9 %) ташкил қилган бўлса-да, Навоий асарлари умумлексикаси миқдори доирасидаги кўрсаткич ҳам бошқача, яъни Алишер Навоий ижодидаги форсча сўзлар араб тили материалларига нисбатан иккинчи ўринда туради (21,08 %) ва 5489 та сўзни ташкил қилади.

Алишер Навоий асарлари тилида форсча ўсимлик номлари кўплигининг асосий сабаби қадимдан ўтроқ ҳаёт кечириб, дехқончилик билан шуғулланган эроний халқнинг ўзбеклар билан ёнма-ён ҳаёт кечириши ва иккала халқ ўртасидаги тарихий ўзаро яқин қўшничилик муносабатлари бўлса керак. Бу ижтимоий-тарихий шароит ва омиллар адабий манбаларда, бадиий асарларда ҳам акс этган. Фикримизнинг далили сифатида форс-тожик адабиётининг буюк намояндаси Саъдий ва Навоийнинг ижодидан иқтибослар келтирамиз.

Нокис бо тарбият нашиавад, эй ҳаким, кас,

Дар боғ лола руюд, дар шўра хору хас (Саъдий).

---

<sup>73</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т. Фан, 1983. – Б.35.

Гарчи куёштин парвариш олам юзига омдур,

Сахроға камғоғу тикан, бўстонға сарву гул битар. (Навоий)

Икки буюк шоир асарларидаги бундай ғоявий-бадий муштараклик ҳам адабиётимиз ва тилларимизнинг теран илдизларидан гувоҳлик беради<sup>74</sup>.

Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган ўсимлик оламига мансуб умумтуркий, арабча ва форсча сўзларни генеологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратамиз:

1. Умумтуркий ва ўзбекча сўзлар: ажриғ (СС, 193-7), бошоқ (НТЛ, ҒС, 111-345), буғдой (МК, 23), вусма (МК, 139), каноб (СИ, 312 б –18), кўк (Мун, 88), мамук//мамуғ (Х, СИ, 1207), мунгуз (Х, СИ, 1543), олма (ХМ, III б – 708), пахта (II, 568), сўксўк (Х, ЛМ, 679), терак (ХМ, I б –567), ток (ХМ, I б –337), тол (СИ, 313б –21), узум (ХМ, IIIб –201), чечак (ХМ, I б –608), чигит (НМ, 92), яфроғ (Мун, 91), ўланг (МЛ, 113), қамиш (ХМ, I б –276), қовун (НМ, 97), қомғоғ (ХМ, II 1а –287) ва бошқалар.

2. Арабча сўзлар: абҳар (I, 26), адас (I, 39), алаф (I, 78), асмар (I, 127), афюн (I, 146), бақам (I, 234), бақл (I, 234), завоҳир (I, 608), зайтун (I, 611), карам (II, 98), лиф (II, 174), набот (II, 415), наботот (II, 415), нахл (II, 441), нахлбун (II, 442), норанж (II, 481), руммон (II, 634), сандал (III, 39), унноб (III, 294), фоқиҳа (III, 353), хиёр (III, 391), хино (III, 396), шажар (III, 491), қаранфул (IV, 31), ҳадиқа (IV, 131), ҳашаф (IV, 169) ва бошқалар.

3. Форсча сўзлар: амрўд (I, 89), анор (I, 102), арғувон (I, 119), анжир (IV, 212), барг (I, 216), беҳи (I, 286), бодом (I, 305), боғ, бўстонафрўз (I, 347), вард (I, 358), гиёҳ (I, 401), гул (I, 409), дарахт (I, 451), жав (I, 550), зардак (I, 620), зардолу (I, 620), зира (IV, 227), испанд (II, 53), каду (II, 89), кашниз (II, 103), лола (II, 177), лубё (IV, 234), мушқбид (II, 395), най (II, 427), наргис (II, 432), насрин (II, 436), нилуфар (II, 460), ниҳол (II, 466), нухуд (II, 492), обнус (II, 497), писта (II, 575), райҳон (II, 600), савсан (III, 45), себ (III, 68), сипанд (III, 82), суман (III, 123), сурхбед (III, 131), таранжабин (III, 185), хурмо (III, 433), чағандар (III, 458), чинор (III, 468), шамшод (III, 498), шафтолу (III,

<sup>74</sup> Қосимов У. Теран илдизлар. Рисола. Республика таълим маркази. – Тошкент, 2002. – Б.32.

510), шукуфа (III, 548), шўра (III, 555), ғунча (IV, 119), ҳамқо (IV, 158), ханзал (IV, 159), олу (ХМ, II16 –702) ва бошқалар.

4.Аралаш таркибли сўзлар: 1) форсча+арабча: бадалаф (I, 185), нилуфарий (IV, 240), савсаний (III, 21); арабча+форсча: байзадор (I, 196), ишқпечон (II, 74), нахлбанд (II, 442), нахлистон (II, 442), хиноранг (IV, 183); 2) форсча+туркийча: беварлик (I, 249), гулнишонлиғ(IV,219), офтобпарастлиғ (II, 538), сабзалиқ (III, 11), сарвбўйлук (III, 47), сарвқадлик (III, 47).

Навоий асарлари тилида умумтуркий сўзлардан **ўланг**, **кўк** сўзлари маъносида форсча *гиёҳ* ва арабча *алаф* сўзлари ҳам ишлатилган:

Айлади найсон зилоли ер юзин ойинагун,

Анжуму кўк аксидур анда раёҳину **ўланг**. («ХМ», IIIа-181)

**Кўк** сабзаси кўкка еткуруб бош,

Ул кўкта бўлуб нужум ушоқ тош. («М», XIII-88)

**Гиёҳ** боғ аро чини ойин бўлуб,

Ки ҳар гул анча лубати чин бўлуб. («СИ», 29768)

Барисидин **алаф** баҳо кўтариб,

Сабзаи умри айшдин кўкариб. («СС», 37-25)

Навоий асарлари тилида ҳозирги ўзбек тилида фаол бўлган **кўчат** сўзи йўқ, бу сўз ўрнида *навраста*, *нахл* ва *ниҳол* қўлланилган:

Ваҳки, синди нақли уммедим, хушо, ул боғбон,

Ким эрур хушҳол бир **навраста** шамшоди била. («ХМ», Iб-577)

Сарв нечук дейин сеники, йўқ анга гулранг юз,

**Нахл** нечук дейин сеники, йўқ анга ширин сўз. («МА», XIV-161)

Дема сарву санувбар ҳар **ниҳоли**,

Бўлур сарву санувбардек мисоли. («ФШ», 49)

Шунингдек, *барг* – *яфроз* – *варақ*, *бодринг* – *хиёр*, *дарахт* – *аишжор*, *лиму* – *турунж*, *олма* – *себ*, *ниста* – *офтобпараст*, *узум* – *ток* – *рез* каби сўз гуруҳлари шеърий тилда маънодошлар сифатида қўлланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мисоллардаги сўзлар, биринчидан, бир тушунчанинг турли нозик маъно кирраларини ифодалашга хизмат қилган

бўлса, иккинчидан, улар шеърий услуб санъати эҳтиёжи учун ҳам хизмат қилган. Навоий асарлари тилидаги ўсимликлар ва уларга алоқадор сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилида сақланганлик-сақланмаганлиги муҳим масаладир.

«Маълумки, ҳар қандай тил ўз ривожланиш тарихида турли босқичларни босиб ўтади. Тил ривожининг мана шу босқичларида унинг луғат состави ва грамматик структурасида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Бу ҳол ўз-ўзидан ҳар бир давр тилининг ўзига хос хусусиятлари ва нормаларини юзага келтиради. Мана шу нормаларга кўра бир давр адабий тили иккинчи давр адабий тилидан маълум хусусиятларига кўра фарқланади».<sup>75</sup> Ҳақиқатан ҳам, ўсимликлар оламига мансуб сўзларнинг Алишер Навоий ва ҳозирги ўзбек тилида қўлланиши бўйича баъзи фарқлар мавжуд.

Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимликлар оламига мансуб сўзларни ҳозирги ўзбек тилида сақланганлик-сақланмаганлигига кўра тўрт турга бўлиш мумкин: а) айна ўша шакл ва маънода етиб келган сўзлар; б) фонетик шакли бироз ўзгарган сўзлар; в) маъносида ўзгариш юз берган сўзлар; г) шоир тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги тилда мавжуд бўлмаган сўзлар.

Ҳозирги тилга айна ўша шакл ва маънода етиб келган сўзлар: анор (I, 102), арғувон (I, 119), анжир (IV, 212), барг (I, 216), беҳи (I, 286), бодом (I, 305), боғча (I, 327), буғдой (I, 343), бодринг (IV, 215), гиёҳ (I, 401), гул (I, 409), гулбарг (I, 413), гулгун (I, 414), гулзор (I, 415), гулнор (I, 416), дарахт (I, 451), зира (IV, 227), карам (II, 98), кўк (II, 149), лола (II, 177), мева (II, 296), наргис (II, 432), нилуфар (II, 460), олма (II, 517), пахта (II, 568), писта (II, 575), райҳон (II, 600), суруҳ (III, 131), терак (III, 223), ток (III, 240), тол (III, 241), узум (III, 280), хурмо (III, 433), чигит (III, 465), чинор (III, 468), шамшод (III, 498), шўра (III, 555), қамиш (IV, 29), қовун (IV, 58), ғунча (IV, 119) ва бошқалар.

---

<sup>75</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. – Б. 9.



Фонетик шакли бироз ўзгарган сўзлар: ажриғ (I, 54), башоқ (I, 233), биҳи (I, 300), вусма (I, 384), зардолу (I, 620), йиғоч (II, 82), каду (II, 89, шевада бор), каноб (II, 96), кашниз (II, 103), лему//лиму (II, 173), лубё (IV, 234), нахуд (II, 442), нухуд (II, 492), сўксўк (III, 140), хино (III, 396), шалғам (III, 496), шафтолу (III, 510), яфроғ (III, 599), хино//хинно (IV, 182) ва бошқалар.

Маъносида ўзгариш юз берган сўзлар: варақ (I7 358 – «япроқ»), дона (I, 500 – «уруғ»), дор (I, 503 – «ёғоч»), кунда (IV, 233 – «ёғоч»), най (II, 427 – «қамиш»), олу (II, 519 – «олхўри»), чамбар (III, 449 – «гулчамбар»), чечак (II, 464 – «гул»), ҳамқо (IV, 158 – «семизўт»), ҳанзал (IV, 159 – «итқовун») ва бошқалар.

Навоий асарлари тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида учрамайдиган ўсимлик номлари: абҳар (I, 26 – «бўтакўз, наргис»), адас (I, 39 – «ясмиқ»), амрўд (I, 89 – нок, олмурт»), ашжор (I, 152 – «дарахтлар»), банг (I, 209 – «наша, қорадори»), бақли ҳамқо (I, 234 – «семизўт»), бақл (I, 234 – «сабзавот»), бед (I, 254 – «тол»), бўстонафрўз (I, 347 – «гултожихўроз»), вард (I, 358 – «атиргул»), гулбун (I, 413 – «гул тупи»), гунавард (I, 423 – «турли гул»), жав (I, 550 – «арпа»), зардак (I, 620 – «сабзи»), испанд (II, 53 – «исириғ»), катон (II, 101 – «каноп мато»), лух (II, 182 – «қўға, қамиш»), мардумгиё//меҳригиё (II, 235, 302 – «женшень»), мамуғ//момуқ (II, 222, 316 – «пахта»), мунгуз (II, 352 – «шоҳ»), мушкбид (II, 395 – «гули хушбўй тол»), найшакар (II, 429 – «шакарқамиш»), нахлбун (II, 442 – «хурмо дарахти»), норанж (II, 481 – «апельсин тури»), норван (II, 481 – «яхши ҳидли дарахт»), обнус (II, 497 – «хушбўй дарахт»), офтобпараст (II, 538 – «кунгабоқар»), руммон (II, 634 – «анор»), саман (III, 34 – «ясмин»), сандарус (III, 39 – «сарик тусли дарахт»), сипанд (III, 82 – «исирик»), турунж (III, 259 – «лимон»), унноб (III, 294 – «чилонжийда»), хасхош (III, 389 – «қўкнори ўсимлиги»), хиёр (III, 396 – «бодринг»), чағандар (III, 458 – «лавлаги»), ҳамзал (IV, 159 – «итқовун»), ҳашаф (IV, 169 – «хурмо тури») ва бошқалар.

Қадимги туркий тилда мавжуд бўлган қуйидаги ўсимлик номлари Навоий асарлари тилида қайд қилинади, улар ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланишдадир: арпа (арпа), будғай//буғдай (буғдой), чечак (чечак, майса), ўт (ўт, майса), қамиш (қамиш), тикан (тикан), алма (олма), иғоч (ёғоч, дарахт), йиғоч (ёғоч, дарахт), тал (тол), терак (терак), узум (узум), чигит (чигит).

Навоий асарлари тилида ўсимлик номлари воситасида янги маъноли сўзлар ҳосил қилиш отдан от яшаш ва отдан сифат яшаш тарзида кўпроқ намоён бўлади.

Отдан от ясалган: бебарлик (I, 249 – «мевасизлик»), гулбарг (I, 413 – «гул япроғи»); гулбонг (I, 413 – «фарёд чекиш»), гулбун (I, 413 – «гул тупи»), гулгашт (I, 414 – «гул сайри»), гулгуна (I, 414 – «упа-элик»), гулдаста (I, 415 – «гул боғлами»), гулзор (I, 415 – «гулзор»), гулистон (I, 415 – «гулбоғ»), гулоб (I, 417 – «гул суви»), гулобхона (I, 417 – «гулоб сақланадиган хона»), гулранг (I, 417 – «қизил»), гулфишон (I, 418 – «яхши ҳид, атир»), гулфишонлиғ (I, 418 – «қизғин суҳбат»), гулхан (I, 419 – «ўт, олов»), гулчин (I, 419 – «боғбон»), гулшан (I, 420 – «гулбоғ»), гулқанд (I, 421 – «ширинлик»), донапош (I, 501 – «дон сепгич»), лолавор (II, 177 – «лола ранг»), лолагун (II, 177 – «лоларанг»), лолазор (II, 178 – «лолазор»), навбар (II, 416 – «нихол ўсимлик»), найистон (II, 428 – «қамишзор»), найшакар (II, 429 – «шакарқамиш»), наргисзор (II, 432 – «наргис гулзори»), сабзалиқ (III, 11 – «яшиллик»), сабзаранг (III, 11 – «яшил рангли»), савсаний (III, 21 – «савсан ранг»), сандалнасим (III, 39 – «ёқимли шабада»), сандалпўш (III, 39 – «қорасариқ кийим»), сарвистон (III, 47 – «сарвзор»), сипандон (III, 82 – «исирикдон»), сурхрў (III, 131 – «қизил юз»), сурхрўлуғ (III, 131 – «шодлик»), қамишлик (IV, 29 – «қамишзор»), хиноранг (IV, 183 – «қизил») ва бошқалар.

Отдан сифат ясалган: баргваш (I, 218, – «япроқсимон»), бебарг (I, 249 – «баргсиз»), гуландом (I, 412 – «хушбичим»), гулбўй (I, 414 – «хушбўй»), гулгун (I, 414 – «қизил»), гулжабин (I, 415 – «хусндор»), гулкирдор (I, 416 –

«гулдай»), гулнор (I, 416 – «қизил»), гулнорий (I, 417 – «қизил рангли»), гулогин (I, 417 – «гулдор»), гуломез (I, 417 – «гул ҳидли»), гулранг (I, 417 – «қизил»), гулрух (I, 418 – «гул юзли»), гулфом (I, 418 – «гулранг», «гўзал»), гулчеҳр (I, 419 – «соҳибжамол»), гулбузор (I, 421 – «гул юзли»), лолавор (II, 177 – «лола ранг»), лолагун (II, 177 – «лола ранг»), лоларух (II, 178 – «лола юзли»), мамуғлуқ (II, 317 – «пахтали»), насринфом (II, 437 – «насрин рангли»), нилуфаргун (II, 460 – «нилуфар рангли»), норанжваш (II, 481 – «апельсин рангли»), руммоний (II, 634 – «анорранг»), сандалбў (III, 39 – «хушбўй»), сандалгун (III, 39 – «қорасариқ»), сарвбун (III, 47 – «хушқомат»), сарвқад (III, 47 – «сарвиқомат»), суманбар (III, 123 – «оқбадан»), лолафом (II, 178 – «лоладек») ва бошқалар.

Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимлик номлари доирасида гул сўзи иштирокида сўз ясалиши кенг тарқалганлиги, бу морфема воситасида 50 дан ортиқ ясалган сўз мавжудлиги қайд қилинади. Шунингдек, унинг асарларида *лола*, *нилуфар*, *сандал*, *сарв*, *суман* ва *гунча* сўзлари воситасида ясалган сўзлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улуғ шоир ва мутафаккир Навоий асарлари тилида гул сўзи сермаънолилиги билан ҳам бошқа ўсимлик номларидан фарқ қилиб туради: шоир асарларида *гул* морфемасининг яқка ўзи ва изофавий бирикмалар таркибидаги *гул* сўзининг шакллари 50 дан ортиқ маъно ифодалаш учун хизмат қилдирилган.

Демак, Алишер Навоий асарлари тили турли-туман туркий уруғ ва қабилалар тил хусусиятларини ўзида бирлаштирган, тарихий-географик, ижтимоий-сиёсий шароитлар туфайли бошқа тилларнинг таъсирини ўзига сингдирган, бадиияти юксак ҳамда ривожланган тил эди. Шоир тилидаги бундай бойлик унинг асарлари лексикасида, хусусан, ўсимликлар оламига мансуб сўз бойлигида ҳам намоён бўлган: унинг асарлари тилида бир хил ўсимликни номлаш учун бир неча сўзлардан фойдаланиш, ўсимликлар номлари заминида янги тушунчаларни ифодаловчи, бадий тил учун хизмат қилувчи янги сўзлар ҳосил қилиш анчагина кучли. Алишер Навоий асарларида қўлланган ўсимликлар ва улар билан боғлиқ сўзларнинг

кўпчилиги ҳозирги ўзбек тилига айна шакл ва маънода, фонетик шакли бироз ўзгарган кўринишда, маъносида бироз ўзгариш юз берган тарзда етиб келган. Даврлар ва тилдаги тарихий ўзгаришлар туфайли, Навоий қўллаган ўсимлик номларининг бир қисми ҳозирги ўзбек тилигача етиб келмаган.

## **I боб бўйича хулосалар**

1. Навоий асарлари тилида турли соҳаларга оид сўзлар: диний-тасаввуфий, афсонавий, ҳарбий терминлар, киши исмлари, таҳаллуслари, инсон тана аъзолари номлари, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуққа оид терминлар, уй-рўзғор, кийим-кечак, касб-ҳунар, таълим-тарбия, озиқ-овқат, об-ҳавога оид лексема, жўғрофий, астрономик тушунчалар ва осмон жисмлари терминлари, ёввойи ва уй ҳайвонлари, паррандалар, қуш номлари, майда жониворлар, ўсимлик, дарахтлар, қон билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, спорт ўйинлари, мусиқий тилшунослик, адабиётшунослик терминлари мавжуд бўлиб, булар Навоий асарларининг сўз хазинасини ташкил қилиши аниқланди.

2. Фитонимларда халқ яшаб келган тарихий-географик ҳудудга ва иқлимга мос келувчи наботот олами намоён бўлади. Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимлик дунёсига оид номлар ва улардан ясалган сўзлар эски ўзбек адабий тилининг шу соҳадаги лексик бойлигини ва уларнинг бадиий санъатда қандай вазифани ифодалаб туриши ўрганилган.

3. Тилдаги бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ, ўсимлик номида шу ўсимликни тўла қамраб олган тушунча ҳам, унинг «меваси» тушунчаси ҳам, «гули» ва «илдизи» тушунчаси ҳам ифодаланади. Муайян ўсимлик номининг қандай маъно англатиши матн мазмунидан (контекстдан) англашилади.

4. Ўсимликлар оламига мансуб бўлган жами 305 та сўзга нисбатан булар фоиз ҳисобида: умумтуркий ва ўзбекча сўзлар 11,1 % ни, арабча сўзлар 17,4 % ни, форсча сўзлар 66,9 % ни ва аралаш таркибли сўзлар 4,6 % ни ташкил этиши аниқланган.

5. Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимликлар оламига мансуб бўлган сўзларни ҳозирги ўзбек тилида сақланганлик-сақланмаганлигига кўра тўрт турга бўлиш мумкин: а) айтилган шакл ва маънода етиб келган сўзлар; б) фонетик шакли бироз ўзгарган сўзлар; в) маъносида ўзгариш юз берган сўзлар; г) шоир тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги тилда мавжуд бўлмаган сўзлар эканлиги ўрганилган.

## **II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДАГИ ФИТОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўсимлик номлари ҳар бир халқ тилида маълум қатламни ташкил қилади. Ўсимлик номларида шу халқ яшаб келган тарихий-географик ҳудудга ва иқлимга мос келувчи наботот олами кўлами ҳам намоён бўлади.

Алишер Навоий асарлари тилидаги бир мавзуй гуруҳ сўзлари– фитонимларни ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш сўз қўллаш тарихини мукамалроқ ёритишга, сўзларнинг тарихий-этимологик қиёфасини аниқлашга, сўзларнинг диахроник ўзгаришлари ва синхрон ҳолатдаги шаклини, ўрганилаётган тилга қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг лексик жиҳатидан таъсирини баҳолашга, сўзларнинг лексик-семантик, семантик-услубий хусусиятларини кенгроқ ёритишга имконият беради. Фитонимлар лисоний ва ботаник бирлик сифатида селекция, нав ва унинг хилини, қандай ўсимлик (сабзавот, полиз, резавор, донли экинларни, мевали ва манзарали дарахтлар)ни ифодалаш, пишиш вақти ва бошқа табиий белги-хусусиятларига кўра таснифланади.

### **2.1.§. Гул лексемаси ва унга алоқадор фитонимлар**

Навоий асарларидаги фитонимларнинг семантик майдонини табиий бўлинишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- I. Гул номларини ифодаловчи фитонимлар.
- II. Мевали ва мевасиз дарахтларни ифодаловчи фитонимлар.
- III. Маданий экинлар ва ёввойи ўсимликларни ифодаловчи фитонимлар.
- IV. Сабзавот ва полиз экинларини ифодаловчи фитонимлар.

Маълумки, бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ, ўсимлик номида шу ўсимликнинг «тупи» тушунчаси ҳам, «меваси» тушунчаси ҳам, «гули» тушунчаси ҳам ифодаланади. Унинг «тупи» ёки «меваси» ёки «гули» маъносида эканлиги нутқий бирликдан (контекстдан) англашилади.

Г.Ҳ.Неъматова тўғри таъкидлаганидек, «Ўзбек тили ўсимлик номлари лексемаларининг маъновий қиймати «ўсимлик», «ҳосил», «маҳсулот» каби асосий семаларни ўз ичига олади ва нутқда шароит, қуршов сўзлари таъсири остида бу маънолардан бирини воқеалантиради».<sup>76</sup>

Номшуносликда «ўсимлик номлари» бирикмаси ўсимликлар ва уларнинг туркум, тур, нав ва хилларини атаб келувчи туб, ясама сўзлар (**гул, райхон, лола, шалғам, беҳи, гулбун, гулбарг** ва ҳ.к.) ва сўз бирикмалари (**гули раъно, гули садбарг, оқ терак, кўк терак** ва ҳ.к.) мажмуасини англатади. Шу сабабли содда, қўшма ҳамда «сўз бирикмаси» тузилишли ўсимлик номлари таҳлилга тортилди, шунингдек, ўсимлик номлари лексемалари иштирокида тузилиб, ўсимлик номини эмас, бошқа маъноларни англатувчи сўзларнинг семантикаси ҳақида ҳам фикр юритилди.

**Гул** сўзининг «ўсимлик» маъноси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг 2-бандида берилади: «Гул (ф.-т.). 1. Уруғли ўсимликларнинг урчиши учун хизмат қиладиган гулбарг, чангдон ва гулкосадан иборат қисми: **Олма гули. Нок гули.** 2. Атиргул ва, умуман, зийнат учун мўлжаллаб экиладиган ёки ўзи ўсадиган гулли ўсимликлар, чечаклар: «*Пушти гул. Оқ гул. Кўқон гул*».<sup>77</sup>

Алишер Навоий асарларида *гул* лексемаси кенг миқёсда қўлланади ва турли-туман (50 дан ортиқ) маъноларни ифодалайди. Бу сўз яқка ҳолда ҳам, ясама сўзнинг бош морфемаси ўрнида ҳам, туркий ва форсий изофаларнинг компоненти вазифасида ҳам қўлланган.

1. «Ўсимлик» маъносида:

Боғ аро гулларга ўт солди Навоий ноласи,

Бенаво булбулға ваҳ, мундоқ ун бўлғайму экин?! («ХМ», IVб-479)

2. «Очилган ғунча» маъносида:

Булбулни ки қилди зору ғамнок,

Гул кўнглакини ҳам айлади чок. («ЛМ», 80а14).

<sup>76</sup> Неъматова Г. Ҳ. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланиши. Филол. фан. номз... дис. автореф. –Т.,1998, – Б.14.

<sup>77</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 3-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007, – Б.326.

3. «Гул япроғи» маъносида:

Хуснунг авроқиға, эй гулшан, қувонма асруким,

То хабар топқунг, совурмиш тонг ели **гул дафтарин**. (ХМ., Па-252)

Номасидин тил топибон сўз насиб,

Ўйлаки **гул сафҳасидин** андалиб. (ХА., 133-27)

4. «Гулнинг ҳиди» маъносида:

Оз-озгина берган сойи **гул атри** насим,

Булбулдек ишим нолау фарёд ўлғон. (ХМ., Іб-766)

5. «Ёр, маҳбуба, маъшуқа» маъносида:

Сариғ, қизил алвон била хилъатларинг, эй **гул**,

Раънолиғ эрур, улки либосингда аёндур. (ХМ., IVб-143)

Бундай маъно **гули суманбар** ва **гули хандон** форс-тожик изофалари орқали ҳам ифодаланган:

Ким ғам ема, эй **гули суманбар**,

Зулфунг сочиб ул юз узра анбар. (ЛМ., 71а7)

Не **гули хандон**, не Исодур, не Юсуф муждаси,

Топди бир маҳжур ўлар ҳолатда жонон муждасин. (ХМ., Іб-480)

6. «Маҳсул, мева» маъносида:

Бу мавоҳиб ва ғинолар ва бу ғанойим била истиғнолар муяссар бўлди, мунинг натойижи **гуллари рўзгор аҳлиға беҳад** ва миқдор очила бошлади. (МЛ., 22)

7. «Натижа, ҳосил» маъносида:

Менинг бу ҳаётим гулбунининг **гуллари** ул ҳазратнинг хизмати баҳорида очилди. (В., 719)

8. «Ишқ ўти» маъносида:

... алар зулм боғида май ичиб **гул сочарлар**, балки майдин ҳар дам ўзгача **гул очарлар**. (ХА., 72)

9. «Фарзанд» маъносида:

Муроди боғи юз гулдин баруманд,

Вале ул ўзга гулга орзуманд. («ФШ», 31)



«Қаро кўзум» муршид шоирнинг мусоҳибига бўлган оталик ва пиру устозлик муҳаббатини юксак самимият билан тутинган фарзанди – Мир Дарвешга бағишлаган машҳур ғазалдир:

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.  
Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Ғазал сафарда қолиб кетган шогирди Мир Дарвешни орқага қайтариш мақсадида ёзилган бўлиб, «Қаро кўзум кел» сўзлари билан бошланади. Ғазалда одабийлик, инсоний муҳаббат, дўстлик улуғланади ва у ҳар байтда ўз бадий ифодасини топади. Навоий ўз фарзанди учун жонини ҳам аямайди:

*(Азизим, тезроқ келу) юзинг гулига кўнгил боғини гулшан, қадинг ниҳолига жон гулшанини чаман қилиб мени бахтиёр этгин.*<sup>78</sup>

*Сен мени гулоб билан ювгилу гул баргидан кафан қилғил.*

Зеро, гул барги унинг лабларини, гулоб эса юзидаги терни эслатиб туради (ва мен бундан мангу ҳузур топиб, қабримда тинч ётаман) (7-байт). Шоир фарзандига бўлган инсоний муҳаббати ва дўстлигини унинг камон ўқи орқали ҳам ифодалайди.

10. «Қонли кўз ёши» маъносида:

Секиз гул барги бирла бетаяммул,  
Сориқ гул узра оқизди қизил гул. («ФШ», 169)

11. АНАЛ (564)да гулнинг яна бир маъноси «қон» тарзида берилган:

Қарақчи қони ўлса рахтида доғ,  
Бу гул тожирга айлар тоғни боғ («ФШ», 54)

12. «Яхши нарсалар», «гўзалликлар» маъносида:

Ҳаёт равзасининг наврас сабззорининг назоҳати вақтиким, ўн беш ёштин қирқ ёшқачадурки, инсон хайлининг табъи булбули ҳар гул жамолига шефта бўлур. («ФШ», 69)

13. Туркий изофа таркибида «янги келинчак» маъносида:

---

<sup>78</sup> Маҳмудов Муҳаммаджон. Навоий ижодига янги қараш. –Т.: MERIYUS, 2015, – Б.16, 17,19, 28, 29.

Баҳор эрди-ю гул арусига зеб,

Арусона булбулга андин фиреб. («СИ», 297а-15)

14. Туркий изофа таркибида «давр, мавсум» маъносида:

Гул вақтида биров хор ғамидин мубтало эрканининг изҳори  
ва лоладек бағрида юз доғ била эрканининг намудори. («МН», 211)

15. Туркий изофа таркибида «гул ҳақида сўз, хабар» маъносида:

Гул зикрин эшитурменму йўқ гулдин асар,  
Бу боғ эшигидин истарам онча гузар. («ХМ», Iб-749)

16. Туркий изофа таркибида «гулга (ёрга) етиш орзуси», «ёр васли»  
маъносида:

Ёр қади ҳажридин сарв майлин мафқуд дебтур ва юзи шавқидин гул  
орзусин нобуд билибтур. («МН», 230)

17. Туркий изофа таркибида «баҳор фасли», «гул мавсуми» маъносида:

Гул чоғи ҳар гулга бир булбул тараннум кўргузуб,  
Тоза қонлиғ доғ ила кўнглум куши афғон тузуб. («ХМ», IIа-35)

18. Форсий изофа таркибида «асл натижа», «чин мақсад» маъносида:

Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,  
Бор эди инсон гули мақсуд анга. («ҲА», 140-16)

19. Форсий изофа таркибида «мақсад натижаси» маъносида:

Чун гули мурод анга рафеъ бўлди баса,  
Ул нахлға ҳам соя васеъ бўлди баса. («НЖ», XV-37)

20. Форсий изофа таркибида «ёш гўзал қиз, маҳбуба» маъносида:

Боғ аро кўрсанг гули навхоста,  
Барча учун суҳбат эт ораста. («ҲА», 140-16)

21. Форсий изофа таркибида «жозибали, гўзал жамол» маъносида:

Маскан учун бўлди чу гулбун нишин,  
Жониға ўт ёқти гули оташин. («ҲА», 112-2)

22. Форсий изофа таркибида «сержилва, янги очилган гул» маъносида:

Келгуси ул сарви сийманбар гули серобдек,  
Ким танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек. («ХМ», Iб-343)

23. Гул сўзининг такрорий тузилишли шакли (гул-гул) «чаман-чаман», «қип-қизил» маъноларида:

Энгим гулбаргидин бўлганда маҳзун,

Юзунг гул-гул қилурму ашки гулгун. («ФШ», 173)

Жабинлар гул-гулу, кирпичлари хор,

Қабоғлари кенг-кенгу, оғизлари тор. («ФШ», 89)

24. Гул-гул такрорий сўзи «шод-хуррам» маъносида:

Тилар чун ғунча шаккар ханда қилмоқ,

Топар ул кулгидин гул-гул очилмоқ. («ФШ», 48)

АНАТИЛда гул сўзи маъноларига берилган баъзи изоҳлар моҳиятга мос эмасдек туюлади:

Қилди чу зийнат била боғи сипехр

Ахтарининг ҳар гулини рашки мехр («ХА», 49-2)

Ушбу байтдаги *гул* сўзи «зоҳир бўлиш», «кўриниш», «пайдо бўлиш» маъносида эканлиги кўрсатилади. Бизнингча, бу ўринда *гул* сўзи «нур» («юлдуз нури») маъносини ифодалаган.

Луғатда берилган –*Қароқчи қони ўлса рахтида доғ,*

*Бу гул тожирга айлар тоғни боғ* байтидаги *гул* сўзи «қон» маъносида қўлланганлиги айтилади, («ФШ», 54), аслида «*тасвир, чизги*» маъносини ифодаламоқда.

Ҳар қандай ном (атама)ларда бўлганидек, ўсимлик номларида ҳам атамавий маъно ва умумистеъмол маънолар бўлади. «...лексик-семасиологик тадқиқотларда, шунингдек, оммавий ва махсус луғатларда ўсимлик номлари лексемаларининг умумистеъмол ва терминологик маъноларини фарқлаш лозим».<sup>79</sup>

Биз кўрсатган 1- ва 2-маъноларни *гул* сўзининг атамавий маъноси дейиш мумкин, қолганлари эса бу сўзнинг умумистеъмол маънолари бўлиб, кўчма маънолар орқали услубий вазифа бажармоқда, тил бадиияти учун хизмат қилмоқда.

<sup>79</sup> Неъматова Г.Х. Кўрсатилган автореферат, –Б.11.

Гул сўзи феълнинг аналитик шаклини ҳосил қилишда ва фразеологик бирликлар таркибида қатнашиб, турли маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган.

25. «Гулранг бўлмоқ, қизармоқ» маъносида:

Юзунгим, майдин ўлмиш гул уза гул,

Кўнгул боғланмиш андин қон уза қон. («ХМ», Ша-245)

26. «Гул очмоқ, гулламоқ» маъносида:

Булутдинким, бўлур сероб туфроғ,

Мулавван гул берур минойи яфроғ. («В», 717)

Шу маънода гул очилмоқ феъли ҳам қўлланади:

Агар юз қатла булбул чексун афғон,

Баҳор ўлмай гул очилмоқ на имкон. («М», 100)

27. «Яшнамоқ, барқ урмоқ» маъносида:

«... турк нозимлари ўз алфозлари била шеърға машғуллуқ қилғайлар ва кўнгул ғунчаси доғидинки, ...баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар». («МЛ», 36)

28. «Гуллатмоқ, обод қилмоқ» маъносида:

Баъзиким... қаро туфроққа дурлар сочар ва нишлик тикондин гуллар очар. («МҚ», 131)

29. «Эришмоқ, обрў топмоқ» маъносида:

Бандаи хоксор агарчи туфроғдин ўксук эрдим, аммо ул қуёш тарбияти била ранго-ранг гуллар очтим. («МЛ» 32,)

30. «Яшнасин, обод бўлсин» маъносида:

Талаб баҳорида боғингки гулбун этти аён,

Бу гулбунунға дағи тоза гуллар очилсун. («М», 141)

31. Гул боши уза гул очилмоқ ибораси «давлатли бўлмоқ», бахт эгаси бўлмоқ» маъносида:

Шохи тарабим бу дам қилиб гул,

Бошим уза тонгла очилиб гул. («ЛМ», 71611)

32. «Хурсанд бўлганга ўхшамоқ», «кўнгил ёришмоқ» маъносида:

Ўт била барқ ламъасидек мунтазирлар кўзларин ёрутулса, тоғдин куёш чикқандек бўлғай ва баҳордин гул очилгандек кўрунғай. («М», 88)

33. Гул киби хандон айламоқ ибораси «кулмоқ, қаҳқаҳа урмоқ» маъносида:

Не баҳорида шод бўл чандон,  
Айлабон ўзни гул киби хандон. («М», 91)

34. Гул сочмоқни бас қилмоқ ибораси «иззат-икром кўрсатишни, саҳийлик қилишни бас қилмоқ» маъносида:

Бошлариға гул сочсанг, алардин юзунгга тикан санчилур, агар ул гул сочмоғни бас қилсанг, бағрингга чўкур тикилур. («МК», 110)

Навоий асарлари тилида *гул* шу маънодаги ягона сўз эмас, «гул» маъносини умумтуркий *чечак*, форсий *шукуфа* ва арабча *завоҳир* сўзлари ҳам ифодалаган:

Лола қон узра бўёлиб, ўт уза анбар кўюб,  
Бор парихон чикмаған ғойиб чечаклардур пари. («ХМ» 1 б-608)

Чун сочар ел узра шукуфа дирам,  
Ҳақ анга не барглари айлар карам. («ХМ» 141-18)

...фасоҳат завоҳири била мукалал нукотларин ул маҳбуби оқибат маҳмуд навти била музайян ва муҳалло қилурлар. («В», 714)

Шунингдек, *гулнинг* грамматик кўплик («гуллар») маъносида *азҳор*, *аглол*, *чамбар*, *шуҳравард* сўзлари ҳам қўлланган.

«Ҳар хил гул, турли-туман гул» маъносида форсий *гунавард* сўзи қўлланади:

Кўк ўланг атрофида ҳар гунавард,  
Анжум ила доираи ложувард («ҲА», 61)

Алишер Навоий асарлари тилида гул турларини ифодаловчи 19 та сўз мавжуд. Улардан учтаси (*абҳар*, *саман* ва *сунбул*) араб тилига, қолганлари форс тилига мансуб сўзлар бўлиб чиқди.

1. **Абҳар** ҳозирги ўзбек тилидаги *бўтакўз* англатадиган гул тури ўрнида қўлланган:

Урди нафас нафҳаи анбар насим,  
Етти варақ сафҳаи абҳар шамим. («ХА», 48)

2. **Арғавон//арғувон** ҳозирги ўзбек тилидаги *арғувон* (қизил гул) ўрнида ишлатилган:

Кўзумда қатра қонлар боғлаған эрмас ҳамонким,  
Назар боғида шавқингдин очилған арғувондир бу. («ХМ», Ia-357)

Бу сўз: а) *арғувони май* форсий изофаси таркибида «қизил» маъноси учун ҳам хизмат қилдирилган:

Ўзи илгида арғувони май,  
Этти олида ҳасм қони ҳай. («СС», 58)

б) туркий (ўзбекча) феълнинг аналитик шаклида «қизармоқ» маъносини шакллантирган:

Юзунг ҳажрида билким қон ёшим оқмиш чаман ичра,  
Қачон кўрсангки, ҳар бир шох уза гул арғувон бўлмиш («ХМ», Ib-262)

3. **Бўстонафрўз** ҳозирги ўзбек тилидаги *гултожихўроз* ифодалайдиган гулни англатиш учун қўлланган:

Бўлди бўстони узоринг бодадин афрухта,  
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг. («ХМ», Ia-263)

4. **Вард** «атиргул», «қизил гул» маъносини ифодалаган:

Меҳнат тиконидан очилиб вард,  
Райҳони машаққату гули дард. («ЛМ», 90a10)

Бу сўз: а) *вард термоқ* бирикмасида келиб, «яхши нарса», «гўзаллик» маъносини ифодалайди:

Юзи гулзоридин чун вард тергунг,  
Не айтаймен ўзинг инсоф бергунг. («ФШ», 146)

б) феълнинг аналитик шакли (*вард ўлмоқ*)да «севикли» маъносини англатади:

Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлғай,  
Вой ангаки, яхшилардин ул фард ўлғай. («НЖ», XV-48)

в) арабча изофа *вардият ун-насойим* бирлигида «атиргул ҳидини анқитадиган шабада» маъносини ифодалашда қатнашган:

Ҳам субҳу оразингдур вардият ун-насойим,

Ҳам шоми сунбулунгдур миският ун-шамойим. («ХМ», Пб-399)

5. **Гулнор** «анор гули, қизил гул» маъносида қўлланади:

Бу ҳурмат бирла эрмас оташин гул оқ гул эрдиким,

Юзунг баркидин ўт тушти ангаким, бўлди гулнори. («ХМ», Іб-643)

Бу сўз: а) *гулнори ҳарир* форсий изофа бирлигида «қизил» маъносини англатади:

Келиб ул ким ҳарири гулнори,

Ҳулла анинг юзида зангори. («СС», 54-7)

б) *Гулнор айламоқ* феъли таркибида «қизил тусга кирмоқ» ҳаракат-ҳолат маъносини ифодалашда қатнашади:

Майи гулгун юзунгга шуъла солиб,

Ул гулингни бу гул айлаб гулнор. («ХМ», IVа-401)

6. **Ишқпечон** «зарпечак тусли гул» маъносида қўлланган:

Бу сорик юз бирла ўлсам кўйида тобутима,

Шохлар боғланг хазони ишқпечон торидин. («ХМ», Іб-468)

7. **Лола** сўзи ҳозирги ўзбек тилидагидек гул турини ифодалаган:

Чун лола ғунчаси зоҳир бўлар чоғ,

Неча кўнглида асрар ёшурун доғ. («ФШ», 92)

Бу сўз: а) кўчма маънода («қон» маъносида) бадий тасвир учун хизмат қилган:

Фурқатингдан заъфарон узра тўкармен лолалар,

Лолалар эрмаски бағримдан эрур парголалар. («ҲСҲА», 527)

б) *лолаи нўъмон* форсий изофа бирлигида «тўқ қизил», «энг чиройли» маъносини англатади:

Тоза доғ атрофида жисмимда тим-тим қон кўрунг,

Дарду ғам тоғида, ваҳ-ваҳ, лолаи нўъмон кўрунг. («ХМ», IVа-187);

в) *лола айламоқ* феълнинг аналитик шакли таркибида «қизартирмоқ» маъносини юзага келтиришга хизмат қилган:

Юзи ойини соғар лола айлаб,  
Ул ойға сабзасидин ҳола айлаб. («ФШ», 128)

8. **Наргис** ҳозирги ўзбек тилида «Оқ ёки сариқ гулли кўп йиллик ўт ва унинг чиройли гули»<sup>80</sup> маъносидаги ўсимликни англатиш учун қўлланган:

Ики наргис аро юз қатра лола,  
Совуғ охи била гулранг жола. («ФШ», 169)

Бу сўз: а) *наргиси нимхоб* форсий изофада «хумор кўз, уйку аралаш кўз» маъносини англатади:

Чу беҳуш уза септи андоқ гулоб,  
Очилди анга наргиси нимхоб. («СИ», 264аб);

б) *наргис кўзлик* бирикмасида «шахло кўз» маъносида қўлланган:  
Наргис кўзлук ва ғунча оғизлиғ гулбузори... («МН», 220)

9. **Насрин** «оқ хушбўй гул» турини аташда қўлланган:  
Хулла ичра баданингким кўринур,

Гўйиё гулбарг аро насриндур. («ХМ», Пб-83)

10. **Настаран** «оқ рангли гул» турини англатади:  
Қаҳҳорлиғи сарсари учурурға собит ва сайёр настараннинг сочилғон яфроғлари... («МК», 2)

11. **Нилуфар** худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, «сувда ўсадиган кўкимтир ёки сариқ рангли гул»ни ифодалайди:

Кўкарган доғидур ғам тошларининг хаста жисмимда,  
Қуруғ шох узра чирмашиб очилғай нилуфар ҳар ён. («ХМ» Пб-502)

12. **Савсан** ҳозирги ўзбек тилидаги *гулсансар* ўрнида қўлланган:  
Гул аҳмар, савсан азрак бу чаман ичра бўлуб андин,  
Ки елдин тарбият кожин аларға еткуруб маҳкам. («ХМ» Пб-397)

---

<sup>80</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, III жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 17.



13. **Саман** ҳозирги ўзбек тилидаги *ясмин*, («ўткир хушбўй оқ гулли, бутасимон ўсимлик»<sup>1</sup>) ўрнида қўлланган:

Неча қамчи тушубтур ул қади сийминбадан узра,  
Паёпай сойқа тушкан киби сарву саман узра. («ХМ» IVб-567)

14. **Суман** «хушбўй оқ гул» турини ифодалаган:  
Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт. («ХМ» Па-51)

15. **Сунбул** ҳозирги ўзбек тилида ҳам айни шу шаклдаги «Пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш учун баргли, ўтсимон декоратив ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбўй, чиройли гули»<sup>81</sup> маъносида қўлланган:

Гул қизарибтуру, сунбул қорарибдур, гўё,  
Боғ аро қилди аён зулф ила рухсор ул шўх. («ХМ» Пб-113)

Навой асарларида сунбулнинг узун барги рамзи асосида ўхшатиш қилиниб, «севгилининг сочи», «маҳбубанинг зулфи» маъноларида ҳам қўлланган:

Эй сунбулунг ҳалқаси бўйнуғиға тақиб расан,  
Ҳар тобида юз бало, ҳар торида минг ишкан. («МК» XIV-178)

Шунингдек, бу сўз форсий изофали бирикмаларда: а) «зулф» маъносида қўлланган:

Луъбати ҳиндзоди чинийваш,  
Лаъли жонбахшу сунбули дилкаш. («СС», 78-б);

б) «қайрилма кокил» маъносида ишлатилган:

Сунбули печон бўлиб афъи мисол,  
Ғунча анинг нишидин озурдаҳол. («ХА», 43-3);

в) «яшноқ гул, ҳидли гул» маъносида қўлланган:

... рақами ул гул ва лола орасида мушки ноб сепилган ва сунбули сероб экилганидин нишона кўргузур эрди: етишти. («М», XIII-48).

16. **Занбақ** «сунбул, декоратив гул ўсимлиги» маъносида:

---

<sup>81</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 3-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 587 б.

Занбақ анда лолагун буткай, шажарлар сурхбед,  
Ҳар чаманға барча сув қонлиғ сиришким ёғини. («ХМ», IVa-331)

Занбақ варақи аро сепар мушк,  
Ким атри димоғини қилар хушк. («ЛМ», 63a16)

17. **Муасфар** «бир турли сарик гулнинг номи» маъносида:

Ошиқ дема кимни кўрсанг асфар,  
Ким, бўлмади заъфарон муасфар. («Лайли ва Мажнун»дан)

Бу сўз *гули муасфар* форсий изофасида қатнашиб, бирикманинг «сарик гул» тушунчасини шакллантиради:

Танги нафас этти они асфар,  
Ул ранг илаким, гули муасфар. («ЛМ», 831)

18. **Бинафш** – бинафшагул.

Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш,  
Ваҳки, ёқмас хотиримға ҳеч ранг илло бинафш (МАТ,FC,220)

... матлаи билан бошланган ўн бир байтли ғазалида ёрнинг бинафша ранг либос кийгани, бунинг унга ниҳоятда ярашгани, бу рангдаги кийимда ўз ошиғига ҳам ёққани ҳақида гапирди ва шеърни қуйидаги мақта билан тугаллайди:

Эй Навоий, ул бинафшпўш гулнинг васфида  
Бўлмасун ҳар не ёзарсен қоғозе илло бинафш.

Мазмуни: Эй Навоий, у бинафшаранг кийимдаги гул (ёр) нинг мақтови юзасидан нима ёзсанг ҳам бинафшаранг қоғоздан бошқа қоғозга ёзма. Шоир ёрнинг васфида шеър битилган қоғознинг ҳам унинг кийими рангида бўлишини истайди.<sup>82</sup>

## 2.2.§. Мевали ва мевасиз дарахт номлари

Алишер Навоий асарлари тилида кўплаб мевали ва мевасиз дарахт номлари ҳамда уларга оид бўлган турли сўзлар қўллангани қайд этилади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шоир асарларида мавжуд дарахт

<sup>82</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. –Т.: Ўзбекистон, 2015. -55 б.

номлари ва уларга оид бўлган сўзлар XV аср ўзбек адабий тили (хусусан, Навоий тили) луғат захирасида шу мавзуий гуруҳ доирасида мавжуд бўлган барча ном ва сўзларни қамраб олган, дейиш тўғри бўлмайди. Чунки бундай сўзлар Навоий асарларининг мазмун ва ифода талабига (айниқса, шеърий услуб ва техникаси талабларига) кўра қўлланилган сўзлардир.

Ўсимликлар оламининг алоҳида бир туркумини умумий қилиб англатувчи сўз бўлган дарахт: «Тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик»<sup>83</sup>дир. Бу кўп йиллик ўсимлик мевали ҳамда мевасиз турларга бўлинади.

Ўсимликлар оламининг бир туркумини умумий тарзда ифодаловчи дарахт ва унинг тушунчасини англатувчи бошқа сўзлар Алишер Навоий асарларида қуйидагича қўлланиши аниқланди.

1. **Дарахт** «дарахт – тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик» маъносида:

Ҳамоно икки шох берди дарахт,

Бирин йўндилар тахтау бирин тахт. («СИ», 249a15)

Бу сўз Навоий асарларида «қомат, вужуд, борлик»; «бўлим, боб» каби кўчма маъноларда ҳам қўлланган: Машхур мундоқдирки, алар сулук айёмида қирқ арбаин чиқарибтурлар ва тўрт арбаин бир дарахт устида чиқарибтурлар. («НМ», 178)

2. **Шажар** «дарахт ва «ниҳол» маъносида: Ашжорининг ҳар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёхин ва фавоқиҳи нужум ва ахтар. («СИ», 24666)

*Шажар* сўзи асарларда кўчма маъноларда ҳам қўлланган «келишган қад-қомат», «мева, ҳосил, самара» маъноларида ишлатилган: Инсоният боғининг дилписандроқ шажари эҳсондур. («МҚ», XIII-48)

3. **Йиғоч** «дарахт» маъносида:

Ғам тошин жисмимда пайконинг била бад айладинг,

Ул самарни бу йиғочқа барг пайванд айладинг. («ХМ», Iб-379)

---

<sup>83</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 1-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 559 б.

4. **Заққум** «аччиқ дарахт», «дўзахда ўсадиган дарахт» маъносида:

Чун харита бошини очти лаим,

Ким йиғилмиш эрди заққуми жаҳим. («ЛТ», 39-8)

*Дарахт* сўзининг грамматик кўплиги маъносида дарахтлар шаклидан ташқари, *ашжор* ва *дарахтон* сўзлари ҳам қўлланади.

5. **Ашжор** «дарахтлар» маъносида:... таъйин қилдимким, баҳор ўлғач, ул боғчаға раёҳин ва ашжор эккай. («ХМ», 697)

Бу сўз *ашжори вард* форсий изофали бирикма таркибида қатнашиб, «гул кўчати, гул ниҳоли» маъносини англатишга хизмат қилган:

Асмаъий ҳаж сари эрди роҳнавард,

Кўрди бир манзил аро ашжори вард. («ЛТ», 155-14)

6. **Дарахтон** «дарахтлар» маъносида:

Ҳиротруд вилоятида Гул кенти жамъи боғот ва дарахтон ва сарой ва боғча ва сойир арозиси била... («В», 721)

7. **Нахл** «кўчат, ёш дарахт» маъносида:

Боғбони даҳр аро ҳар нахлики пайванд айлади,

Хўб эди, гар бўлмаса эрди яна синдурмоғи. («ХМ», Па-342)

Бу сўз *нахли ноҳамвор* форсий изофа таркибида «беўхшов дарахт», *нахли тар* изофа таркибида «яшноқ дарахт» тушунчаларини англатади:

Сен киби бир гул топилмас кезса юз гулшан аро,

Қоматингдек нахли тар минг сарв ила савсан аро. («ХМ», Па-28)

8. **Ниҳол** «ёш дарахт, кўчат» маъносида:

Дема сарву санавбар ҳар ниҳоли,

Бўлур сарву санавбардек мисоли. («ФШ», 49)

Бу сўз кўчма маънода «ёш қомат, навқирон давр» маъносида ҳам қўлланган:

Қоматингға ҳар замон юз жилва, эй зебо ниҳол,

Нотавон кўнглумға ҳар бир жилвасидин ўзга ҳол. (МАТ, ФС, 307)

Навойий асарларида мевали дарахт номлари ва унинг маънолари куйидаги ҳолатларда учраши аниқланди.

1. **Амрӯд** «нок, олмурут, нашвати» маъносида:

Ширада зардолу этиб қанд ҳал,

Йўқ каду амрӯд кадуйи асал. («ХА», 166-20)

*Амрӯд* нокнинг форсча номи бўлиб, Навоий асарларида *амрӯд* шаклида учрайди, ҳозирги ўзбек лаҳжаларида – *мурут*, *олмурут* деб талаффуз қилинади.

2. **Анор** «анор», «қизил гуллайдиган дарахт ва унинг меваси» маъносида:

Ўз илгида бир анор бўлса билмаски, неча парда ва неча хонаси бор ва ҳар парда ва ҳар хонасида неча донаси бор. («МК», 40)

*Анор* Ўрта Осиёда милoddан аввалги III-VI асрлардан бошлаб ўстирила бошланган.<sup>84</sup> Ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлланиладиган *анор* сўзи туркий тилга форс тилидан ўзлашган. Биринчи марта уйғур ёзувидаги туркий матнларда «нар» шаклида қайд этилган. XIV-XV аср ўзбек тилидаги ёзма ёдгорликларида, хусусан, Навоий асарларида «нор», «анор» шаклида учрайди.

Умумий лексикология бўйича олиб борилган тадқиқотларда бу сўзни оромий ёки санскрит тилларидан эроний тилларига ўтганлиги ҳақидаги фикрлар мавжуд (Радлов, 3-жилд, 1-қисм, 648-бет).<sup>85</sup> Форсий ва туркий тилларидаги луғатларда «нор» сўзи «анор» сўзининг соддалаштирилган шакли сифатида изоҳланади («Фарҳанг», 1, 870); (Будагов, 2, 276).<sup>86</sup> Форсий ва туркий тилларида «нор» сўзи XV асргача фаол ишлатилган. XV асрдан бошлаб «анор» асосий сўзга, қадимий шакл «нор» варианты эса иккинчи даражалига айланган. *Анор* сўзи Навоий асарларида фаол ишлатилган.

3. **Нор** «анор» маъносида:

Лаъли руммоний тиларсен дам-бадам зийнат учун,

Қатра-қатра бағринг андин нордек бўлди тут. («ХМ», 16-89)

4. **Руммон** «анор» маъносида:

<sup>84</sup> Розанов Б.С. Культура граната в СССР. –Труды АН ТаджССР, т.3. –Душанбе, 1961. –68 с.

<sup>85</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий, I – IV. Спб., 1893 – 1911. –648 с.

<sup>86</sup> “Фарҳанг” – Фарҳанги забони тоҷики. В 2-х т. –М., 1969. –870 с.; Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т. I – II. Спб., 1869 – 1871. –276 с.

Қатраси лаъл вале руммоний,

Қайси руммон, дегил ардистоний. («ХМ», IVa-411)

Руммон ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий асарларида қайд этилган.

5. *Анжир* «анжир» маъносида:

Ҳар тақдир била Одамға буғдой емакдин наҳй бўлди, Баъзи узум, баъзи анжир дебтурлар. (IV, 212)

Анжир адабиётларда форсча сўз сифатида талкин этилади. Бу сўз IX-X аср уйғур ёзуви ёдгорликларида «ажир» шаклида учрайди (ДТС, 6).<sup>87</sup> Навоий асарларида *анжир*, ҳозирги баъзи ўзбек лаҳжаларида *анжил* (Иштихон, Хатирчи, Каттақўрғон) тарзида қўлланади.

6. *Беҳи//биҳи//беҳ* «беҳи» маъносида:

Беҳида гард ўлтурған масаллик тук бўлур пайдо. («ХМ», Ша-17) Биҳи кўргач, они кўрмай яна ранж. («ФШ», 51)

Навоий беҳи ҳақидаги ғазалида эса беҳининг тасвирини анъанавий ишқ мавзусига боғлаб тасвирлайди :

Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо,

Димоғим ичра ҳар бир тухме янглиғ донаи савдо

Навоий гар куёш норанжидин беҳрақ кўрар, тонг йўқ,-

Беҳиким, лутф қилмиш маҳди улё исматуд дунё.

Шоир гўё бунда, асосан, ошиқнинг ишқ туфайли юз берган ночор ҳолатини беҳига ўхшатиб тасвирлаётганга ўхшайди. Аслида, шоирнинг асосий мақсади ишқ баҳонаси билан ўз ватанининг лаззатли, шифобахш мевасини тасвирлаб кўрсатиш, унга муҳаббат уйғотишидир. Бу хил ғазал норанж ( апельсин ) ҳақида ҳам бор.<sup>88</sup>

7. *Бодом* «бодом» маъносида:

Анча ичмак ўлуб ноком янглиғ,

Мавизу шираи бодом янглиғ. («ФШ», 35)

<sup>87</sup> ДТС – Древнетюркский словарь. –Л., 1969. – С. 6.

<sup>88</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр. –Т.: Ўзбекистон, 2015. -167 б.

«Бодом форсча сўз. Махмуд Кошғарийнинг «Девон» даги баъзи маълумотлар бу мева ва унинг номи узок ўтмишда туркий халқларга яхши таниш бўлганлигидан далолат беради. XV аср манбалари, хусусан, Навоий асарларида, ўзбек халқ лаҳжаларида «бадам», «бодом» кўринишларида учрайди».<sup>89</sup>

8. *Жавзи-биё* «хинд ёнғоғи, ҳидли ёнғоқ» маъносида:

Фалакким, етиб жавзи-бўё анга,

Бош айланмоғи солди гўё анга. («СИ», X-194)

9. *Зайтун* «мевали дарахт ва унинг меваси» маъносида:

Чу зайтун бўлуб чарх ила муттасил,

Бўлуб чарх зайтуни андин хижил. («СИ», 283a13)

10. *Зардолу* «ўрик меваси» маъносида:

Ширада зардолу этиб қанд ҳал,

Йўқ каду амруд кадуйи асал. («ХА», 214)

Зардолу – ўрикнинг маҳаллий номи. Навоий асарларида зардолу кўринишида қайд этилган. Ҳозирги ўзбек шеваларида «зардоли», «зардолу» кўринишларида учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида зардоли ўрик сўзининг диалектал синонимига айланди (қаранг: УРС, 164). Жиззах ва Ғаллаорол туманларининг қишлоқларида у тор маънода ишлатилади: «ўрик дарахтининг меваси». Зардоли сўзи Навоий асарларида баъзи шеърий санъатларни ҳосил қилган. Бадиий асарларда жонли нутқнинг хусусиятларини, шунингдек, тарихий даврнинг ўзига хослигини етказиш учун ишлатилади.

11. *Лему* «лимон» маъносида:

Фавокиҳ базм аро лемуву норанж,

Биҳи кўргач, они кўрмай яна ранж. («ФШ», 51)

Бу сўз «лимон ранг – сариқ ранг» кўчма маъносида ҳам қўлланган:

Ўзбаки гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтирур,

---

<sup>89</sup> ДЛТ – Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, I – III. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов). –Т.,1960 - 1963. –С.676

Лемуи терлик онинг остидаким, жонон кияр. («ХМ», Пб-184)

Лиму арабча сўз бўлиб, «лайму» варианты ҳам мавжуд. «Аттуҳфа»да «лимун», Навоий асарларида лиму кўринишида учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида «лимон» деб ишлатилади.

12. *Турунж* сўзи ҳам «лимон» маъносида:

Ва ул жамоат олида турунж ва турунж кесарга иликларида пичоқлар эрди. («ТАҲ», XV-202)

**Турунж** – меванинг арабча номининг (утруж//утрунж) кенг тарқалган вариантыдир. Ўзбек тилининг ёзма ёдгорликларида жуда кенг ишлатилган: турунч – «апельсин, цитрус мевалари» (СУЯ, 413)<sup>90</sup>, турундж – «апельсин» (Зам.,198).<sup>91</sup> Навоий асарларида турунж шаклида учрайди. Баъзи ўзбек лаҳжаларида, хусусан, Самарқанд вилоятида эски боғбонларининг нутқида, бу сўз «хушбўй, сувли, мазали нок нави» деган манони англатади.

13. *Нахлбун* «хурмо дарахти» маъносида:

Қаю нахлбунким, кўрар нозанин,

Қилур нахлбандиға юз офарин. («СИ», 1536)

14. *Хурмо* «хурмо дарахт», «хурмо меваси» маъносида хурмо ва хашаф сўзлари ҳам қўлланган:

Юзи ранги хурмо масаллик касиф,

Маҳосин намудори хурмою лиф. («СИ», 1339)

Гуҳардин чу холи бўлур ул садаф,

Эрур тенг ул-у бир қуруған хашаф. («СИ», 240620)

15. *Норанж* «апельсиннинг бир тури: нордон апельсин» маъносида:

Кўнглума келмас хазони боғ аро норанж хаш,

Ким хазони ҳажр аро бўлди юзум норанжваш. («ХМ», Iб-214)

Юқоридаги байтда норанжваш «апельсин рангли: қизғиш» маъносида келган.

---

<sup>90</sup> СУЯ – Староузбекский язык [Текст] / АН УзССР. Ин-т языка и литературы им. Пушкина. –Ташкент: Фан, 1966-1971. –22 см.

<sup>91</sup> Зам. – Абдулкасым Замахшари. «Мукаддимат ал-адаб» (по статье: Боровков А.К. Названия растений по бухарскому списку «Мукаддимат ал-адаб» – В сб.: Тюрская лексикология и лексикография. –М., 1971. – С. 96-111.



16. *Олма* «олма» маъносида:

Олмау гулоб қайнатурға,

Табъи эрмас улуғ қазонға роғиб. («ХМ», ШБ-708)

**Олма** ўзбек тилида «меваларнинг бир тури ва унинг дарахти» маъносида ишлатилади. *Олма* Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» луғатида қуйидаги фонетик вариантларда учрайди: *алма*, *алмила*, *алимла* (ДЛТ,1,150)<sup>92</sup>. Кейинги ёзма манбаларда, Аттухфа луғатида; XIV аср эски ўзбек тили ёдгорликларида *алма* шаклида учрайди. *Алма* сўзи дастлаб санскрит тилларида *амла* (аччиқ) шаклида ишлатилган ва туркий тилларга ўтган деган қарашлар ҳам мавжуд.<sup>93</sup> Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и материалларининг таҳлилидан кўриниб турибдики, XI асрда *олма* икки маънода ишлатилган: тор маънода «олма дарахтининг ҳосили (меваси)»; кенг маънода бу олма дарахтларининг барча навларини англатади. Навоий асарларида *олма* ўз маъносида ва кўчма маънода ишлатилган ҳамда турли услубий вазифаларни бажарган.

17. *Себ* «олма тури» маъносида:

Себки, даври (Себакедур) оразим ранги биров ҳижронидин,

Олмадек бўлмиш қизил ҳар ёни ашким қонидин. (МАТ, ФК,311)

Бу сўз себи занаҳдон форсий изофасининг «махбубанинг бақбақаси»

тушунчасини ифодалашига хизмат қилган:

*Себ* XV асрдан бошлаб ўзбек тилида яратилган мумтоз асарларда учрайди. «Себ» форсча сўз: *себак* – олманинг туридир. *Себ* Навоий асарларида кўп учрайди, ҳозирги ўзбек тилида «олма» маъносида қўлланилмайди.

18. *Олу* «олхўри» маъносида:

Ҳусну раънолиқ била дастори узра санчибон,

Ваҳки, шафтолу гулидур ё эрур оли гули. («ХМ», ШБ-702)

<sup>92</sup> ДЛТ – Девону луғатит турк. Индекс. –Тошкент: УзФАН, т.1. 1960. –490 б.; т.2. 1961. –427 б.; т.3. 1963. – 465 б.

<sup>93</sup> Дмитриева Л.В. Названия растений в тюркских и других алтайских языках. В сб.: Исследования по восточной филологии. –М., 1974. – С.362

*Олу* маҳаллий олчанинг номи ҳамда олча ва ўрикнинг умумий номи сифатида ишлатилган. Бу сўз форс тилидан олинган. Навоий асарларида олча ва унинг бир тури сифатида ишлатилган. Ўзбек тилининг баъзи шеваларида фонетик ўзгаришларда ишлатилишини кузатиш мумкин: *олу, алу, оли*.

19. *Унноб* «чилонжийда, жийданинг юмалоқ мевали тури» маъносида:

Рангин лабинг озурда кўнгул комидур арчи,

Бемор эмас шарбати унноб ила мултаз. («ХМ», Пб-134)

*Унноб* – арабча мева номи. Сурияча номи *зизуфа* – «Хитой тоғгули» Маҳмуд Қошғарийда «чипқон» (1,419). Навоий асарларида *унноб* шаклида учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида, илмий адабиётларда *унноб*, ўғуз шеvasида *аннап* тарзида учрайди.

20. *Шафтолу* «шафтоли» маъносида:

Ҳусну раънолиқ била дастори узра сончибон,

Ваҳки, шафтолу гулидур ё эрур олу гули. («ХМ», Шб-702)

21. *Писта* «жануб тоғларида ўсадиган паст бўйли дарахт ва унинг меваси»<sup>94</sup> маъносида:

Оғзидин аччиқ сўз айтиб зоҳир этса заҳри чашм,

Айб эмастур писта шўру тонг эмас бодом талх (МАТ, ФС, 107).

Бу сўз орқали олдинги байтда маҳбубанинг малоҳат оғзи («ширин оғзи»)ни шўрапўшт («аччиқ») қилгани тасвирланган бўлса, кейинги байтда табиатан «писташўр» ва «бодом талх»лиги («аччиқлиги») маҳбубанинг заҳр чашм («аччиқ сўз»)лигидан эканлиги ифодаланган.

**Писта** – меванинг форсча номи; бу сўз арабча *фустуқ*//*фустақ*. XIV аср бошидан бошлаб *писта* сўзи ёзма ёзувларда учрайди. *Писта* сўзи бошқа тилларга турли шаклларда қабул қилинган. Баъзи тадқиқотчилар бу сўзни асл юнончага боғлаб, уни юнонча *писса*, *питта* (қатрон)дан десалар, бошқалари буни форсча *пистэ*, *писта* билан боғлайдилар. Фикримизча, бу сўзнинг халқаро лотинча номи *писте* форсчадан олинган. Навоий асарларида *писта* сўзи кўп ишлатилган.

<sup>94</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 3-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 266

22. Ёнгоғ//ёнғоқ «мағзи қаттиқ пўчоқ қобикқа ўралган кўп йиллик дарахт ва унинг меваси»<sup>95</sup>:

Йиғоч узра гар бўлса юз минг ёнғоғ,

Кўмар ерга ҳар не ўғурлади зоғ («Хамса», 1270).

АНАЛда бу сўз «ёнғоқ»шаклида берилган: Суфрада нон эрди ва ёнғоқ ва туз (780, Насойимул-муҳаббат, 146-Т).

23. *Офтобпараст* «кунгабоқар», «қуёшга талпинувчи» маъносида:

Ёр аёғиға бўлди андоқ паст,

Ки қуёш кўргай офтобпараст («СС», 1164).

Бу сўздан -лик//-лиғ қўшимчаси воситасида ясалган сўз «қуёшга топинувчанлик», «қуёшпараслик» маъносини ифодалаш учун қўлланган:

Ниҳояти ҳашамату камолда салотиндин мунфарид ва миллати офтобпарастлиғ («ТАҲ», XV-227).

Кўринадики, Навоий асарлари тилида «дарахт» маъноси учун тўққизта сўз ишлатилган: *дарахт*, *шажар*, *йиғоч*, *заққум* сўзлари «етилган, шаклланган дарахт» маъносида, *дарахтлар*, *ашжор*, *дарахтон* сўзлари «дарахтлар» маъносида, *нахл*, *ниҳол* сўзлари эса «ёш дарахт», «кўчат» маъносида қўлланган.

Шоир асарларида 23 та мевали дарахт номлари қайд қилинган. Мевали дарахт номларидан тўрттаси бир ном билан эмас, икки-уч хил ном билан юритилган: *анор* – *нор* – *руммон*; *нахлбун* – *хурмо* – *хашаф*; *жавзи* – *биё* – *ёнгоғ*; *лему* – *турунж*.

Бир ўсимлик (дарахт) номи учун бир неча сўзлардан фойдаланиш, албатта, улуғ шоир томонидан ўша давр халқ тили одатини акс эттиришга, бир тур ўсимликнинг бироз ўзгача навларини фарқлашга ва шеърий техника талабига риоя қилишга хизмат қилдирилган.

Навоий қўллаган мевали дарахт ёки унинг маҳсули номлари терминологик маъносидан ташқари, умумистеъмол (яъни кўчма) маъноларга

---

<sup>95</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 2-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.40

ҳам эга. Масалан, *дарахт, шажар, ашжор, нахл, ниҳол* сўзлари ўз (бош) маъносидан ташқари, бир неча кўчма маъноларда ҳам қўлланган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мевали дарахт номлари, алоҳида олганда, шу мева дарахтининг умумий маъносини ҳам, меваси маъносини ҳам, танаси (ёғочи) маъносини ҳам англатаверади, қайси маънода қўлланилганлиги матн мазмунидан англашилади. Демак, бу маънолар бир семеманинг семаларидир. Шу борада, бизнингча, ҳозирги ўзбек тилидаги ўсимлик номларини тадқиқ этган Г.Х.Неъматованинг фикрлари асослидир. У ёзади: *«Ўсимлик номлари лексемаларида «ўсимлик», «ҳосил», «маҳсулот» семалари бир семеманинг таркибий қисмлари бўлиб, бири иккинчисидан ҳосил қилинмайди. Шунинг учун, масалан, олма сўзининг «ўсимлик» ёки «ҳосил» ёки «маҳсулот» маъноларининг воқеланишида уларнинг бирини ўз (тўғри) маъно, қолганларини кўчма (синекдохик ёки метонимик) маъно деб баҳолаш ҳам, лугат мақоланинг олма сўзи шарҳида бу маъноларни 1, 2, 3 рақамлари билан ажратиш ҳам мумкин эмас».*<sup>96</sup>

Алишер Навоий асарларидан келтирилган юқоридаги мисолларда мевали дарахт номлари фақат шу дарахт маъносини эмас, унинг меваси маъносини ҳам (кўчма маъноларини ҳисобга олмаганда) англатган.

Мевасиз дарахтнинг терминологик номларида икки маъно мавжуд бўлади: «дарахт» маъноси, унинг «танаси (ёғочи)» маъноси (ўз-ўзидан, «мева» маъноси қатнашмайди). Аммо мевасиз дарахт номларининг умумистеъмол маънолари (кўчма маънолари) турли-туман бўлиши мумкин. Навоий асарларида мевасиз дарахтларнинг кўриниши, ранг-туси, ҳиди ва бошқа белгилари асосида маъно кўчириш, бу асосда уларни ўхшатиш, сифатлаш ва бошқа тасвирий воситаларга айлантириш кучли бўлганлиги кўринади. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам ўсимлик номлари лексемалари «Кўчма маъноларда метафорик бадий тасвирнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади».<sup>97</sup>

<sup>96</sup> Неъматова Г.Х. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланиши. Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Т.,1998. –Б. 15.

<sup>97</sup> Неъматова Г.Х. Кўрсатилган автореферат. – Б. 16.

Алишер Навоий асарларида учрайдиган мевасиз дарахт номларининг ўз (предмет) маъноси ва шу сўз ифодалайдиган предмет белгиларига кўра ҳосил қилиниб, бадий тасвирга хизмат қилдирилган кўчма маъноларини ҳам тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

1. **Айман**<sup>98</sup> «қизил шуълали бир дарахт» маъносида:

Гоҳи Изом узра ламъи афкан,

Шох узра нечукки нори **айман**. («ЛМ», 59a14)

2. **Бақам** «танаси қизил дарахт» маъносида:

Ўқларингга юқти бағрим қониму, эй қоши ё,

Йўқса андин зеб учун ҳар ён бақам пайвандидур. («ХМ», Па-88)

Бу сўз «қизил бўёқ» маъносида ҳам қўлланган:

Қуруғ жисмимда қонлиғ захм эмастур қатъ учун ҳарён,

Ки пайванд айламишсен ул сўнгақларни бақам бирла. («ХМ», Ёб-541)

3. **Бед** «тол дарахти» маъносида:

Бўлуб ахзар синонинг сарви монанд,

Анинг устида барги бед пайванд («ФШ», 27)

4. **Мушкбид** «гули хушбўй қора тол» маъносида:

Эй Навоий, зулфу қаддин гар демишсен **мушкбид**,

Ёр авф этсинки, айтибсен хато бирла хилоф («ХМ», Пб-308)

Бу сўз таркибидаги *мушк* эски ўзбек тилида «қора тусли хушбўй модда», *бед* эса «тол» маъносида қўлланган сўздир. Ҳозирги ўзбек тилида мушк «хушбўй қорамтир модда» маъносини, мушку анбар «хушбўй модда» маъносини билдиради.<sup>99</sup> Демак, мушбиднинг АНАТИЛдаги «гули хушбўй тол» изоҳига қора аниқловчисини қўшиб, «гули хушбўй қора тол» деб шарҳлаш тўғри бўлади.

5. **Муғилон** «тиканли бир дарахт», «акация» маъносида:

Хаёлинг келса қўнглума, бўлур озурда мужгондин,

<sup>98</sup> «Навоий асарлари луғати» (Тошкент, 1972)да Айман «Арабистондаги жой номи» деб изоҳланган (37-бет). АНАТИЛ (I, 65)да берилган байтдаги **нори айманни** «қизил рангли дарахт» деб ҳам, **Айман анори** деб ҳам тушуниш мумкин.

<sup>99</sup> «Навоий асарлари луғати» (Тошкент, 1972)да Айман «Арабистондаги жой номи» деб изоҳланган (37-бет). АНАТИЛ (I, 65)да берилган байтдаги **нори айманни** «қизил рангли дарахт» деб ҳам, **Айман анори** деб ҳам тушуниш мумкин.

Ҳарамға азм қилған ўйлаким хори муғилондин. («ХМ», Пб-507)

Ул чаман ашжори муғилон бўлуб,

Анда қуюн сарви хиромон бўлуб. («ХА», 68-22)

6. **Норван** «серсоя, чиройли ва яхши хидли дарахт» маъносида:

Бас гул ила савсани озод ҳам,

Норвану сарв ила шамшод ҳам. («ХА», 175-27)

7. **Обнус** «қора тусли қаттиқ ва хушбўй дарахт» маъносида:

Зиҳи шоҳеки тун-кун жавҳаридин сониъи ҳикмат,

Сенинг зотинг учун тузди бу тахти обнусу ож. («ХМ», IVб-97)

8. **Сандарус** «сарик тусли дарахт ва унинг сарик елими» маъносида:

Чу озим бўлуб жониби Осу Рус,

Бўлуб юзлари ваҳмдин сандарус. («СИ», 1297)

9. **Сарв** «сарв, тик ўсадиган хушқомат дарахт» маъносида:

Сарвдек бўлса бу гулшанда ато, гулдек ано,

Мумкин эрмас туғмоғи сен сарви гулрухдек ўғул. («ХМ», Пб-370)

Сарвиқад гулрухлар ўтмас хотири ношодима,

Сарвигул кўрсам алар кирғай магарким ёдима.

Ошиқ – шоир бунда сарвигулни кўриб ўз севгилисини эсламоқда.

Чунки сарвигул унинг севгилисига ўхшаш гўзал ва хушқомат. Ошиқ ёрини эслаш билан ундаги ҳис-ҳаяжон, дард-алам туғёнга келади.<sup>100</sup>

Бу сўз «қадди-қомати келишган гўзал маъшуқа» маъносида ҳам қўлланган:

Оразин гул дер эди, қаддини сарв,

Ҳайъатин товусу рафторин тазарв. («ЛТ», 190-13 )

Алишер Навоий асарларида *сарв* дарахт номи бир қанча форсий изофа таркибида келиб, изофали бирикманинг қуйидаги тушунчаларни ҳосил қилишига хизмат қилган:

1) **сарви гуландом** – «қадди-қомати хушбичим»:

<sup>100</sup> Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр. –Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б. 133.

Валекин ёшуруб ул ишни ноком,

Ки ногоҳ билмагай сарви гуландом. («ФШ», 151);

2) **сарви гулрў** – «чиройли юзли, хушрўй маъшуқа»:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,

Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади. («ХМ», Шб-608);

Навоий халифа ва шогирдларига гул номларини қўяди, уларни ёшлиқларида гул, улғайганларида сарвиноз, сарвигулрў каби номлар билан атайди.<sup>101</sup> Навоийнинг «Ўн саккиз минг олам» деб бошланувчи шеъри каби кўйидаги ғазал ҳам сарвинозга, яъни муршиднинг беназир шогирди ва тутинган фарзанди Мир Иброҳимга аталган:

Эй сарвинози гулшани боғи малоҳатим,

Эй гулбузору маҳвашу сарвқоматим.

3) **сарви маҳлиқо** – «ой юзли, хушбичим қоматли маҳбуба»:

Сўз дедим чун бу навъ адо бирлан,

Хожаю сарви маҳлиқо бирлан. («СС», 176-23);

4) **сарви навхез** – «навқирон қоматли маҳбуба»:

Юз узр ила кўпти сарви навхез,

Наргисларин айлаб арғувонрез. («ЛМ», 8862)

АНАТИЛда бу изофали бирикма тушунчаси «ёш жувон», «маҳбуба» деб берилади. Аслида сарв сўзи қатнашган жойда қоматга ишора бор, шунинг учун биз «навқирон қоматли маҳбуба» тушунчаси билан изоҳладик.

5) **сарви ноз//сарвиноз** – «қомати келишган, гўзал севгили»:

Қадинг сарви ноз, эй йигит,

Сўзунг дилнавоз, эй йигит. («МА», XIV-175)

Сарви нозим, йўқ ажаб, гар рўзадин топмиш малол,

Ким сув ичмасдин топар пажмурдалиғ нозик ниҳол. («ХМ», Iб-405)

Ҳам сабоҳат шомида шамъи тироз,

Ҳам малоҳат гулшанида сарви ноз. («ЛТ», 145-16);

6) **сарви озод** – «қад-қомати келишган, латофатли ёр»:

---

<sup>101</sup> Маҳмудов Муҳаммаджон. Навоий ижодига янги қараш. –Т.: MERIYUS, 2015. – Б. 52- 77

- Сарви озодининг боғ аро жилва қилғани учун ишқ аҳли,  
Оху фарёд куйдурурининг адоси сўзнок тушубтур. («МН», 239);
- 7) **сарви парирух** – «хушқомат, гўзал ёр»: Сарви парирух ёдиға келса,  
хур ва жаннат ёдидин чиқарин ёд қилиб, бу тарона била ғамгин кўнглин шод  
қилилур. («МН», 230);
- 8) **сарви равон** – «келишган маҳбуба»:  
Сабодин сарви равонин келгани хабарин сўрар. («МН», 23);
- 9) **сарви раъно** – «хушбичим, хушқомат маъшуқа»:  
Ҳукм қилдики, сарви раънони,  
Олам аҳлиға шўру яғмони. («СС», 53-3);
- 10) **сарви сиймандом** – «қомати келишган, оқ баданли гўзал ёр»:  
Ҳар куни икки қатла субҳ ила шом,  
Тузубон нағма сарви сиймандом. («СС», 172-21);
- 11) **сарви сийманбар** – «оқ баданли гўзал маҳбуба»: Кўзин сарви  
сийманбари келур муждасидин йиғламоқдин тийибтур. («МН», 245);
- 12) **сарви хиромон** – «чиройли юрувчи гўзал маҳбуба»:  
Мақдамидин боғ ўлур ҳам дашту ҳам кўй андаким,  
Жилва айлаб боғдин сарви хиромоним чиқар. («ХМ», Па-92);
- 13) **сарви чолок** – «нозик, хушбичим қомат»: Қанаб шохи йўқ гарчи  
хошокча, Қаланғадур сарви чолокча. («СИ», 323618)
10. **Тол** – «тол дарахти»:  
Кема даврасиға бериб имтидод,  
Анингдекки тол баргига гирдбод. («СИ», 313621)
11. **Сурхбед** – «қизил рангли тол»:  
Занбақ анда лолагун буткай, шажарлар сурхбед,  
Ҳар чаманға берса сув қонлиғ сиришким ёғини. («ХМ», IVб-586)
12. **Терак** – «терак дарахти»:  
Анинг ниҳол қади титрабон терак янглиғ,  
Мен эврлуб бошиға тортибон сабодек оҳ. («ХМ», Iб-567)
13. **Сапидор** – «оқ терак дарахти»:



Ажал нахлининг ҳар бири соқ ўлуб,  
Сапидорнинг соқидек оқ ўлуб. («СИ», 1432)

14. **Тубо//тўби** – «жаннат дарахти»:

Тубо била шохи сидра келди,  
Қадринг чаманида икки хошок. («ХМ», Iб-340)  
Бу сўз «келишган қомат» маъносида ҳам қўлланган:  
Сипеҳр олинда андоқким овуч хок,  
Ва ёхуд тўби атрофида хошок. («ФШ», 20)  
Вафо анга пеша, сафо анга фан,  
Вафо – у сахо кони Саййид Ҳасан.  
Зиҳи, равзадин хулқунг ортиқ баса,  
Келиб боғи қадрингда тубо хаса.

Шоир устозининг фазл ва камолотини, вафордорлигини ва сахийлигини шу хилда кўкларга кўтариб мақтаб, унинг хулқини жаннатдан, қадри боғини жаннат дарахтларидан ортиқ деб тасвирлайди.<sup>102</sup>

15. **Чинор** – «пўсти кўкиш, панжасимон шапалоқ баргли, узоқ умрли, серсоя катта дарахт»<sup>103</sup>:

Чинор ар боғдин кам қилса соя,  
Не ғам чун чиқти сарви сидра поя. («ФШ», 55)  
Бу сўз *чинор илги* туркий изофали бирикма ҳосил этади ва бирикма «дарахт танаси» тушунчасини ифодалайди:

Чинор илги холилиғидин бийиклигига не нуқсон ва туфроққа ниҳон ганжлари била не улви шон. («МК», 111)

16. **Шамшод** – «хушқомат ва кўриниши чиройли дарахт»:

Боғ аро рухсору қадинг жилвасин то кўрдилар,  
Бўлди обу тобсиз гулбарги ҳам, шамшоди ҳам. («ХМ», IIб-412)  
Бу сўз «келишган қоматли маъносида ҳам қўлланган:  
Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,

<sup>102</sup> Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр. –Т.: Ўзбекистон, 2015. –271 б.

<sup>103</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 4-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –Б.489

Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд. («МА», 31)

**17. Санавбар** – «хушқомат дарахт»

Дема сарву санавбар ҳар ниҳоли,

Бўлур сарву санавбардек мисоли. («ФШ», 49)

Бу сўз «севгилининг қомати», «хушбичим қомат» кўчма маъносида ҳам қўлланган:

Асрадинг куйдурғали ушшоқи музтар кўнглини,

Боғбондекким, ўтун қилғай санавбар кўнглини. («ХМ», IVб-614)

Сўзнинг ясама шакли санавбарвор «санавбар дарахти шаклига ўхшаш», «санавбардек» маъносини билдиради:

Не санавбар қолди ўз ҳолида, не гул боғ аро,

Гул киби юз бирла кўзгуздунг санавбарвор қад («ХМ», Iб-141)

**18. Ножу** – «санавбар дарахти»:

Ўқларинг пайкон била ҳарён қуруқ жисмимдадур,

Шохлар узра кўнгуллардекки, ул ножуда бор. («ХМ», Iб-215)

Бу сўз «хушқомат, тик гавда» маъносида ҳам қўлланган:

Бевафодур чу чаман, кўп бўлманг,

Эй сапидор ила ножу раъно. («ХМ», IIIб-42)

**19. Хайзарон** – «тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган, танаси қамишга ўхшаш кавак, баланд бўйли ўсимлик»<sup>104</sup>:

Фарҳоднинг ишқ шуъласида куюб ул ўтни жон пардасида яшурмоқдин... ва нахли санавбардек ниҳоли хайзароний бўлуб аср ҳукамоси... насиблари зиёнбуд бўлғани. («ФШ», 416)

**20. Сўксўк** – «саксовул», «чўлларда ўсадиган баргсиз дарахт»:

Сўксўк кибиким чу бўлди суда,

Ётқай ёзи узра тўда-тўда. («ЛМ», 679)

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, Алишер Навоий асарларида қўлланган мевасиз дарахт номлари ва уларга алоқадор сўзларнинг бир нечасигина (*сарв, тол, терак, чинор, шамшод, сарвқомат,*

<sup>104</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 1-жилд. –Тошкент, 2006. –Б. 77

*сарвқоматлиқ*) ҳозирги ўзбек тилигача етиб келган, лекин уларнинг кўпчилиги (*айман, хайзарон, бақам, бед, мушкбид, музилон, норван, обнус, сандарус, сарвбун, сарвбўйлуқ, сарвсифат, сарвқад, сарвистон, сурхбед, сапидор, ножу, тубо//тўби, санавбар*) истеъмолдан тушган.

Бир хил мевасиз дарахтни икки ном билан аташ *тол – бед* мисолида кўринади, лекин «тол» маъносида яна икки сўз қўлланган: *сурхбед* толни ранг-туси қоралигига кўра фарқлаб атаган номдир, *мушкбидда* ҳам толнинг қоралигига ишора бор, лекин унда «гули хушбўй» маъноси ҳам ифодаланади. Худди, шунингдек, теракнинг оқ тусли тури *сапидор* номи билан юритилган, *ножу* ва *санавбар* сўzlари бир хил дарахт номини ифодалаган.

**Тол (бед), сурхбед, мушкбид** сўzlарини бир хил ўсимликнинг номини турли маъно қирралари билан ифодалаётгани учун маънодош (синоним) сўzlар деб баҳолаш керак. Аммо маънодошлик ҳодисаси ўсимлик номлари умумий қурилишига хос эмас (яъни тол билан терак бир-бирига синоним бўла олмайдилар). «Синонимик ва градуонимик муносабатлар бу тизимдаги ҳар бир сўз учун алоҳидаликда хос бўлиб, тизимнинг умумий қурилишига алоқадор эмас».<sup>105</sup>

Мевасиз дарахт номлари ичида сермаънолилиги жиҳатдан *сарв* сўзи алоҳида ажралиб туради: бу номнинг яқка ўзи ва у асосда ясалган содда ясама ва қўшма сўzlар йигирмадан ортиқ умумистеъмол (кўчма) маъноларда қўлланган.

Алишер Навоий асарлари тилида бир қанча дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўzlар бўлиб, улар ўз (тўғри) маънода ҳам, кўчма маъноларда ҳам ишлатилгани намоён бўлади. Бундан ташқари, унинг асарларида дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган бир нарса-ҳодисани бир неча хил сўз билан ифодалаш (масалан, *барг – варақ – яфроқ; бог – равза – хадиқа – боғча; шох – шоха – шохсор – мунгуз каби*) ҳам мавжуд. Бундай ҳол, аввало, ўша нарса-ҳодисанинг доминант сўзга нисбатан ўзгача маъно

---

<sup>105</sup> Неъматова Г.Х. Кўрсатилган автореферат. –Б.13.

қирраларини ифодалашга хизмат қилган бўлса, иккинчидан, шеърини услубда ритм ва қофия талабини сақлаш аҳамиятига эга бўлган.

Дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўзларнинг Алишер Навоий асарларида қўлланиш хусусиятлари боғ сўзида яққол намоён бўлган, чунки боғ сўзида «Мевали дарахт, ток ва гул билан банд ер майдони: мевазор»<sup>106</sup> маъноси мужассам.

1. **Боғ** – «боғ, мевазор» маъносида: Подшоҳ... Хуросон тахтин олғандаким, «Жаҳоноро» боғи тархин солдилар. («ХМ», 698). Бу сўз *боғу бўстон, боғу роғ* жуфт сўзлари таркибида ҳам «боғ» маъносида қўлланган: Соғиниб осудалиғ бирла ватан, Боғу бўстон бирла гулзору чаман. («ЛТ», 36-10)

*Боғ* сўзи *боғ аврақи* ва *боғ гаит* туркий изофали бирикмалари таркибида бўлиб, бирикманинг «япроқлар» ва «боғ сайри» маъноларини юзага келтиришга хизмат қилган:

Қилиб зарҳал хазон наққоши тартиб,

Қилурга боғ овроқини тазҳиб. («М», 92)

Бу сўз форсий изофали бирикмалар таркибида иштирок этиб, қуйидаги тушунчаларни ҳосил қилишда қатнашган:

а) боғи висол – «висол боғи» маъносида:

Ёд этибсен гўё боғи висол,

Ким бўлуб сен бу сифат ошуфтаҳол. («ЛТ», 31-16)

б) боғи жаннат – «жаннат боғи, бўстон» маъносида:

Боғи жаннатдек фазосидур васеъ,

Ўртада қасри бикоси бас рафеъ. («ЛТ», 114-7)

в) боғи заған – «Хирот кўчаларидан бирининг номи:

Яна икки дўкон амаласи Боғи Зоғон кўчасида воқеъдур. («В», 721)

г) боғи раҳмат – «раҳмат боғи» маъносида:

Боғи Раҳматдин яна эсти насим. («ЛТ», 104-11)

---

<sup>106</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 1-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.349.

д) боғи ризвон – «жаннат» маъносида:

Бу латофатойин аиззаға ва бу балоғат тазйин ажиллағаким... тенгри таоло боғи ризвонни мақом қилсун. («МН», 82)

ж) боғи Сафед – «Ҳиротдаги боғлардан бирининг номи»:

Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Аҳмад Ҳусайн отлиғ фарзанди Тенгри раҳматиға борганда алар азо сўрар дастури била Боғи Сафедга келиб эрдилар. («ХМ», 698)

з) боғи Эрам – «афсонавий жаннат боғи»:

Айтма кишвар, деки боғи Эрам, Дема Эрам, айтки Байтул-ҳарам. («ҲА», 180-21)

и) боғи умид – «орзу-тилак», «умид боғи» маъноси:

Деди юз минг лутф ила шоҳи расул, Ки эй очилган боғи умитингға гул. («ЛТ», 88-12)

**2. Боғча** – «кичик боғ» маъносида:

(Дарвеш Хожига) таъйин қилдимки, ... ул боғчага раёҳин ва ашжор эккай. («ХМ», 697)

**3. Равза** – «боғ, боғча (кичик боғ)» маъносида:

Бу сўз *равза бўстони* туркий изофаси таркибида ҳам «боғ» маъносини англатади: Намозгоҳда ҳазрати Хожа Азизуллоҳ ул ҳазратга сойир Ашроф била намоз қилиб, яна мутаҳҳар равзаларига олиб қайттилар. («ХМ», XIV-65)

*Равза* сўзи қуйидаги кўчма маъноларда қўлланган:

а) «жаннат»: Рухунгники равзадур паноҳи.

Жаннати наъим жилвагоҳи. («ЛМ», X., 843)

Равзада кавсар қирогинда хаёл эттим Билол,

Юз аро лаб, лаб уза шабранг холингни кўруб. («ХМ», Iva-33)

б) «мозор, зиёратгоҳ»: Мавлоно Ҳожи... Машҳадда Имом Али Мусо ар-Ризо равзасида имом ва муаррифдур. («МН», 164)

в) «боб, бўлим, фасл» :... «Баҳористон» отлиғ китобидаким секкиз равза очибдур. («МН», 23)

Бу сўз бир неча форсий изофали бирикмалар ҳосил қилишда қатнашиб, бирикмаларнинг қуйидаги тушунчаларини юзага келтирган:

а) равзай хулд – «доимий жаннат», «хазон бўлмас боғ»:

Юз равзан хулддин нишона,

Хол анда фиреб этарга дона. («ЛМ», X., 691)

Эрур равзан хулд чун масканинг,

Неча бўлди дўзахқа бормоқ фанинг. («СИ», 308a21)

б) равзай фирдавс – «жаннат боғи»:

Чун покиза рухларининг қудсий ошён тоири бадан қафасидин,

Равзай фирдавс сори парвоз этти. («ХМ», XIV-7)

в) равзай ризвон – «жаннат боғлари»: Хурвашенинг гулшан қуйидин равзай ризвон мунфаил. («МН», 228)

г) равзай жинон – «жаннат боғлари»: Мирзобек... макони равзай жинон ва руҳиға фирдавси аълода макон бўлсун. («МН», 80)

д) равзай дорул-бақо – «жаннат боғи»: Чунки бу дорул-фанодин қилди азм, Равзан дорул-бақоға тузди базим. («ЛТ», 138-11)

ж) равзай жон – «жон боғи (гулшани)»: Ватан этти манга шабистонин,

Не шабистон ки равзай жонин. («СС», 179-26)

з) равзай руҳафзо – «жонбахш жой», «кўнгил очувчи боғ»: Оллоҳ-оллоҳ ул равзай руҳафзода не назорат в аул гулшани дилосода не назоҳатдурким, анинг боғбони... такаллум қилур. («МЛ», 4) и) равзай назим – «шеърят боғи»:

Равзай назим олғали рангин манга,

Ҳар не йўлиқти санами Чин манга. («ҲА», 37-14)

Бу сўз воситасида ясалган *равзамонанд* «жаннатга ўхшаш боғ» маъносини ифодалаган: Назоҳат келиб равзамонанд анга («СИ», 1654)

4. **Ҳадиқа** – «боғ» маъносида:

Ва бу мазраа ва ҳадиға маҳсулин фунун касбида сарф қилган. («В», XIII-159)

Бу сўз ҳадиқаи пургул форсий изофаи бирикмасида ҳам «боғ, гулзор» маъносида қўлланган: Ушбу ҳадиқаи пургул («СС», 902)

Араб тилидаги кўплик шакли – *ҳадойиқ* шоир тилида ҳам кўплик («боғлар», «гулзорлар») маъносидадир: Ҳадоиқ жониби тушса гулзоринг. («ФС», 193)

5. **Бўстон** – «боғ, гулзор, чаманзор» маъносида: Не бўстон ки сайр ичра мавжуд эди. («СИ», 243a11)

Бу сўз асосида ясалган *бўстонсаро* «боғда, чаманда сайровчи» маъносида қўлланган:

Бу гулшан булбулу бўстонсаройи,

Дема бўстонсаро, дostonсаройи. («ФС», 217)

Алишер Навоий асарларида дарахтли жой (боғ)ни маълум дарахтга хослиги (маҳсул боғлиги) нуқтаи назаридан атайдиган сўзлар ҳам бор. Улар, худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, асосан *-истон* қўшимчаси билан ясалган: *нахлистон, сарвистон* каби: Нечукким сабза сарвистон ичинда. («ФС», 98)

Ҳозирги ўзбек тилидаги *ёғоч* сўзи ўрнида Навоий асарларида етти хил сўз қўлланган:

1. **Йиғоч** – «ёғоч»: мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. («МК», 13-50)

2. **Кунда** – «ғўла ёғоч»: Шох дема, кундаи дўзах дегил. («ҲА», 190-13)

3. **Сандал** – «хушбўй дарахт ёғочи»: Манқалда уду сандал агар айласанг ўтун («ХМ», ШБ-227)

4. **Чўбдаст** – «асо, ёғоч хода»:

Аларға ғайрат ва ғазаб муставли бўлуб, бир маҳкам чубдасте турған эрмиш, олиб ул беадабнинг бошиға андоғ урарларким, мағзи паришон бўлуб йиғилур. («НМ», XV-127)

Бу сўзнинг биринчи компоненти – *чубдан ясалган чўбин* «ёғочдан ясалган, қурилган» маъносида қўлланган.

5. **Хо́да** – «узун ёғоч таёқ»:

Кўк ливосин шикға доғи сидра шохин хо́да эт. («ХМ», ШБ-92)

6. **Суруғ** – «ёғоч хода»:

Алар жавшани борча қалқондуруқ,

Синон қўлларида нечукким суруқ. (СИ., 1333)

7. **Дор** – «ёғоч хода»:

Ва хамул учурда бир карвон ул чоҳ бошиға тушуб, чоҳға дор солиб,

Юсуф алайҳис-саломни чоҳдин чиқардилар. («ТАҲ», XV-201)

Бу сўз «ўлимга маҳкум этилган кишини осиб ўлдириш учун ясалган ёғоч қурилма, дор» маъносида ҳам қўлланган:

Айнул Ғузот тил шарафидин Масиҳ гуфтор бўлди ва Мансур тил суръатидин дорға сазовор. («МК», 126)

Навоий асарларида дарахтнинг шохи, булоғи, новдасини ифодалашда ҳам бир неча сўзлардан фойдаланилганини кўрамыз:

1. **Шох** – «дарахт шохи»:

Яшил тўну ики енг бирла қоматинг ул сарв,

Ки икки ёнидин айрилмиш икки ахзар шох. («ХМ», Iб-131)

Бу сўз: 1) ўхшашлиги асосида «ҳайвон, афсонавий махлуқ шохи» маъноси учун қўлланган:

Хирад бошин эвуруб девлохи,

Қуруғ шох анда ҳар бир дев шохи. («ФС», 75);

2) *шохи тараб* бирикмаси «шодлик дарахти» тушунчасини ифодалайди:

Шохи тарабим бу дам қилиб гул («ЛМ», 743)

2. **Шоха** – «шоҳча» Қуйироқ шохасидин сидра шохи. («ФС», 82)

3. **Шохсор** – «булоғ, булоғлар»: Боғи умрум шохсорин қилғали омада пул. («ХМ», IVa-205)

Бу сўз *шохсори хулд* форсий изофали бирикмасида қатнашади, бирикма «жаннат боғи» тушунчасини ифодалайди: Шохсори хулд аро достонсаро. («ЛТ», 29-7)

4. **Мунгуз** – «дарахт шохи»: Чиқиб барчанинг манглайидин мунгуз. («СИ», 1543)



5. **Сурух** – «дарахт новдаси»: Йўл ўз аёғи била борғай, улки минди сурух. («ХМ», Ша-322)

Дарахтсимон ўсимликлар (қамиш, кўға, бамбук кабилар)нинг танаси (новдаси)ни ифодалашда *сапоғ* сўзидан фойдаланилган: Гўё тубида узун сапоғи («ЛМ», 849)

Ҳозирги ўзбек тилидаги *мева* сўзи Алишер Навоий асарларида бор, лекин бу сўз маъноси учун бошқа бир неча сўзлар ҳам қўлланган:

1. **Мева** – «дарахт меваси, ҳосили»:

Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо айб этмаким,

Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида. («ХМ», Ia-84)

Бу сўз «натижа, ҳосил» кўчма маъносида ҳам қўлланган: Илму адаб мевасидин борвар. («ҲА», 168-6)

2. **Фокиҳа** – «мева, ҳосил»:

..ва бу ширин мева вилоят боғи шажарасидин бўлғай ва бу лазиз фокиҳа ҳидоят шажарасининг самараси бўлғай. («МБ», 90)

3. **Фавокиҳ** – «мевалар»: Ашжорининг ҳар бири чархи аҳзар, ул шажар ва раёхин фавокиҳи нужум ва ахтар. («МК», 47)

Бу сўздан *-лиғ* кўшимчаси билан ясалган *фавокиҳлиғ* «мевали», «фойдали» маъносида қўлланган: Ҳилм инсон вужудининг фавокиҳлиғ боғидур. («МК», XIII-53)

4. **Асмор** – «мевалар, самара-натижалар»: ...маонийси ийғон ашжори асморин таҳқиқ саҳоби амтори била шахди ноб этар. («ХМ», 707)

5. **Самар** – «мева, ҳосил»: Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. («М», XIII-50)

Бу сўз: 1) «натижа, фойда» маъносини ифодалаган: Шоҳеки қурур анда ким кўрди самар ҳаргиз. («ХМ», Ia-184);

2) «наф, фойда, баҳра» маъносида қўлланган: Бўлса илик эгрилик ичра самар («ҲА», 120-9);

3) «ноз-неъмат, ҳадя» маъносини ифодалаган: Неча самар сочмоғ эса шох иши («ҲА», 105-10);

4) «фойда, наъф» маъносини англаган: Оқибат бу навъ топтилар самар. («ЛТ», 154-5)

6. **Самара** – «мева, ҳосил»: Ва алардин сўнгра аларнинг ўрнида самараи шажараи таййибалари... Бухорий эрди.

7. **Бар** – «мева, ҳосил»:

Киши ханзал экса, аччиғ бар топар,

Ва гар найшакар экса, шаккар топар. («СИ», 285a18)

АНАТИЛда шу маънодаги бор сўзи алоҳида луғат мақола сифатида бошқа ўринда қайд этилган ва бу сўз иштирок этган қуйидаги байт мисол сифатида келтирилган.

Гам гулшанида қаддим эрур ул яғочким,

Пайкону бори ҳажринг анинг баргу боридур.(I, 214)

Аммо араб ёзувида бу сўздаги унли товуш забар билан ифодаланганини, иккинчидан, Алишер Навоий тилида тил орқа, очиқ «о» унлиси бўлмагани<sup>107</sup>ни ҳисобга олганда, луғатда икки хил сўз сифатида кўрсатилган *бар* ва *бор* шакллари бир сўз (*бар*) бўлиб чиқади. Шоир асарларида учрайдиган *беварлик* сўзининг (*беворлик* эмас) фонетик тузилиши ҳам бу фикримизни қувватлайди, у «мевасизлик, беҳосиллик» маъносидадир: Жаврдин бас анга беварлик эрур сарв фани? (I, 249)

Алишер Навоий асарларида баргни ифодалаш учун бир неча сўзлардан фойдаланилганини кўрамиз:

1. **Барг** – «барг, япроғ» маъносида: Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол. («МҚ», 138)

Бу сўз кўчма маъноларда қўлланган:

1) «махбуба юзини тўсиб турган соч тарамлари»: Ки баргдин юзига беҳисоб эрур ҳойил. («ХМ», ШБ -393);

2) «мева, ҳосил, самара»: Ё раб, ул барг насиб этки, Навоий топғай,

Боғи тавҳид гулу булбулдек баргу наво. («ХМ», ШБ -9);

---

<sup>107</sup> Қаранг: Абдуллаев Ф. Алишер Навоий асарлари тилида унли товушлар уйғунлиги масаласига доир//Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, №5. -Б. 11-15.

3) «эзгулик, яхшилик»: Ким барг кўтарди меҳр жондин. («ЛМ» 92a15)

*Барг* сўзи бир қанча форсий изофали бирикмалар ҳосил қилишда иштирок этади: *барги асфар* («сарик барг»), *барги гул* («гул япроғи»), *барги лола* («лола япроғи»), *барги суман* («суман гули барги»), *барги ток* («ток барги»), *барги шажар* («дарахт барглари»), *барги ҳавас* («ҳавас куртаги»), *барги коҳ* («сомон парчаси»), *барги умид* («умид учғунлари») ва б.лар. (I, 217)

2. **Яфроғ** – «барг, япроқ» маъносида: Тушурур кўк йиғочдин тоза яфроғ. (III, 599), сўз кўчма маънода «товус пари» маъносида қўлланган:

Оташин гул жилва қилғач гул чоғи,

Ҳар парингға ўт ёғиб бир яфроғи. («ЛТ», 31-6)

3. **Варағ** – «барг, япроқ» маъносида:<sup>108</sup>

Гул уза шабнам чу тушуб ҳар варағ,

Кўргузуб афрухта юзда арағ. («ХА», 46-2)

Бу сўз кўчма маънода «варақ, қоғоз, саҳифа»ларни англатиш учун кенг миқёсда қўлланган: ... ҳар фасона сафинасин варағ-варағ, балки ҳар тарих жўнгин сафҳа-сафҳа ахтариб... («ФШ», 22)

Алишер Навоий асарлари тилида булардан ташқари ўсимликларга боғлиқ бир қанча сўзлар мавжуд:

1. **Реша** – «томир, илдиз» маъносида: Тубини маҳкам айламиш реша. («СС», 192-26)

Ҳозирги ўзбек тилидаги томир ва илдиз сўзлари АНАТИЛда қайд қилинмаган.<sup>109</sup>

Агарчи илик титрар ул бареваш,

Томурлар ғурур, ўйлаким, обкаш. («», I, 423)

2. **Тикан** – «тикан» маъносида: Гар зоғ тикан аро ватан соз қилур («НЖ», 19)

<sup>108</sup> Варақ – араб тилида асли «барг» маъносини англатган, кейинчалик «қоғоз» маъносини ҳам англата бошлаган. Бу ҳақда қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати: II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). –Т.,2003. – Б. 84.

XV асрда (Навоий асарларида) қўлланган бу сўзнинг «барг, япроқ» маъносини бош маъно сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Демак, АНАТИЛда «барг, япроқ» маъносининг кўчма маъно сифатида иккинчи ўринда берилиши (I, 358) нотўғридир.

<sup>109</sup> Лекин **томур** сўзи «жисм томири» маъносида «Хамса» асарида учрайди.

Бу сўз кўчма маънода: 1) «махбубанинг киприклари»ни англатади:  
Кўзу мужгонингдин айру уйқу йўғ мен хастаға,  
Ким момуғ янглиғ тикан бирла тўладур бистарим. («ХМ», IVб-414);  
б) «жабр, жафо, озор»ни ифодалайди: Гар санга ҳам етса гулдин бир  
тикан («ЛТ», 43-16)

3. **Пўст** – «пўст, пўчок» маъносида:

Меваға мағз ўлса бўлур пўст ҳам,

Кимсага ҳам душман ўлур дўст ҳам. («ҲА», 139-14)

Бу сўз асосида ясалган *пўстин* сўзи «пўст (тери)дан тикилган кийим»  
маъносини англатади.

4. **Пўчоғ** – «пўчок, пўст» маъносида:

Пўчоғни Хожа сари ташлади. («НМ», XV-129)

5. **Лиф** – «хурмо дарахтининг пўстлоғи» маъносида:

...Маҳосин намудори хурмою лиф. («СИ», 1339)

### 2.3.§. Маданий экинлар ва ёввойи ўсимликлар номлари

Маданий экинлар одам кўли билан ҳосил етиштириш учун экиладиган ўсимликлардир.<sup>110</sup> Ёввойи ўсимликлар эса *«Табиатда кенг тарқалган ўсимликлардир. Ёввойи ўсимликлар чўллардаги катта-катта майдонларда саксовулзор, қандимзор, шувоқзор, илакзорларни, тоғли районларда арчазор, ёнгоқзор, писта ва бодомзорларни ҳосил қилади... Ўзбекистонда, асосан, мураккаб-гулдошлар, дуккакдошлар, бошоқдошлар, соябон-гулдошлар, лабгулдошлар, пиёзгулдошлар, раъногулдошлар ва б.лар тарқалган... Бегона ўтлар ёввойи ўсимликлар бўлиб, асосан, экинлар орасида ўсади»*.<sup>111</sup>

Алишер Навоий асарларида ўша давр Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларидаги маданий экинларга ва ёввойи ўсимликларга оид бир неча номлар мавжуд бўлиб, улар, асосан, ўз маънода (аташ маънода), баъзи ҳолларда бадий тасвир воситаси сифатида (кўчма маъноларда) қўлланади.

<sup>110</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 5 жилдли, 2-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б.520

<sup>111</sup> Ўзбек совет энциклопедияси: 4. –Т.,1973. –Б. 227.

Маданий экин номларининг семантик-услубий хусусиятларини кўрсатишдан олдин, Алишер Навоий асарларидаги «экин» тушунчаси, экин экиладиган жойга нисбатан қўлланиши ҳақида фикр юритамиз.

Навоий «экин» ва «экинзор» маъноларини ифодалашда олтига сўздан фойдаланади:

1. **Экин** – «хосил олиш учун экиладиган ўсимлик» маъносида: Ўз муборак илиги била экин суворурға бел урар эрди. («МК», 76)

2. **Мазруъ** – «экин» маъносида: Ки дехқон не ким дона мазруъ этар. («СИ», 285a17)

3. **Мазруот** – «экинлар» маъносида:

Ва учунчи чўгуртка балоси эрдиким, барча мазруот ва жиҳотларин нобут қилди. («ТАХ», XV-211).

4. **Мазраъ** – «экинзор, экин ўстириладиган жой» маъносида: Чу мазраъ ичра очтинг ҳар не дона, («ФШ», 202)

Бу сўз куйидаги кўчма маъноларда ҳам қўлланган:

1) «кенг майдон, бепоён экинзор»: ... мулк силкига амният гавҳарларин чекти ва жаҳон мазраъида жамият доналарин экти. («МЛ», XIV-129);

2) «кенглик, чексизлик» маъносида: Айириб чарх мазраъин жав-жав. (II, 208);

3) «манба, асос, натижа» маъносида: Билик мазраъидин барумандимиз,<sup>112</sup> («СИ», 325b1);

4) «кўнгил» маъносида: Экти сочибон сиришки анбух, Тан мазраъи ичра тухми андух. («ЛМ», 7164);

5. **Мазраъа** – «экинзор, экин майдони» маъносида:

... чун ул ҳазрат ҳукми жиҳатидин ва таклифи сабабидин мазраъаси ёбис қолмасун деб, бирор нима зироатға иштиғол кўргуздум. («В», 718)

6. **Мазориъ** – «экинзорлар» маъносида: Жазоирки анда мазориъдурур. («В», 352)

---

<sup>112</sup> Мазкур байтдаги **мазраъ** АНАТИЛда «ақл-идрок» маъносида деб изоҳланган.

Навоий асарларида «экин-тикин билан шуғулланувчи шахс» маъноси фақат *деҳқон* ва ундан ясалган *деҳқончилик//деҳқонлиқ* сўзлари орқали ифодаланган: Деҳқоннинг бир дона сочарида бу холдур («МК», 47)

Деҳқончилик қуролларидан фақат мола («ер текислагич») сўзи учрайди: Қум туфроғи узра мола урган. («ЛМ», 81а11)

Навоий асарларида 15 хил маданий экин номлари қайд қилинади:

1. **Буғдой** – «буғдой» маъносида: Йигирми ботмон эт била йигирми ботмон буғдойни ҳалим қилғайлар. («В», 721)

2. **Арпа** – «арпа» маъносида:

Қачон сочса туфроққа буғдой биров,

Йўқ имконким, ул арпа қилғай даров. («СИ», 285а17)

3. **Жав** – «арпа» маъносида:

Бўлай усрукки бор олида бир жав,

Демай Фарҳоду Ширин, балки Хисрав. («ФШ», 200)

4. **Адас** – «дуккакли донли ўсимлик, яслиқ» маъносида:

Рангсиз ҳолинг жамолинг хонида, эй сиймбар,

Ҳадасдур, ё ёпишмиш бир адас чоғлиқ шакар. («ХМ», Пб -139)

5. **Канаб** – «каноп ўсимлиги» маъносида:

Канаб шохи йўқ гарчи хошокча,

Қаландарғадур сарви чолокча. («СИ», 312б-96)

6. **Найшакар** – «шакарқамиш» маъносида:

Не кўрунди қоматингча найшакар ширину туз,

Не онинг банди белингга боғлабон белбоғча. («ХМ», Ёб-588)

7. **Вусма** – «ўсма» маъносида:

Қариким, соқолин вусма била бўяғай, йигитдекдурким, гулоб била ювгай. («МК», , 140)

Бу сўз «белги, аломат, тамға» маъносида ҳам қўлланган:

Қоши узра ғавси кузаҳ вусмаси. («ХМ», , Пб-313)

8. **Хино//хинно** – «хина» маъносида:

Кўзда асраб мен бағир қонин тилар бўлсанг хино,

Суртсам кўзни аёғингга ҳам ул дам билгурур. («ХМ», Пб-148)

9. **Пахта** – «пахта» маъносида:

Чарх анжумдин кулоққа пахталар тикди. («ХМ», Па-216)

Бировким пахта бирла сувни ютқай. («ФШ», 213)

10. **Мамуғ//момуғ** – «пахта» маъносида: Кўрунди барча ямоғлиғ чапони узра момуғ. («ХМ», Шб-322)

11. **Кунжуд** – «кунжут» маъносида: хожаси анга буюрдиким, кунжуд эк!

12. **Себарга** – «уч япроғли кўкат» маъносида: Марз узра кияр себарга жавшан. («ЛМ», 41-10)

13. **Афюн** – «кўкнори, қорадори» маъносида: Агарчи акнуи афюн касрати ани ақл хулясидин орий қилибдур.. («ХМ», 706)

14. **Хашхош** – «кўкнори ўсимлиги, уруғи» маъносида:

Шудрунг тўкулуб чаман қилиб фош,

Хашхош гули юзинда хашхош. («ЛМ», 63a17)

15. **Банг** – «наша, қорадори» маъносида:

Кўпти дағи уйга тебради данг,

Май ичра киши еган киби банг. («ЛМ», 866-9)

Навой асарларидаги ўсимликлар оламини умумий қилиб атовчи бирликлар ва экинларнинг уруғи, дони, бошоғи тушунчаларини билдирувчи сўзлар мавжуд.

1. **Қомғоқ** – «ўсимлик» (умумий ном ўрнида) маъносида:

Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдур,

Саҳрода қомғоғу тикан, бўстонда сарву гул бутар. («ХМ», Ша-207)

2. **Наботот** – «ўсимликлар» (умумий ном, кўплик шаклида) маъносида:

... ва жамодот ва наботот ва ҳайвонот каломининг самоғи ва маонисиға вукуф топмоғ тасбиҳдин ва ғайридин... («НМ», XV-73)

3. **Ўланг** – «ўт-ўлан, гиёҳ» маъносида:

Анжуму кўк аксидур анда раёҳину ўланг. («ХМ», Ша-181)

4. **Алаф** – «ўт-ўлан», «кўкат» маъносида:

Барисидин алаф баҳо кўтариб,

Сабзай умри айшдин кўкариб. («СС» , 37-25)

5. **Навбар** – «янги ўсаётган гиёҳ, ўсимлик» маъносида:

Ери узра саросар сабза навбар,

Чаманлар сарбасар сарву санавбар. («ФШ», 45)

6. **Номия** – «ўсимликнинг авж олиш хусусияти» маъносида:

Ҳар сори занг зар этиб ошкор,

Номия пайкига ҳамиша баҳор. («ҲА», VI-32)

7. **Гиёҳ** – «ёш ўсимлик, ўт-ўлан» маъносида:

Гиёҳ боғ аро чини ойин бўлуб,

Ки ҳар гул анга лубати чин бўлуб. («СИ» , 2976-8)

8. **Набот** – «гиёҳ, ўт-ўлан» маъносида:

Дехқони азалки тузди бу турфа чаман,

Қилмади анинг барча наботини ҳасан. («В», 715)

9. **Дона** – «уруғ, дон» маъносида:

Мазраи ишқ ичра сочмоқ қобилият донасин,

Айлади кўк тосидин гўё ғазо дехқони кайл. («ХМ» , IIб-387)

Бу сўз куйидаги кўчма маъноларда ҳам қўлланган:

1) «гўзаллар юзидаги хол»:

Оразу холинг гирифтори эса кўнглум, не тонг,

Ким гузори йўқтур ул қушнинг бу обу донадин. («ХМ», IIIб-259);

2) «кўз ёши»: Кўзларим донаи суйиға келур васл қуши, («ХМ», IIIб-338);

3) «тасбеҳ донаси»: Шайхға тасбиҳининг ҳар донаси бир қайд эрур. («ХМ», IIIб-538);

4) «битта, ягона»: Бўстон афрузи ичра дона. («ЛМ», 93610);

5) «тузоғ атрофига сепилган дон»:

Қавмдин кўнглум қуши майл этти суву дона. («ХМ», IIIа-259);

6) «қимор ўйинининг донаси, суяк ошиғ»: Қимор айлагали дона айлади ул шўх. («ХМ», IIIб-115);



7) «тиш донаси «боши кўксиға тушуб, оғзи ҳуққасидин доналари тўқулуб. («МК», 150).

Форсий изофали бирикма (*донаи хасхош*) таркибида ҳам «уруғ» маъносини билдиради: Чархи аъзам донаи хашхошча. («ЛТ», 162-2)

*Донапош* сўзи «дон сепувчи асбоб, дон сепгич» маъносида қўлланган:

Шарарлардин ўлди унга донапош. («СИ», 270аб)

10. **Тухм** – «ўсимлик уруғи» маъносида:

Моласиз ул тухмки деҳқон сочар. («ХА», 121-26)

Бу сўз «илинж манбаи», «умид уруғи» маъноларида ҳам қўлланган:

Фироғ хирмани йиғдим, висол тухмин экиб. («ХМ», Шб-93)

... ул амал тухмиға бу бир недин сазодур ва жавоб маҳсулни кўтармак. («СИ», 285аб)<sup>113</sup>

11. **Тухмиёна** – «доривор ўсимликлардан бирининг уруғи» маъносида:

Гар берса табиб тухмиёна («ЛМ», 836)

12. **Чигит** – «ғўза (пахта) ўсимлигининг уруғи» маъносида:

Бармоғи била ишорат қилди: момуғ чигитдин айрилди. («НМ», XV-92)

13. **Хўша** – «бошоғ: буғдой, арпа бошоғи» маъносида: ...сипехрдек икки букулуб хўша термакка оқшомғача рўзгори кафофиға. («В», XIII-168)

Бу сўз куйидаги кўчма маъноларда ҳам қўлланган: 1. «узум боши»:

Хўша лаълу дур магар еткурди деҳқон тоқдин. («ХМ», Пб-504);

2) форсий изофали бирикма (*хўшаи парвин*)да «парвин юлдузлар тўдаси»: Хўшаи парвин шиои хат аро қилғил макон. («ХМ», Шб-445).

Бу сўзнинг такрорий шакли *хўша-хўша* «ғуж-ғуж бош узум» маъносини англатиш учун қўлланган:

Хўша-хўша гаҳ зумуррад, гаҳ лаъли ноб осиб раз. («ХМ», Пб-203)

Алишер Навоий асарларида *сабза*, *кўк* сўзлари ўсимлик ва майсалар туфайли маконнинг яшилликка кириши, кўкаламзорликнинг пайдо бўлиши, ёш ўсимлик ва майсаларнинг кўриниши, ранг-туси маъноларини англатувчи

---

<sup>113</sup> АНАТИЛда мазкур байтлардаги **тухм** сўзи «уруғ», «тухум» маъноларига эгалиги айтилади. (Ш, 263), лекин биз бу ўринлардаги **тухм** сўзи «умид уруғи», «илинж манбаи» маъноларини англатади, деб шарҳладик.

маданий экинлар ва ёввойи ўсимликларнинг умумий атамаси сифатида намоён бўлади. Лекин улар кўчма маъноларда ҳам қўлланган.

1. **Сабза** – «умуман кўкат, майса» маъносида:

Йиқилса қаср, бўлсун қаср обод,

Қурус сабза, бўлсун сарв озод. («ФШ», 191)

Сабзау гул акси тушуб сув аро,

Оразу хат ўйлаки кўзгу аро. («ХА», 46-1)

Бу сўз куйидаги кўчма маъноларда қўлланган:

1) «ёрнинг қоши»: Ўз сабз хатининг сабзай хати ҳажрида ўлса, қабри сабзаси хати ҳижрон ништари бутмак иддио қилибдур. («МН», 246);

2) «маъшуқа зулфи»:

Сабзай хатинг саводи лаъли хандон устина,

Ҳизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина. («МН», XIV-180);

3) *сабзай умр* бирикмаси «умрнинг ёшлиги, навқиронлик» маъносида:

Бирисидин алаф баҳо кўтариб,

Сабзай умри айшдин кўкариб. («СС», 37-25);

4) *сабзай хат* бирикмаси «мийиқ чизиғи» маъносида:

Сабзай хат ёрутубдур оразинг миръотин, ох,

Кўзгуга бу навъ ким бермиш жило зангор ила. («ХМ», Пб-526).

2. **Кўк** – «умуман ўт, майса, кўкат» маъносида:

Кўк сабзаси кўкка еткуруб бош,

Ул кўкта бўлуб нужум ушоқ тош. («М», XIII-88)

*Кўкартмоғ* (орттирма нисбат шакли) феъли «обод қилмоқ, яшнатмоқ» маъносида ҳам қўлланган:

Шоҳ Баҳром абри эҳсони,

Лутф бирла кўкартти они. («СС», 157-12)

*Кўк* сифатининг интенсиф шакли *кўм-кўк* – «ортиқ даражада кўк» маъносини ифодалаган:

...аввал ҳарфига бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шайъга зои� килурлар, мим мисоли кўм-кўк, ям-яшил... («МЛ», XIII-117)

Кўк сифатининг озайтирма даража шакли *кўкумтул* «кўкиш, кўкка мойил ранг» маъносини англатган:

Жисмим узра бор янги бутган кўкумтул доғдек,

Сўзи ҳажрингдинки, урдум ғуссадин ҳар ерга неш. («ХМ», Іб-276)

Навой асарлари тилида қуйидаги ёввойи ўсимлик номлари учрайди:

1. **Ажриғ** – «кўп йиллик серилдиз ёввойи ўт, ажриқ» маъносида:

Орада бўлган ўлса туфрағ руст,

Асраган бўлса ажриғ ани дуруст. («СС», 193-7)

2. **Бадалаф**<sup>114</sup> – «сассиқ ўт» маъносида:

Гар бeбасарлиғ айнидин наргис кўзунгдин лоф урар,

Аҳли назар англарким, ул ҳам кўр эрур, ҳам бадалаф. («ХМ», Шб-311)

3. **Испанд//сипанд** – «исириқ» маъносида:

Не соатки юзланса кому мурад,

Сочиб ўтқа испанд, ўқунг «ин якод». («СИ», 308а8)

Бу қизарган кўз аро мардум эмаским эл кўзи,

Тегмасун ҳуснунгга деб ўт ичра солибмен сипанд. («ХМ», Іб-139)

Бу сўз қатнашган *сипанд бўлмоқ* аналитик шакл «фидо бўлмоқ»

маъносини англатади:

Васли ила кимки эрур баҳраманд,

Жоним анинг бошиға бўлсун сипанд. («ҲА», 107-4)

Шунингдек, *сипанд қилмоқ* аналитик шакли «боғлиқ қилмоқ»

маъносини англатади:

Бу меҳнат ани нажанд қилди,

Андуҳ ўтиға сипанд қилди. («ЛМ», 9162)

4. **Бақли ҳамқо** – «семизўт» маъносида:<sup>115</sup>

Реву ранг аҳли муриди бўлмағилким, хизр эмас,

Хирқасин ҳар аҳмақ этса бақли ҳамқодек яшил. («ХМ», Шб-392)

<sup>114</sup> Бу сўз XV аср эски ўзбек тилида бир урғу билан айтилмаган бўлса керак: **бад** – «сассиқ, бадбўй», **алаф** – «ўт, майса». Шунинг учун луғатда бу сўз қисмлари ажратиб ёзилиши керак эди. У сўз бирикмаси типидagi ўсимлик номи деб қаралиши керак.

<sup>115</sup> «Семизўт» маъносини форсий изофа ҳолидагина ифодалайдиган бу бирлик қисмларини АНАТИЛда алоҳида-алоҳида ҳолда (икки ўринда) ажратиб берилганини кўрамиз. Қаранг: **бақл** («сабзавот») луғат мақоласи (I, 234), **ҳамқо** (алоҳида ҳолда маъно англатмайди) луғат мақоласи (IV, 158).

5. **Қамиш** – «қиёксимонлар оиласига мансуб сувда, ботқоқликда, тўқайзорда ўсадиган бўғим-бўғим пояли ўсимлик»<sup>116</sup> маъносида:

Тиғи то кўксумни ёрди нола қилмон заъфдин,  
Рост андоқким, қўяр афғонни чок ўлған қамиш. («ХМ», Іб-276)

6. **Най** – «қамиш» маъносида:

Чўмғали қўймас қуруқ найдек сўнғаклар ашк аро,  
Турфа кўрким баҳри бепоён аро солим будур. («ХМ», Іб-176)

Бу сўз «чолғу асбоби: най» маъносида ҳам қўлланган:

Май ўтининг ламъаси ўртаб вужудим хирманин,  
Қўлларим най нағмаси бир дамда нобуд айлади. («ХМ», Іб-649)

*Найи килк* форсий изофали бирикма «қамиш қалам» тушунчасини англатади:

Хуросон демаким, Шерозу Табриз,  
Ки қилмишдир найи килким шакаррез. («ФШ», 219)

7. **Лух** – «қўға» маъносида:

Навойи, аҳли фано иста, қўй риё аҳлин,  
Ки найшакар борида туҳфа қилмади киши лух. («ХМ», Іб-111)

8. **Меҳригиё(х)//мардумгиё(х)** – «меҳригиёҳ», «итузум гуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик»<sup>117</sup> маъносида:

Хат эрмас улки чиқариб суйини меҳригиёҳнинг,  
Қуёш саҳифасида раҳмат ояти битилибдур. («ХМ», Іб-164)

Киши жинси мулкида мардумгиё,  
Дирам синфи авзоида кимё. («ХМ», Іб-707)

9. **Шўра** – «шўра, шўр ерда битадиган ўт» маъносида:

Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,  
Ғайри қадр аҳли не бўлғай олами ғаддор аро. («ХМ», Іб-42)

10. **Ҳанзал** – «итқовун» маъносида:

Киши ҳанзал экса, аччиғ бар топар,

<sup>116</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 5-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –Б.333.

<sup>117</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 2-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б.588.

Вагар найшакар эксa, шаккар топар. («СИ», 1455)

11. **Заъфарон** – «сарғиш тусли хушбўй ўсимлик» маъносида:

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,

Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар. («ХСХА», 527)

Бу сўз «сарик ранг» маъносида ҳам қўлланган:

Сандалу мушку абиру заъфарон,

Табъ жаҳлидин саросар заъфарон. («ЛТ», 18-9)

*Заъфарон афшоний* бирикмаси «сариг ранг берувчи» тушунчасини ифодалайди:...қизил толнинг коҳий яфроғларин баъзи жисмида қилғай, шингарф хутути узра заъфарон афшоний қилғандин нишона кўргузди. («М», XIII-91)

Бу сўз бошқа сўзлар билан муносабатда «сариглик, сўлғинлик» маъносида ҳам қўлланган:

Не хазонида барг айшини соч,

Юз уза заъфарон дўконин оч. («М», XIII-91)

12. **Хор** – «тикан» маъносида:

Чу манзил қилиб мулки Фархорни,

Кесиб ул гулистонда ҳар хорни. («СИ», 255a2)

Бу сўз «дард, ташвиш, алам» кўчма маъноларида ҳам қўлланган:

Кўнгул фироқ хазонининг хорларидин озурдадур. («МН», 215)

Бу сўз *хас* сўзи билан жуфт сўз (*хору хас*) ҳосил этиб, «хашак» маъносини ифодалаган:

Қилур ер юзин хору хасдин хало,

Тамоман чукурларга айлар тўло. («СИ», 295a5)

*Хори бало* форсий изофали бирикма «бало азоблари» тушунчасини англаган:

Гули завқ элга боғи айш ароким,

Манга ғам дастида хори бало бас. («ХМ», Па-133)

## 2.4.§. Сабзавот экинлари номлари

Сабзавот экинлари тушунчасига ЎТИЛда шундай таъриф берилади: «Сабзавот. Резавор ва полиз экинлари ва уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсули (бодринг, карам, сабзи, пиз, помидор ва ш.к.)»<sup>118</sup> Ушбу таърифдаги «резавор» тушунчаси баёни шу луғатнинг бошқа ўрнида берилган: «**Резавор.** 2. Овқатга солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавот. 4. айн. зиравор<sup>119</sup>. «Зиравор» тушунчасига нималар кириши яна бир бошқа ўринда шарҳланади: «Зиравор. Овқатни хушбўй ва хушхўр қилувчи ўсимликлар ёки уларнинг уруғи, барги, илдизи ва ш. к. (мас., зира, зирк, қорақанд, зарчўва, қалампир, мурч)».<sup>120</sup>

Бу таърифлардан англашиладики, сабзавот экинларига полиз экинлари ва уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсулотлари ҳам, овқатга солинадиган кўкатлар ҳам, овқатни хушбўй ва хушхўр қилиш учун солинадиган бошқа ўсимликлар ёки уларнинг уруғи, барги, илдизи ва шу кабилар киради.

Алишер Навоий асарлари тилидаги сабзавот экинлари номлари мана шу нуқтаи назардан ажратилди ва изоҳланди.

Навоий асарларида *сабзавот* сўзи қайд қилинмайди. Лекин унда *сабза* сўзи «яшиллик», «кўкат», «майса» маъноларида қўлланган:

Сабзау гул акси тушуб сув аро,

Оразу хат ўйлаки кўзгу аро («ҲА», 46-1).

*Сабзалиг, сабзпўш, сабзранг//сабзоранг* сўзлари эса «яшиллик», «кўк либосли», «яшил ранг» маъноларида қўлланган:

Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,

Сабзалиғу гуллуқ ўлуб баргараф. («ҲА», 217).

Ул эрур шоҳи сабзпўш қизи,

Ки қуёш қуҳлидур аёғи изи. («СС», 118-8)

Равон бир шўхи сабзоранг ҳар ён,

<sup>118</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 3-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 409.

<sup>119</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 3-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 371

<sup>120</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 2-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.153

Тутуб бир жоми мийноранг ҳар ён. («ФШ», 45)

Навоий асарлари тилида сабзавот сўзи «майсазор», «кўкаламзор» маъносини ифодалаган:

Чашмаси бирла меҳри оламтоб,

Қилди кўк сабзавотини сероб. («СС», 1031)

Кўринадики, *сабза* лексемаси барча ўринда «кўкат», «майса», яъни ўсимлик ва унинг кўриниши (ранги) маънолари билан боғлиқ. Ҳозирги тилимиздаги *сабзавот* сўзининг асоси *сабза* эканлиги сезилади, лекин шу асосда ясалган *сабзавот* сўзи, юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий асарларида қайд қилинмаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, НАЛда *бақла* (100-бет) ва АНАТИЛда *бақл* (I, 234) шаклларида берилган сўзнинг «сабзавот» маъносида эканлиги кўрсатилади, лекин ҳар иккала луғатда ҳам Навоийдан олинган мисол билан тасдиқланмайди. Эргаш Фозиловнинг «Алишер Навоий асарлари луғати» (АНАЛ, 298)да бу сўзга изоҳ ва мисол берилган.

Бақло/Бақл – сабзавот:

Ул тўрбани силкти ярим дирам қолиб эрди. Қўпти асҳобиға дедиким башорат сизга ким нон-у бақло бўлди. (Насойимул-муҳаббат, 153-Т)

*Полиз* сўзи Навоий асарлари тилида мавжуд, у «полиз қилинган экинзор» маъносида қўлланган: Боқтим эрса, полизе кўрдумки тўла қовун ва бодринг ва хиёр эрди. («НМ», XV-97)

Тарихий-этимологик жиҳатдан *полиз* билан *сабза* сўзларида қандайдир умумийлик борлиги ҳақида фикр айтилган<sup>121</sup>, лекин бу сўзларнинг фонетик тузилиши ва семантик алоқадорлиги масаласи чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Ҳозирги туркий тиллар ва ўзбек тилидаги сабзавот ва полиз экинлари номларини илмий жиҳатдан шарҳлаган бир қанча илмий ишлар<sup>122</sup> ва бундай сўзларнинг изоҳли луғатлари<sup>123</sup> мавжуд.

<sup>121</sup> Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. –Т.,1991. – Б..35

<sup>122</sup> Дмитриева Л.В. Названия растений в тюркских и других алтайских языках//Очерки по сравнительной лексикологии алтайских языков. –Л., 1972. –С.362; Зокиров К., Жамолхонов Х. Ўзбек ботаника

Навоий асарларида ўндан ортиқ сабзавот экинлари номлари кайд килинган. Улар орасида ҳозирги *тарвуз, ҳандалак, пиёз, турп, қалампир, гармдори* каби сабзавот экинларининг номлари учрамайди ёки *ошқовоқ, сабзи, лавлагилар* бошқа ном билан аталган.

1. **Бодринг** – «палакли ўсимлик ва унинг чўзинчоқ ҳосили» маъносида: Боқтим эрса, полизе кўрдумки тўла қовун ва бодринг ва хиёр эди («НМ», XV-97)

АНАТИЛда *хиёр* ҳозирги ўзбек тилида «бодринг» маъносида қўлланган сўз (Ш, 391) сифатида изоҳланади. Аммо юқоридаги байтда *қовун, бодринг, хиёрларнинг* кетма-кет (уюшиқ бўлақлар) берилиши Навоий асарлари тилида хиёрнинг бодрингдан фарқланувчи бошқа бир ўсимлик ёки унинг бир тури эканини англатади.

2. **Хиёр** – «бодринг» маъносида: Дедимки, сувсиз кўнглум тозагина хиёр тиларки, бўғузумни ўлутгаймен. («НМ», XV-96)

3. **Тарра**. Бу сўз НАЛда «Овқатга кўшиб ейиладиган кўкат, сабзавот (асли ф.тар ва тоза)» деб изоҳланади, мисол берилмайди. (597-бет). АНАТИЛда бу сўзнинг ўзаги *тар* шаклида кўрсатилади ва *таррафуруш* кўшма сўзига мисол берилади («хўл мева сотувчи» маъносида):

Бу даврда карам сабзаси тарафуруш дўконидин ўзга ерда топилмас. («МҚ», XIII-51).

4. **Қовун** – «палак отиб ўсадиган, ҳосили йирик ва ширин полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили» маъносида:

Боқтим эрса, полизе кўрдумки, тўла қовун ва бодринг ва хиёр эрди. («НМ», XV-97)

5. **Каду** – «қовоқ», «палак отиб ўсадиган, шапалоқ баргли, йирик сарик гулли полиз ўсимлиги ва унинг йирик шаклли ҳосили» маъносида:

---

терминологияси масалалари. –Т.,1966. – 80 б; Джамалханов Х. Из истории формирования ботанической терминологии. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т.,1968. –С..22; Ишанкулов Ю.К. Истории названий плодов в узбекском языке. –Т.,1985. –104 С.

<sup>123</sup> Саҳобиддинов С.С. Ўрта Осиёда фойдали ва зарарли ўсимликларнинг илмий ҳам маҳаллий номлари луғати. –Т.,1953. – 96 б.; Қосимов А.И., Набиев М.М. Ботаникадан қисқача изоҳли луғат. –Т.: Ўқитувчи, 1990. – 80 б.; Нўъмонов Т. Полизчилик атамаларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1990. – 175 б.



Кундуз санга бир гадои руси,

Хуршеддин эгнида кадуси. («ЛМ», 649)

Бу сўз кадуи кажкули форсий изофасини ташкил этиб, «қаландарлар тилаб олган пуллари солиш учун бўйинларига осиб юрадиган қовоқ идиш» маъносини ифодалайди:

Қилма кўнглунгни савол аҳли кадуи кажкули,

Солма бир зарфга юз навъ муҳолиф акроз. («ХМ», ШБ-280)

6. **Ҳанзал** – «итқовун», «палаги ва меваси қовунга ўхшаш ўсимлик», «ёввойи қовун» маъносида:

Киши ҳанзал экса, аччиғ бар топар,

Вагар найшакар экса, шаккар топар. («СИ», 1455).

7. **Лубё** – «палак отиб ўсадиган экин ва унинг овқат учун ишлатиладиган дони» маъносида:

Адиб Аҳмад... лубёга илик суртубтур ва дебдурки, қўй букрагига ўхшайдур ва нахудни бармоғи била силаб дебтурки, итолгу бошига ўхшар. («НМ», XV-196)

8. **Нахуд//нухуд** – «нўхат», «дуккакли ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган мошдан йирик юмалоқ сариқ дони» маъносида:

Сола олмас эл ошиға бир нухуд, гар

Тузилмас анинг бирла ул эр ароси («ХМ», Па-413)

9. **Зардак** – «сабзи», «сабзавот ўсимлиги ва унинг овқатга ишлатиладиган илдиз-меваси» маъносида: Зардагу шалғам киби олтин-кумуш. («ЛМ», 649)

10. **Шалғам** – «шолғом», «илдиз-меваси пушти, сариқ ва оқиш рангларда бўладиган сабзавот ўсимлиги» маъносида: Зардагу шалғам киби олтин-кумуш. («ҲА», 126)

11. **Карам** – «карам», «барглар ўрамидан ҳосил бўладиган мева берувчи ўсимлик» маъносида:

Бу даврда карам сабзаси тарафуруш дўконидин ўзга ерда топилмас. («МҚ», XIII-51)

12. **Чағандар** – «лавлаги, қизилча» маъносида:

Борча нахуд ўрнига дурри хушоб,

Реза чағандар ерига лаъли ноб. («ҲА», 126)

13. **Кашниз** – «кашнич», «овқатни хушхўр қилиш учун солинадиган майда сербарг хушбўй ўсимлик» маъносида:

Бўлуб май ширасидин оташангиз,

Бериб ул ўтға таскин курси кашниз. («ФШ», 50)

14. **Зира** – «ўтсимон ўсимлик ва унинг сабзи уруғига ўхшаш хушбўй уруғи» маъносида:

Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,

Ҳам кетурур зирани Кирмон сари. («ҲА», 110)

15. **Райҳон** – «райҳон», «ошкўк учун экиладиган бир йиллик хушбўй ўсимлик»<sup>124</sup> маъносида:

Фирот ориғин ул қазди ва Ироққа сув элтти ва боғлар, бўстонлар тарҳ қилди ва ашжор ва гул ва райҳон боғларда экти. («ТМА», XIV-191)

Бу сўз қатнашган *райҳони машаққат* форсий изофаси «машаққат гули» маъносини ифодалайди:

Меҳнат тиканидин очилиб вард,

Райҳони машаққату гули дард. («ЛМ», 90a10)

Шу сўздан ясалган *райҳоний* сўзи «райҳон исли, муаттар» маъносида қўлланган:

... райҳоний қасрда тараб бергин тузатиб... («ФШ», 48)

## II боб бўйича хулосалар

1. Ўзбек адабий ёдномаларида *гул* сўзи ижобий ва кўп маъноли бўлгани учун ўзига хос муҳим лексик воситага айланган. Алишер Навоий асарлари тилида *гул* лексемаси 12 маънода қўлланган. Таҳлиллар кўрсатдики, Навоий асарларида бу сўз алоҳида ҳолда ҳам, ясама сўзларнинг бош морфемаси сифатида ҳам, туркий ва форсий изофаларнинг компоненти вазифасида ҳам,

<sup>124</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли, 3-жилд, –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007- Б. 345.

феълнинг аналитик шакли таркибида ҳам турли маъноларни ифодалашга хизмат қилган. Алишер Навоий асарларидаги *гул* шу маънодаги ягона сўз эмас, унинг тилида «гул» маъносини умумтуркий *чечак*, форсий *шукуфа* ва арабча *завоҳир* сўзлари ҳам ифодалаган. «Ҳар хил гул» маъноси учун форсий *гунавард* сўзи олинган. Гулнинг грамматик кўплик маъноси учун гуллар шаклидан ташқари, арабча ва форсча *азҳор*, *аглол*, *чамбар*, *шуҳравард* сўзлари ҳам қўлланганки, бу шеърий тил техникаси талабини сақлашга хизмат қилган, шоир сўз бойлигининг юқори даражада эканлигини кўрсатган.

2. *Гул* шу туркумдаги ўсимликларнинг умумий номини англатади, унинг турларини ифодаловчи сўзлар ҳам мавжуд. Навоий асарларида 17 хил гул турининг номи қайд қилинган. Улардан бештаси араб тилидан (*абҳар*, *суман*, *муасфар*, *занбақ*, *сунбул*), қолганлари форс тилидан (*арғувон*, *бўстонафрўз*, *вард*, *гулнор*, *ишқпечон*, *лола*, *нарғис*, *настаран*, *нилуфар*, *насрин*, *савсан*, *суман*) қабул қилинган сўзлардир. Гул турларини ифодаловчи бу сўзлар ҳам Навоий асарларида бош маъносидан ташқари турли-туман кўчма маъноларда қўлланиб, тил бадиияти учун хизмат қилган.

3. Алишер Навоий асарлари тилида мевали ва мевасиз дарахт номлари, бошқа сўзлар қатори, шеърий ва насрий асарларнинг мазмун ва бадиий талабига кўра ишлатилган сўзлардир. Шунинг учун бундай сўзлар терминологик маъносидан (ном бўлишдан) ташқари умумистеъмол сўз сифатида кўплаб кўчма маънолар ифодалаш учун ҳам хизмат қилган.

4. Тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик-дарахт шу туркум ўсимлигининг умумий номи (атамаси) бўлиб, у мевали дарахтни ҳам, мевасиз дарахтни ҳам ифодалайверади. Навоий асарлари тилида «дарахт» маъноси учун дарахт сўзидан ташқари *шажар*, *йиғоч*, *заққум* («аччиқ дарахт»), *ашжор* («дарахтлар»), *дарахтон* («дарахтлар») сўзлари; дарахт ўсимлигининг ёшлигини ифодалашда эса *нахл* («кўчат») ва *ниҳол* («ёш дарахт, кўчат») сўзларидан фойдаланилган.

Бундай сўзларнинг кўчма маънолари бадий тилда, асосан, ўхшатиш тасвирий воситаси сифатида вазифа бажарган.

5. Мевали дарахт номлари семантикасида ўзига хослик бор: бир мевали дарахтнинг номи шу мева дарахтининг ўзи маъносини ҳам, унинг меваси маъносини ҳам, танаси (ёғочи) маъносини ҳам англатаверади. Бу уч маънони кўчма маънолар деб бўлмайди, чунки бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган; маънодош сўзлар деб ҳам бўлмайди, чунки улар бир тушунчанинг турли маъно қирраларини кўрсатувчи сўзлар эмас. Алишер Навоий асарларида 22 хил мевали дарахт ва унинг меваси номлари учрайди. Навоий бир хил мевали дарахт ёки унинг мевасини ифодалаш учун бир неча ўзга сўзлардан ҳам фойдаланган (масалан, *нахлбун* – хурмо – хашаф; *лиму* – турунж; *анор* – нор – руммон каби). Бундай ҳолат улуғ ижодкорнинг сўз бойлигини, ўсимлик навларини фарқлаб ифодалаш маҳоратини ва поэтик услуб талабларини сақлаш санъатини кўрсатади. Бир неча хил дарахт ва унинг меваси номлари ҳозирги ўзбек тилида ҳеч қандай фонетик ва семантик ўзгаришга учрамаган ҳолда қўлланмоқда: *дарахт, анжир, беҳи, ниҳол, бодом, ёнгоқ, зайтун, хурмо, олма, писта; лекин шажар, заққум, ашжор, нахл, амрўд, руммон, жавзи-биё, турунж, нахлбун, хашаф, норанж, унноб, себ, офтобпараст* номлари ҳозирги ўзбек тилида мавжуд эмас, уларнинг Навоий асарлари тилидаги маънолари учун бошқа сўзлардан фойдаланилмоқда. *Зардолу, лему, олу, шафтолу, биҳи* каби номлар эса ҳозирги ўзбек тилида бироз фонетик фарқлар билан қўлланмоқда.

6. Алишер Навоий қўллаган мевасиз дарахт номларининг йигирмадан ортиғи қайд этилди ва бу сўзлардан ясалган бошқа сўзлар ҳам борлиги аниқланди. Уларнинг кўпчилиги фақат атамавий маънода эмас, кўчма маъноларда ҳам қўлланган. Айниқса, *сарв* ижобий маъноли сўз бўлганлиги (у «чиройли қоматли дарахт»дир) сабабли, мевасиз дарахт номлари ичида ўзининг сермаънолилиги (албатта, кўчма маъноларда) жиҳатдан алоҳида ажралиб туради: унинг ўзи ва ундан ҳосил қилинган ясама сўзлар йигирмадан ортиқ маъноларда қўлланган. Навоий асарлари тилида мевали ва

мевасиз дарахт номлари сифатида мавжуд бўлган сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилига етиб келган-келмаганлиги нуқтаи назаридан қараганда, икки хил ҳолатни кўрамиз: унинг асарларида қўлланган мевали дарахт номларининг ярмидан кўпи ўз шакли ва маъноси билан ҳозирги ўзбек тилигача етиб келган бўлса, мевасиз дарахт номларидан (20 дан ортиқ номдан) фақат бештасигина (*сарв, тол, терак, чинор, шамшод*) ҳозирги ўзбек тилигача етиб келган, холос.

7.Ўсимликлар турли тана хусусиятларига эга бўлгани учун дарахт типигаги ўсимликларга нисбатан дарахтли ўсимликлар атамасини қўллаш маъқул кўрилди. Алишер Навоий асарларида дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўзлар бир қанча бўлиб, улар ҳам бош (ўз) ва кўчма маъноларда қўлланган. Масалан, шоир асарларида «боғ» тушунчасини ифодалаш учун *боғ, боғча* («кичик боғ»), *равза, ҳадиқа, бўстон*; «ёғоч» тушунчаси учун *йиғоч, кунда, сандал, чўбдаст, хода, суруг, дор* сўзлари ишга солинган. Албатта, улар «ёғоч» тушунчасининг турли маъно қирраларини ифодалаган. Дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўзлар ичида *боғ, равза, сандал, барг* сўзлари турли-туман кўчма маъноларда қўлланганлиги билан ажралиб туради. Навоий асарларида мавжуд бўлган дарахтли ўсимликларга алоқадор 30 дан ортиқ сўздан фақат 13 таси ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдадир: *боғ, боғча, бўстон, йиғоч (ёғоч), хода, шох, сурух, мева, барг, яфроқ (япроғ), тикан, пўст, пўчоқ (пўчоғ)*; қолган 17 сўз ишлатилмайди: *равза, ҳадиқа, сандал, чўбдаст («хасса»), суруг, дор («хода»), шоха, шохсор, фокиҳа, фавокиҳ, асмор, самар («мева»), самара («мева»), бар, варағ («барг»), реша, лиф.*

8. Экиннинг умумий номи туркий *экин* ва арабча *мазруъ* сўзлари билан ифодаланган. Навоий асарларида ўн беш хил маданий экин номлари учрайди: *бугдой, арпа, жав, адас, канаб, найшакар, вусма, хино//хинно, пахта, мамуқ//момуғ, кунжуд, себарга, афюн, хаишош, банг.*

9.Алишер Навоий ўсимликларнинг умумий номи сифатида *қомгоқ* (ўсимликнинг бирлик шакли) ва *наботот* (ўсимликнинг кўплик шакли)

сўзларини қўллайди, ўт-ўлан, гиёҳ, ёш ўсимликларни аташда бешта сўздан: *ўланг, алаф, навбар, гиёҳ, наботдан* фойдаланади, лекин булар айни бир хил маънода эмас: маъно қирраларида фарқ бор. *Дона, тухм, тухмиёна* сўзлари ҳам «уруғ» маъноси билан бирлашади, лекин «ғўза (пахта) ўсимлигининг уруғи» *чигит* сўзи билан ифодаланади. Навоий асарларида ҳозирги тилимиздаги *уруғ* сўзи учрамайди, ҳозирги *бошоқ* ўрнида эса *хўша* сўзи қўлланган.

10. «Сабзавот экинлари» тушунчасига полиз экинлари ва уларнинг маҳсуллари, овқатга солинадиган кўкатлар, овқатни хушбўй ва хушхўр қиладиган бошқа ўсимликлар ёки уларнинг уруғи, барги, илдизи кабилар киради. АНАТИЛда *сабзавот* сўзи қайд қилинмаган, аммо «бақло/бақл» сўзи сабзавот маъносида қўлланган. *Сабза* асосли сўзлар бир неча бўлиб, улар «кўкат», «майса», «яшиллик» – яъни ўсимликнинг умумий белгиларига алоқадор маъноларни англатади. *Полиз* сўзи эса ҳозирги маънода қўлланган.

11. Алишер Навоий қўллаган сабзавот (бақло) экинлари 15 та. Улардан *бодринг, тарра, қовун, лубё (ловия), нухуд (нўхат), шалгам, карам, кашиниз (кашинич), зира* сўзлари, бир хил маънода, ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд, *хиёр, ҳамзал, зардак, чағандар* сўзлари ҳозирги тилимизгача етиб келмаган, *каду шева* (Хоразм диалекти)да сақланган. Навоий қўллаган *зардак* ўрнида ҳозирги тилда *сабзи, чағандар* ўрнида *лавлаги* қўлланади. Ҳозирги вақтда фаол қўлланаётган *тарвуз, ҳандалак, пиёз, турп, қалампир* каби полиз экинлари номлари Навоий асарлари тилида учрамайди.

12. Шоир асарларида *сабза* ва *кўк* сўзлари «умуман кўкат, майса, ўт-ўлан» маъноси учун қўлланган. Ўн икки хил ёввойи ўсимлик номлари мавжуд: *ажриқ, бадалаф, испанд//сипанд, бақли ҳамқо, қамиш, най, лух, меҳригиё(х) //мардумгиё(х), шўра, ҳанзал, заъфарон, хор*. Маданий экинлар ва ёввойи ўсимликлар ичида *сабза, дона, мазраъ* сўзлари кўчма маъноларда қўлланганлиги жиҳатидан бошқалардан ажралиб туради.

13. Навоий «ўсимлик» маъносида қўллаган *қомгоқ, алаф*; «гиёҳ, ўт-ўлан» маъносида қўллаган *набат*; «ўсимлик уруғи» маъносида қўллаган

*тухм, тухмиёна; «бошоқ» маъносида қўллаган хўша сўзлари ҳозирги тилимизда истеъмолда эмас. Шунингдек, кўплаб маданий экин номлари: мазраъ, мазраъа, мазориъ, жав, адас, найшакар, мамуз//момуз, хашхош, банг ва баъзи ёввойи ўсимлик номлари: бадалаф, испанд, бақли ҳамқо, лух, ҳанзал, хор ҳозирги ўзбек тилида бошқа сўзларга алмашган.*

### III БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ФИТОНИМЛАРНИНГ ГРАММАТИК ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фитонимларнинг морфологик белги-хусусиятларига ўсимлик ва унинг ҳосилининг ранг-туси, шакли, ҳажми, тузилиши, умумий ташқи кўриниши, кимёвий белги-хусусиятларига эса ҳид ва таъми киради.

Алишер Навоий асарлари тилидаги фитонимларнинг морфологик хусусиятларини, қандай усулда ясалганини очиб бериш тилшунослик учун муҳим аҳамиятга эга, чунки «Морфологик усул ёрдамида миллий тилдаги бирор мавжуд сўзга бир ва баъзан бирин-кетин бир неча сўз ясовчи аффиксларнинг қўшилиши билан янги сўзлар пайдо бўлади.<sup>125</sup> .

Навоий асарларидаги фитонимлар ўз маъносида ва кўчма маънода қўлланган ҳамда ўзига хос бадий санъатларни ҳосил қилган. Бадийликнинг энг юқори даражада ифодаланиши яширин маъноли сўзларни бадий санъатлар воситасида ишлатишда намоён бўлади. Фитонимларнинг ёритилмаган томонларидан бири бадий восита сифатида лингвоуслубий аспектда, йўналишда таҳлил қилишдир.

#### 3.1.§. Гул компоненти асосида ясалган фитонимлар

Навоий асарлари тилида қайд этилган *гул* лексемасига кўмакчи морфемалар ва сўзлар қўшилиши натижасида ясалган 63 та сўздан фақат 8 таси морфологик усул билан ҳосил қилинган.

Ўсимлик номлари доирасидаги сўзларнинг ясалиш усули (айни морфологик усул) бўйича Навоий асарлари тили ва ҳозирги ўзбек тили қиёсланганда маълум фарқ мавжудлиги кўринади. Г.Неъматованинг қайд этишича, ҳозирги ўзбек тилида морфологик усулда ясалган ўсимлик номлари алоҳида мавқега эга: *«Ўсимлик номлари лексемалари таркибидан катта миқдорда ясама сўзлар ҳам ўрин олган. Бу хазинани бойитишда (от) сифат*

---

<sup>125</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили: I. –Тошкент, 1966. –Б. 192. Яна қаранг: Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. –Тошкент, 1963. –Б. 9-10.; Ўзбек тили грамматикаси: I. –Тошкент, 1975. – Б. 22.



+ -ча), (от) сифат + -ак) ва хусусан, (от + -и) сўз ясаш қолиплари алоҳида мавқега эгадир».<sup>126</sup>

Таҳлиллар натижаси Навоий асарларида *гул* лексемасига морфема ва сўзлар қўшилиб қуйидагича ясама сўзларни ҳосил қилган.

### **1. Гул лексемали содда ясама сўзлар**

Алишер Навоий асарлари тилидаги *гул* лексемасига қўшимчалар қўшилиб, морфологик усулда ясалган содда сўзлар қуйидаги семантик-услубий хусусиятларга эга:

1) **гулзор** – «кўп гулли майдон», «чаманзор» маъносида:

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,

Булбул ўлғондек хазон фасли гулу гулзорсиз. («ХМ», Ia-182)

Бу сўз: а) туркий изофали бирикма таркибида келиб, «чирой», «гўзаллик» маъносини англаган:

Юзи гулзоридин чун вард тергунг,

Не айтай мен, ўзунг инсоф бергунг. («ХМ», 146)

б) форсий изофали бирикма таркибида келиб, «етишиш, эришиш» маъносини ифодалаган:

Рўзи ўлғай то абад беинтиқол,

Қатъ қилган кушқа гулзори висол. («ЛТ», 25-17)

в) форсий изофали бирикма таркибида келиб, «энг гўзал боғ» маъноси учун хизмат қилган:

Сарвға боғ ичра ҳар ён жилва қилмоқ хуштурур,

Соядек невчун ётибдур сарви гулзори Эрам. («ХМ», IIIб-401)

г) форсий изофали бирикма таркибида келиб, «етишиш иштиёқи, муштоқлик» маъносида келган:

Чек наво, эй булбули гулзори шавқ,

Савти алҳонинг келиб асрори шавқ. («ЛТ», 31-3)

2) **гулча** – «гул каби, гулдек» маъносида:

<sup>126</sup> Неъматова Г.Ў. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланиши. Филол. фан. номз... дис. автореф. –Т.,1998. –Б. 13.

Жисмим ўлди гулбун ул гулсиз ва лекин тоза доғ,

Анда гулча касрати гулбун аро яфроғча. («ХМ», Iб-588)

3) **гуллуқ//гулсиз** сўзлари «гулли»//«гулсиз» маъноларида:

Чекти чу хат сабзаси гул уза саф,

Сабзалиқу гуллуқ ўлуб бартараф. («ХА», 168-2)

Жисмим ўлди гулбун ул гулсиз ва лекин тоза доғ,

Анда гулча касрати гулбун аро яфроғча. («ХМ», Iб-588)

4) **гулнорий** – «қизил рангли», «анор гулли» маъносида:

... Фарҳод бирла гулнорий қаср майли қилиб... («ФС», 48)

5) **гулоройлиқ** – «гул билан безашлик» маъносида:

... агар бир байт мазмуни висоли баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири  
финоқ хазонида хор намоийлиқ қилибдурлар. («ХМ», VIб-769)

б) **гулфишонлиғ** – «қизғин суҳбат» маъносида:

Қасри гулгунда гулфишонлиғ этиб,

Сокини базми гулнишонлиғ этиб. («СС», 132-23)

Ушбу байтдаги *гулфишонлиғ* сўзига қофия қилинган *гулнишонлиғ*  
«гулни намоийиш қилиш, кўз-кўз қилиш» маъносидадир.

7) **гулханий** – «ўт ёқувчи» маъносида:

Оташин гулнинг ниҳолисен унут, эй андалиб,

Кулдин ўзга гулханий бистар солурму остида. («ХМ», IVа-17)

*Гулханийи мажнун* форсий изофасида «ошиқликда девона бўлган»  
маъноси ифодаланади:

Чун гулханийи мажнунни шаҳзода ишқи машҳур этти, бу сўз шаҳзода  
кулоғига ҳам етти. («МК», 87)

Демак, Навоий асарлари тилидаги ўсимлик номларидан сўз ясалиши,  
асосан, *-зор*, *-ча*, *-луқ//луғ//луқ* ва *-ий* қўшимчалари воситасида бўлган.

Маълумки, синтактик усул билан қўшма сўзлар ҳосил қилинади.<sup>127</sup>  
Навоий асарларида қайд қилинган 63 та *гул* морфемали сўзларнинг 55 таси

<sup>127</sup> Қаранг: Ҳожиёв А. Кўрсатилган асар, 10-б.; Ўзбек тили грамматикаси: I том. –Т.: Фан, 1975. – Б. 32-33.

синтактик (композиция) усул билан ясалган, асосан, от ва сифат туркумига мансуб сўзлардир.

Навоий асарлари тилидаги *гул* морфемали қўшма сўзларнинг барчаси таркиб жиҳатдан форс тилига мансуб бўлиб, бу сўзларнинг тарихий ясалиш масаласини аниқлаш алоҳида тадқиқотларни талаб қилади.

## 2. *Гул лексемали қўшма отлар*

1) **гулбарг** – «гул япроғи» маъносида:

Чунки гулбарг узра сочилди гулоб,

Наргис очилдики, эрди масти хоб. («ЛТ», 91-16)

Бу сўз «чирой, кўркам юз» кўчма маъносини ҳам ифодалаган:

Энгим гулбаргидин бўлганда маҳзун,

Юзунг гул-гул қилурму ашки гулгун? («ФШ», 123)

2) **гулбез** – «гул ҳидини сочувчи нарса» маъносида:

Боғ аро эрдунгмуким, бу кеча гулбез эсти ер,

Бода ичтингмуки, беҳад ишратангез эсти ел. («ХМ», IVб-397)

3) **гулбонг** – «фарёд чекиш, хушовоз билан сайраш» маъносида:

Баҳор андоқки, булбул гулзори тоза истармен,

Ки ул гулбонг ила ўзни баланд овоза истармен. («ХМ», IVа-285)

Бу сўз *чекмоқ* кўмакчи феъли иштирокида аналитик шакл ҳосил қилиб «нола чекмоқ, сайрамоқ» маъносида ҳам қўлланган:

Бу чаманнинг гулларига йўқтур, эй булбул, вафо,

Авло улким, айласанг гулбонг чекмакликни бас. («ХМ», Iб-255)

4) **гулбор** – «гул ёғдирувчи нарса» маъносида:

Насими субҳ ўлур боғ ичра гулбор,

Бўлуб боғ оташин гул бирла гулнор. («ФШ», 49)

5) **гулбун** – «гул тупи» маъносида:

Войким, бир гул хазонға солди айшим гулбунин,

Ушбу фасл ичраки, топмиш жумлаи олам баҳор. («ХМ», Iа-152)

Бу сўз *гулбун нишин* бирикмаси таркибида «гўзал маҳбубага топиниш» тушунчасини юзага чиқаришда иштирок этади:

Маскан учун бўлди чу гулбун нишин,  
Жонимға ўт ёкти гули оташин. («ҲА», 112-2)

б) **гулгашт** – «гул сайри», «фароғат» маъносида:

Ганж узра аёғингға мурур ўлди ғурур,  
Гулгашт эта гулшанда ҳузур ўлди ғурур. («НЖ», XV-30)

7) **гулдаста** – «гул боғлами», «бахтлилик мажмуаси» маъносида:

Мақсуд шабоб гулбунининг тоза гулдастаси дурур. («В», 719)

8) **гулдастабанд** – «алломалар», «шоирлар», «илм аҳли» маъносида:

Назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин назм тузгуча гул иликлай  
олмай йўл тутуптурлар. («МЛ», 21)

9) **гулжабин** – «гулпешона, очик пешона» маъносида:

Гулжабинин кўзга кўп суртар эсам, айб этмангиз,  
Нечаким бир гулжабинликдин берур ҳар лаҳза ёд. («ХМ», IVб-122)

10) **гулистон** – «гулзор, гулбоғ, чаманзор» маъносида:

Гунча бориб тоза гулистон келиб,  
Зарра бориб меҳри дурахмон келиб. («ҲА», 26-2)

Бу сўз кўчма маънода: а) «оромгоҳ» маъносини англатади:

Ки анҳоридин мулки Зобулистон,  
Бўлуб зебу зийнат аро гулистон. («СИ», 27161);

б) «яшнаган жой, бахт маскани» маъносини билдирган:

Хосса ки гулум хазонға тушти,  
Дай ели бу гулистонға тушти. («ЛМ», 92619)

АНАТИЛда «Маҳбуб ул - қулуб»дан олинган «Ҳақ субҳону ва таоло барча толиби ниёзмандларға... ул гулистондин нафҳа ва ул раёҳиндин шаммаи насиб қилсун» («МК», 70) жумласидаги *гулистон* сўзи «иноят, ҳиммат, саховат» маъносида қўлланганлиги айтилади, аслида бу жумладаги *гулистон* сўзи «хазина жойи, бойлик ва гўзаллик маскани» маъносини ифодаламақда.

11) **гулмих** – «қалпоқдор, тиканли миҳ» маъносида:

Чоклик кўксум эшиқдур, жисм уйи байт ул-хазан,

Ул эшикнинг халқасидур наълу гулмихи туқан. («ХМ», Пб-506)

12) **гулнор** – «анор гули», «қизил ранг» маъносида:

Бу ҳурмат бирла эрмас оташин гул оқ гул эрдиким,

Юзунг барқидин ўт тушти ангаким, бўлди гулнори. («ХМ», Іб-643)

Бу сўз: а) феълнинг аналитик шаклини ҳосил қилишда катнашиб (гулнор айламоқ) «қизартирмоқ» маъносини юзага келтирган:

Майи гулгун юзунгга шуъла солиб,

Ул гулунгни бу гул айлаб гулнор. («ХМ», IVа-401);

б) форсий изофа (*гулнори ҳарир*) таркибида «қизил» маъносида қўлланган:

Келиб ул ким ҳарири гулнори,

Ҳулла анинг юзида зангори. («СС», 54-7)

13) **гулоб** – «атиргул суви, хушбўй ичимлик» маъносида:

Соқиё, лаъл уза хай кўрубон беҳудмен,

Майга мамзуж гулоб айлаб, они юзума соч. («ХМ», IVб-105)

Бу сўз «кўз ёши» маъносида ҳам қўлланган:

Чекиб афғон, олиб қўйниға бошин,

Юзига ул сифат ёғдурди ёшин.

Ки ул янглиғ гулоб урғач юзига,

Очиб бедил кўзин келди ўзига. («ФШ», 171)

14) **гулобомез** – «гулоб аралаштирилган суюқлик» маъносида:

Гул юзига хай тушуб, лаълиға кўнглум қилди заъф,

Бўйлаким, заъф айламиш қанди гулобомездин. («ХМ», IVб-471)

15) **гулобхона** – «гулоб чиқариладиган жой, гулоб сақланадиган хона» маъносида:

Гулобхонадағи гул киби сўлуб жисми,

Қилиб гулоб киби тернинг ўртасида шиноҳ. («ХМ», IVб-471)

16) **гулрез** – «мушакнинг осмондаги гул шакли» маъносида:

Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтинки чектим тез,

Ул ўт шароралари бўлди ҳар тараф гулрез. («ХМ», Іб-233)

Бу сўз *айламоқ* кўмакчи феъли билан аналитик шакл ҳосил этиб, «гул сочмоқ» маъносида ҳам қўлланган:

Азимат кўйига тез айланг охир,

Анинг бошиға гулрез айланг охир. («ФШ», 165)

17) **гулфишон** – «яхши ҳид, атир» маъносида:

Ёғлиғи нақшики, бўлуб гул нишон,

Савсану гул узра бўлиб гулфишон. («ҲА», 115-16)

18) **гулхан** – «ўт, олов» маъносида:

Гарчи гулхан кули макони анинг,

Лек дўзах ўтида жони анинг. («СС», 84-26)

Бу сўз «ўтхона, ўт ёқиладиган жой» маъносида ҳам қўлланган:

Мудбир такаббур натижасидин шаҳар гулханида мақом тутуб... («МК»,

83)

19) **гулчин** – «гул терувчи шахс, боғбон» маъносида:

Фикринг чаманида кўп раёҳин,

Лек бўлуб анда халқ гулчин. («В», 717)

20) **гулшан** – «гулбоғ, чаманзор боғ» маъносида:

Кўнглума ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур,

Кўзума сенсиз гулафшон боғи хор афшон эрур. («ХМ», Па-103)

Бу сўз куйидаги кўчма маъноларда ҳам қўлланган:

а) «обод жой, зийнатли маскан» маъносида:

Эл кўзини партави равшан қилиб,

Бал қаро туфроғни гулшан қилиб. («ҲА», 41-11)

б) «шод, хурсанд; шодлик, хурсандлик» маъносида:

Меҳредур толеъ, маҳзун хотиралар хористони андин гулшан. («МК»,

90)

в) «ёруғ, чароғон» маъносида:

Рухул аминнинг улвий хироми афлок шабистони юзи баҳоридин гулшан. («МК»,3)

г) «севикли ёр, маҳбуба» маъносида:

Лек ёдингдин чикиб ўз масканинг,

Шаҳ қошинда жилва айлар гулшанинг. («ЛТ», 30-15)

д) «туркий тил» маъносида:

Назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар. («МЛ», 21)

ж) *гулшани аслий* форсий изофа таркибида «у дунё, бошқа олам» маъносида:

Чун бу кушқа рихлат оғоз ўлғуси,

Гулшани аслийға парвоз ўлғуси. («ЛТ», 8-2)

з) *гулшани биҳишт* изофали бирикма таркибида «жаннат гулзори» маъносида:

Кулагач юзлук хуш ахлоқким, нифоқ кудуратидин бўлғай йироқ, гулшани биҳишт эрур жилвагоҳ. («МҚ», 135)

и) *гулшани давлат* изофали бирикма орқали «тараққий этган давлат» маъносида:

Етса-ўқ ул пўяда жисминг туши,

Билгил ани гулшани давлат куши. («ҲА», 161-13)

й) *гулшани даҳр* изофали бирикмаси «ҳаёт, олам» маъносида:

Гулшани даҳр ичра ки ҳар бевасар,

Бор эди наргис киби кўтаҳ назар. («ҲА», 148-3)

к) *гулшани мийно* форсий изофаси таркибида «осмон» маъносида:

Қил ҳаво ул гулшани мийно сори,

Майл кўргуз ул гули ҳумро сори. («ЛТ», 31-8)

л) *гулшани тавфиқ* форсий изофаси таркибида «поклик» маъносида:

Гулшани тавфиқдин эсган насим,

Кўнглига таъсир этиб эрди азим. («ЛТ», 89-10)

м) *гулшани тажрид* форсий изофада «ёлғизлик» маъносида:

Ким анингдек водийи тавҳид аро,

Гулшани тажрид ила тафрид аро. («ЛТ», 166-4)

н) *гулшани фирдавс* форсий изофада «жаннат гулзори» маъносида:

Пок рухларининг қудсий ошён булбули рихлат навосин оғоз қилиб, гулшани фирдавс ҳавосиға парвоз қилди. («ХМ», 695)

Шунингдек, *гулшан* сўзи *этмоқ*, *қилмоқ* кўмакчи феъллари билан аналитик шакл ҳосил қилиб, «гулзор *этмоқ*» ва «чаманзор *қилмоқ*» маъноларида қўлланган:

Ҳар кимки, муҳаббат уйини маскан этар,

Кўнглига ҳабиб кўйини гулшан этар. («НЖ», XV-27)

Эй кўнгулни ишқидин равшан қилиб,

Ҳажр хористонини гулшан қилиб. («ЛТ», 198-14)

21) **гулқанд** – «гул япроғи ва шакардан қилинадиган ширинлик» маъно-сида:

Халқ учун махлут этиб гул бирла қанд,

Табъға гулқанд янглиғ судманд. («ЛТ», 18-14)

22) **гулдаста** – «гул боғлами, бахтлилик мажмуаси» маъносида:

Мақсуд шабоб гулбунининг тоза гулдастаси турур. («В», 719)

23) **гулобпош** – «май сотувчи, соқий» маъносида:

Кўп киши ерга обпош ўлди,

Кўпдин ози гулобпош ўлди. («СС», 917)

### **3. Гул лексемали сифат ва равишларнинг ясалishi ва қўлланиishi**

Маълумки, мумтоз шеърятда тилга бадий кўтаринки руҳ бериш ва, айниқса, лирик тасвир таъсирчанлигини ошириш учун сифатлаш ва ўхшатиш санъатлари кўп ишлатилган. Бунда сифат ва равиш сўзларнинг алоҳида ўрни бор. Алишер Навоий асарлари тилида ҳам ижобий маъноли *гул* сўзи ва бу сўз воситасида ҳосил қилинган кўшма сўз ва сўз бирикмалари бадий тасвирда ўзига хос вазифа бажарган.

1. **Гуландом** – «гул бичим, нозанин, хушбичим» маъносида:

Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,

Бори ҳам сарвқомат, ҳам гуландом. («ФШ», 128)

Бу сўз *сарви гуландом* бирикмасида «гул қоматли маҳбуба, гўзал ёр» маъносида қўлланган:



Сарву гулга боғ аро дерменки, айлай жон фидо,

Токи жоним қасди бир сарви гуландом айламиш. («ХМ», Па-144)

2. **Гулафшон** – «гулдек очилиб турувчи, чаросдек» маъносида:

Бу ҳазратким, бу мажлис аҳлининг садрнишинидурлар... гулшани  
табълари гулафшон ва суманбез, сархайлға вусули илоҳий етсун. (I, 413)

3. **Гулбўй** – «атиргул хидли, хушбўй» маъносида:

Сокиё, тут манга гулбўй қадах,

Халқ кўнглидин аламшўй қадах. («ХМ», IVб -694)

4. **Гулгун** – «қизил, пуштиранг» маъносида:

Туна кундин такаллуф ўлди фузун,

Гулжабинлар тутуб майи гулгун. («СС», 132-22)

5. **Гулгуна** – «упа-элик, зийнат» маъносида:

Гулгуна чекарга қилсам оҳанг,

Зам айлай анга бу чехрадин ранг. («ЛМ», 9369)

Бу сўз «қизил, қип-қизил» маъносида ҳам қўлланган:

Хаёлинг ҳуснига кўнглумда зийнат берса ҳижронинг,

Эрур гулгуна қон машшота ишқу кўзгу пайкониинг. («ХМ», Iб-377)

6. **Гулгунпўш** – сўзи *этмоқ* кўмакчи феъли билан «қип-қизил қилмоқ»

маъносида:

Ҳам этти нофаи мушкунг қамарни машк давож,

Ҳам этти гулшани лутфунг шафақни гулгунпўш. («ХМ», IIIб-246)

7. **Гулкирдор** – «гул каби, гулдай, гулга ўхшаш» маъносида:

Номудор ичра гулкирдор бўлса,

Такаллум ичра булбулвор бўлса. («ФШ», 212)

8. **Гулмонанд** – «гулга ўхшаш, гул монанд» маъносида:

Ўзи гулрангу гулмонанд зоти,

Бўлуб Гулгун халойиқ ичра оти. («ФШ», 111)

9. **Гулноргун** – «гулнор (қизил) рангли» маъносида:

Алар гулноргун қаср ичра гулпош,

Кўтармай лаългун майдин дами бош. («ФШ», 49)

10. **Гулогин** – «гул билан безатилган, гулдор» маъносида:  
Дегайлар сарв кадду хилъатингни,  
Ва лекин сарв ким кўрмиш гулогин. («ХМ», Iб-464)
11. **Гуломез** – «гул ҳидли» маъносида:  
Не тароватдурур ул юздаки, хайдин қилмиш,  
Гулни шабнамзада, шабнамни гуломез яна. («ХМ», IIIб-556)
12. **Гулпош** – «гул сочувчи» маъносида:  
Елга рухсору танинг очиб, магар бердинг ҳаёт,  
Ким умид аҳлиға гулпошу самандбез эди ел. («ХМ», IVб-397)
13. **Гулранг** – «гул тусли; қизил» маъносида:  
Нома ёзған чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,  
Оқ варақ гулранг бўлди, токи сочти қон кўзум. («М», 148)
14. **Гулрух** – «гўзал юзли, сулув» маъносида:  
Чу гул термакка ул сарви гуландом,  
Кўяр гулшанда гулрухлар била гом. («ФШ», 160)
15. **Гулрухсор** – «гул юзли, гўзал» маъносида:  
Мен не қилғоймен анга лойиқ, магар минг сарву гул,  
Олиб озод эткамен ул сарви гулрухсор учун. («ХМ», IIа-286)
16. **Гулрўй** – «гул юзли, гўзал, чиройли» маъносида:  
Гулбун ўлди пасту сарв асру бийик, биллаҳки, бор,  
Сарви гулрўйим қадининг эътидоли ўзгача. («ХМ», IIа-313)
17. **Гулфом** – «гул ранг, қизил ранг» маъносида:  
Ҳар қачон ул қилиб нишотқа азм,  
Тузса гулфом қасри саҳнида базм. («СС», 128-8)  
Бу сўз *айламоқ* кўмакчи феъли билан аналитик шакл ҳосил қилиб,  
«қизартирмоқ, қизил тусга киритмоқ» маъносида ҳам қўлланган:  
Дайрни қилмиш кўзумга гулистон, эй муғбача,  
Ул майи гулгунки, рухсорингни гулфом айламиш. («ХМ», IIа-144)
18. **Гулҳад** – «гўзал жамол, гул юз» маъносида:  
Ҳам аввал кунда берди сарви гулҳад,

Атоға ҳадяи таълими абжад. («ФШ», 35)

19. **Гулчехра** – «чехраси гулдай, соҳибжамол» маъносида:

Топмадим гулчехралардин шаммаи бўйи вафо,

Эй Навоий, нечаким елдек таку пўй этмишам. («ХМ», Ia-297)

Бу сўз *гулчехраи хуршедваш* форсий изофада катнашиб, «куёшга ўхшаш гўзал» маъносини ифодалайди:

Ўзи бир тахт устида Жамшедваш,

Ёнида гулчехраи хуршедваш. («ЛТ», 116-3)

20. **Гулшакар** – «ширин, мазали, лаззатли» маъносида:

Хору қамишнинг тубидин лукмахўр,

Лек бериб таъм анга гулшакар. («ҲА», 101-8)

21. **Гулшанвор** – «чаманзордай, гулшан каби» маъносида:

То берай, кўнглум ўлиб гулшанвор,

Кўзга шаҳзода юзидин анвор. («НМ», IVб-694)

22. **Гульзор** – «гўзал юзли, соҳибжамол» маъносида:

Кирди сиймобий либос ичра яна ул гульзор,

Ул куёшдекким, анга монёъ бўлур абри баҳор. («ХМ», Ib-169)

Маълумки, сифат ва равишлар белги билдирувчи сўзлар бўлгани сабабли, бир тушунча доирасидаги турли нозик маъно қирраларини ифодалашга хизмат қилувчи маънодош (синоним) сўзлар ҳосил қилиш учун қулайдир.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Алишер Навоий ўз асарларида *гул* морфемали сифат ва равишлар доирасида ҳам маънодош сўзлардан унумли фойдаланган. Кўрсатиб ўтилган мисолларда *гулгун*, *гулгуна*, *гулноргун*, *гулранг*, *гулфом* сифатлари Алишер Навоий ва ҳозирги ўзбек тилидаги «қизил» (яъни «гулранг») маъносини турли жиҳатдан ифодалаётган маънодош сўзлардир.

Шунингдек, *гулрух*, *гулрухсор*, *гулрўй*, *гулхад*, *гулчехра*, *гульзор* сифатлари ҳозирги ўзбек тилидаги *чиройли* (Навоийда *чиройлик//чиройлиқ//чиройлиғ*), *сулв* сўзлари маъносининг нозик маъно

кирраларини ифодалаётган маънодошлардир. (Ҳозирги тилимиздаги *гўзал* сўзи Навоий асарлари тилида қайд қилинмаган). Навоий байтларидаги *гулбўй*, *гуломез* ҳозирги «хушбўй» маъносидаги, *гулқирдор*, *гулмонанд* эса «гулга ўхшаш» маъносидаги сўзлардир.

Алишер Навоий асарлари тилидаги гул морфемали сифат ва равиш сўзларнинг маънодошлиги ва ҳозирги ўзбек тилига муносабатини қуйидаги жадвал орқали кўрсатамиз:

3.1.-жадвал

<i>Алишер Навоий асарлари тилидаги маънодош қаторлар</i>	<i>Ҳозирги ўзбек тилидаги доминант маъно</i>
гулгун гулгуна (2-маъноси) гулноргун гулранг гулфом	«қизил»
гулрух гулрухсор гулрўй гулхад гулчеҳра гулўзор	«чиройли», «сулув»
Гулбўй Гуломез	«хушбўй»
гулқирдор гулмонанд	«гулга ўхшаш»

Умуман, Навоий маъшуқанинг ўзини *гул* лексемали от, сифат, равишлар билан тасвирлайди ва шеърларида *гулрух*, *гулрухсор*, *гуландом*, *гулрў*, *гулчеҳра* сўзлар «маъшуқа» тушунчасини англатади. Сифатларнинг бу каби отга кўчиш ҳодисаси (субстантивация ) шоир ғазалларида жуда кўп учрайди. Бу шеърятни сўз ва сифатларга бойитишнинг бир усулидир.<sup>128</sup>

### 3.2.§. Фитонимларнинг деривацион хусусиятлари

Навоий асарларидаги фитонимлар грамматик тузилишига кўра учга бўлинади: содда, қўшма ва таркибли. Содда фитонимлар тадқиқотнинг

<sup>128</sup> Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б.183.

иккинчи бобида алоҳида кўрсатилганлиги учун бу бўлимда ясама ва кўшма фитонимлар таҳлил этилади. Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, ясама фитонимлар морфологик ва синтактик усулда ясалган.

*Арғувон* сўзидан ясалган *арғувонгун*, *арғувоний* сўзлари (-гун, -ий) «қизил тусли, қизил рангли» маъноларида қўлланган:

Арғувонгун юз бинафша ранги хат жоним олур,

Хилъати бўлсун онинг гар арғувоний, гар бинафш. («ХМ», IVб-271)

Арғувоний тўн била то жилва қилдинг, ваҳки, бор,

Ҳайратингдин арғувон шоҳиға ҳар яфроғ доғ. («ХМ», Пб-303)

Байтларда *арғувонрез* ясама сўзи (-рез) «қонли кўз ёши тўкувчи» маъносини ифодалайди:

Юз узр ила кўпти сарви навхез,

Наргисларин айлаб арғувонрез. («ЛМ», 8862)

*Арғувонҳад* ясама сўзи эса (-ҳад) «қизил юзли» маъноси учун қўлланган:

Кейнида неча каниз ҳамқад,

Борча гулрух арғувонҳад. («ЛМ», VIII-37)

*Лола* сўзидан *-зор* ва *-истон* кўшимчалари ёрдамида ясалган сўзлар «лолазор, лола ўсган жой» маъносида қўлланган:

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг,

Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар. («ХМ», IIIб-144)

Гар юзи май тобидан гул-гул эрур қон ёшим,

Юз уза тим-тим томиб, лоласитон бўлдило. («ХМ», IIIб-574)

*Лолазор* сўзи туркий изофали бирикма таркибида «назокат», «гўзаллик» маъноси учун қўлланган:

Эй лутф жаҳонининг баҳори,

Юзунг бу баҳор лолазори! («ЛМ», 81a20)

*Лола* сўзи ва *айламоқ* кўмакчи феълидан ҳосил қилинган аналитик шакл «хол-хол қизартирмоқ» маъносини ифодалайди:

Лолагун гўрни шикор айлаб,

Қонидин ерни лолазор айлаб. («СС», 180-5)

*Лолазор* ва *этмоқ* сўзлари воситасида ҳосил қилинган феъл аналитик шакли «қонатмоқ» маъносини англатган:

Юзни тирноғ ила фигур этган,

Барги насринни лолазор этган. («СС», 91-26)

Шоирнинг байтларида *лолавор*, *лолагун*, *лолафом* ясама сўзлари (-*гун*, -*вор*, -*фом*) «лоладек қизил», «қизил ранг», «лола каби» маъноларни ифодалаши билан маънодош сўзлар сифатида намоён бўлади:

*Лоларух* ва *лоларухсор* ясама сўзлари (-*рухсор*) «лолага ўхшаш қизил юзли», гўзал маъшуқа» маъноларини англатган:

Лоларухлар васлида юз йил киши қилса нашот,

Бир замонлиғ билки, доғи фурқатиға арзимас. («ХМ», IVб-228)

Лолалар кўнглумга қонлиғ доғлардур, навбаҳор,

Ким ватанга лоларухсорим азимат қилмади. («ХМ», Ia-434)

***Наргиз*** сўздан -*зор* қўшимчаси билан ясалган *наргисзор* «наргислар ўсган жой, наргисзор» маъносини англатади:

Сен қаро ер узра хоболуд кўзга сув уруб,

Кўз етарча ерни ул сув бирла наргисзор қил. («ХМ», Ib-406)

Бу сўздан ясалган *насринфом* (-*фом*) «насрин рангли, насрин гулдек» маъносини ифодалайди:

Кумушдек рангги насринфом онинг,

Кумушдин гунчадек андоми онинг. («ФШ», 112)

Бу сўздан ясалган а) –зор: *нилуфарзор* – «нилуфарлар ўсган жой» маъносида:

Нилуфар юзиға шабнам сочқучи ҳам ул,

шабнам суйидин нилуфарзор,

балки гулистони Эрам очқучи ҳам ул. («МҚ», 2);

б) –гун: *нилуфаргун* – «нилуфар рангли» маъносида:

Нилуфаргун либос бирлан шох,

Қасри нилуфар этти манзилгоҳ. («СС», 1089);

в) –вор: *нилуфарвор* – «нилуфар каби, нилуфардек» маъносида:

Нилуфарвор сўгвор эрди,

Нилуфар ичра ашкбор эрди. («СС», 1095)

**Савсан** сўзидан ясалган *савсаний* – «савсан ранг, сапсар рангли»

маъносини ифодалайди:

Ичкали гулранг май наргис масаллик жоми бор,

Савсаний тўн бирла улким сарвдек андоми бор. («ХМ», IVa-101)

**Суман** сўзидан ясалган куйидаги ясама сўзлар турли маъноларни

англантишга хизмат қилган:

а) - без: *суманбез* – «хушбўй ҳид тарқатувчи»:

Елга рухсору танинг очиб, магар бердинг ҳаёт,

Ким умид аҳлиға гулпошу суманбез эсти ел. («ХМ», IVб-397)

...гулшани таълари гулафшон ва суманбез сархайлға вусули илоҳи  
етсун. («МН», 135);

б) –бўй, *суманбўй(й)* – «суман каби хушбўй», «ёқимли маҳбуба»:

Навойи риштаи фикри чекар маъни суманбўйин,

Хуш ул тожирки, Юсуф чехра кўргузай танобидин. («ХМ», Iб-179)

Эй мусулмонлар, ўларменким, эрур,

Асру ул сарви суманбў раъно. («ХМ», IIIa-23)

в) –со, *сумансо(й)* – «суманга ўхшаган, суман каби»:

Ҳам субҳ шамомаси сумансо,

Ҳам шом насими сунбулосо. («М», XIII-88)

Куйдуруб кўнглум, кўзумни тийра қилди, то анга,

Юз ўти барги суман, зулфи сумансо бўлди дуд. («ХМ», IVб-65);

г) –бар, *суманбар* – «оқбадан, гўзал маҳбуба»:

Олди чун илгига ул ҳури суманбар кўзгу,

Аксидин қилди аён руҳи мусаввар кўзгу. («ХМ», IIб-518)

Ким, ғам ема эй гули суманбар,

Зулфунг сочиб ул юз узра анбар. («ЛМ», 71a-7)

**Сумбул** сўзидан ясалган сўзлар куйидаги маъноларда қўлланган:

а) –истон, *сунбулистон* – «сунбулзор, сунбуллар ўсган жой»:

Олам аҳлининг вафосизлиғларидин чексам оҳ,

Сунбулистон айлағай юз гулшану бўстонни дуд. («ХМ», Іб-143)

б) –осо, *сунбулосо* – «сунбулга ўхшаш»:

Ҳам субҳ шамомаси сумансо,

Ҳам шом насими сунбулосо. («М», ХІІІ-88)

в) –омиз, *сунбуломез* – «сунбулли, сунбул аралаш»:

Ки сен мундин бурун хоманг қилиб тез,

Суман баргини қилдинг сунбуломез. («ФШ», 291)

**Руммон** сўзига арабча сўз ясовчи *-ий* қўшимчаси қўшилиб, «анорранг – кип-қизил, тўқ қизил» маъносида қўлланган:

Заҳмлиқ кўнглум лабинг шавқида бўлмиш қон аро,

Лаъли руммоний била ёқути аҳмар кўнглидек. («ХМ», Па-182)

Алишер Навоий асарлари тилида *сарв* лексемасидан ясалган бир неча ясама ва қўшма сўзлар мавжуд бўлиб, улар қуйидаги маъноларда қўлланган:

1) –бун, *сарвбун* – қадди-қомати келишган, хушқомат»:

Бор эди бир ўғликим, чархи кўхун,

Кўрмамиш эрди онингдек сарвбун («ЛТ», 115-14);

2) –бўйлик, *сарвбўйлуқ* – «сарвга ўхшаш қоматли», хушқомат»:

Танимай деди: Менинг ёрим қани?

Сарвбўйлуқ лола рухсорим қани? («ЛТ», 120-10);

3) –сифат, *сарвсифат* – «сарвга ўхшаш тик қоматли»:

Тузлук таърифидаким даҳр бўстонининг сарвсифат озодавашларининг писандидароқ шевасидурур. («СИ», 290б-14)

4) –қад, *сарвқад* – «сарвқомат, келишган маҳбуба»:

Дўстлар, ул сарвқад ҳажринда чун бўлдум қатил,

Сарв экинг, гар қўймоқ истарсиз мазорим узра мил. («ХМ», Шб-375)

5) –қадлик, *сарвқадлик* – «сарвқоматли»:

Сарвқадлик гулжабинлик дўстнинг айвонида,

Бўлмоғум не гул била, не сарви раъно бирла дўст. («ХМ», Шб-87)



б) –қомат, *сарвқомат* – «хушқомат, қадди-қомати келишган»:

Бера олмас эсанг ўзунгга суқун,

Дейки бир сарвқомати мавзун. («СС», 1125)

7) –қоматлиғ, *сарвқоматлиғ* – «хушқоматлик, гўзал қоматлик»:

Ҳам гулистон базми ичра сарвқоматлиғ гули,

Ҳам шабистон базми ихёсида шамъи анвари. («ХМ», 16-683)

8) –истон, *сарвистон* – «сарв дарахтлари ўсган жой»:

Кичик бирла улуғлар сон ичинда,

Нечукким, сабза сарвистон ичинда. («ФС», 98)

Кўринадики, *сарв* ижобий оттенкали сўз бўлганидан, ундан ҳосил қилинган ясама ва қўшма сўзлар ичида фақат биттаси (*сарвистон*) ўрин-жой маъносидаги сўздир, бошқалари эса (еттитаси) белги билдирувчи сўзлар бўлиб, бадий тасвирда ўхшатиш санъати учун хизмат қилган.

**Боғ** лексемасидан ясалган *боғбон* ва *боғбонлиқ* сўзлари «боғда хизмат қилувчи шахс» ва «боғбонлик касби» маъноларида қўлланган. (I, 326)

**Сандал** лексемаси асосида ясалган бир неча сўз бўлиб, улар Навоий асарларида қуйидаги маъноларда қўлланган:

1) –осо, сандалосо//сандалсо – «сандал дарахти каби»:

Соясидин су гарчи анбарфом,

**Сандалосо** топиб исини машом. (III, 39)

2) –бу, сандалбу//сандалбўй – «сандал исли»:

Кийдуруб хилъат анга тў бар тў,

Борча сандалнасиму **сандалбўй**. (III, 39)

3) –ий, сандалиий – «сандал ёғочидан ясалган курси»:

Кўп суруб қилди **сандалиий** таъйин,

Тахт олида топти ул таскин. (III, 39)

4) –гун, сандалгун – «қорасариқ ранг»:

Ярағон ранг, балки сандалгун. (III, 39);

5)–насим, сандалнасим – «хушбўй, ёқимли шабада»:

Кийдуруб хилъат анга тў бар тў,

Борча **сандалнасиму** сандалбў. (Ш, 39)

б)–ойин, сандалойин – «сандал дарахтига ўхшаш»:

**Сандалойин** эв ясаб, элдин кўрарсен сарзаниш,

Ким бу янглиғ кўрди сандалники, еткургай судоь. (Ш, 39)

7) –пўш, сандалпўш – «қорасариқ рангли кийим:

Ким анга қилмиш эрди ғорати хуш,

Бути сандал насими **сандалпўш**. (Ш, 39)

8) –фом, сандалфом – «сандал ранг-қорасариқ ранг»:

Ичибон тахт сари қилди хиром,

Тутти маҳвашға жоми **сандалфом**. (Ш, 39)

**Барг** лексемаси воситасида ясалган сўзлар қуйидаги шакл ва маъноларда қўлланган: *баргваш* – «япроғсимон, баргга ўхшаш»: *барглик* – «баргли», *баргррез* – «хазон даври, куз»:

Бу сўз «омадсизлик» маъносида ҳам қўлланган:

Агар гоҳи умиди бўстони хазондин баргррезга қолганларни журъа била ёд қилса, камоли куёшидин зарраи кам бўлмағай. («М», 92);

*баргррезон* – «хазонрезгилик даври, куз»:

**Хино** сўзидан ясалган *хинолиғ* сўзи «хина билан бўялган» маъносини ифодалайди: Ўйладурким, илгини ҳинно уза қилмиш нигор («ХМ», Iб-271)<sup>129</sup>

*Хино* сўзидан ясалган *ҳиноранг* қўшма сўзи «хина рангли: қизил» маъносида қўлланган: Бўлуб бармоғлари қондин хиноранг. («ФШ», 169)

**Момуғ** сўзидан ясалган *момуғлуғ* сўзи «пахтали» маъносида қўлланган:

Захмлар устида марҳамға момуғлуғ қиладур. («ХМ», IVб-261)

**Афюн** сўзидан ясалган *афюний* сўзи «гиёҳванд» маъносини англатган: Афюний ва банги – одамийлар нанги. («МК», 139)

**Банг** сўзидан ясалган *банги* сўзи «нашаванд, банги» маъносида қўлланган:

Этиб юз жавҳари покизани хок,

<sup>129</sup> АНАТИЛда бу сўз икки хил шаклда (бош товуши х билан ва ҳ билан), икки ўринда берилган: *хино* (Ш, 396), *ҳино/ҳинно* (IV, 182). Биз биринчисини тўғри деб ҳисоблаймиз.

Ки андин бангие бўлғай фараҳнок. («ФШ», 22563)

*Доно* сўздан ясалган *донарез* сўзи «дон сочувчи шахс» маъносида қўлланган: Басе эл бўлуб том уза донарез. («СИ», 30868)

*Хўша* сўздан ясалган *хўшачин* сўзи «бошоқ терувчи шахс, бошоқчи» маъносида қўлланган: бу жамоатнинг резачини ва хўшачини хирмани тутарбиз. («МН», 92).

*Сабз* сўздан ясалган:

1) –зор, сабззор «майсазор, кўкаламзор» маъносида:

Чашмаси бирла меҳри оламтоб,

Қилди кўк сабззорини сероб. («СС», 1031);

2) –пўш, сабзпўш «кўк либосли, кўкка бурканган» маъносида:

Ул эрур шоҳи сабзпўш ғизи,

Ки куёш кўҳлидур аёғи изи. («СС», 118-8);

3) –ранг, сабзаранг «яшил ранг» маъносида:

Равон бир шўхи сабзоранг ҳар ён,

Тутуб бир жоми мийноранг ҳар ён. («ФШ», 45)

Борур чоғда минг жодуйи сабзранг,

Валекин келиб борчаси аҳли занг. («СИ», 273a11);

4) –лиғ, сабзалиғ «яшиллик, яшил ранглик» маъносида;

Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,

Сабзалиқу гуллуқ ўлуб бартараф. («ХА», 211)

Бу сўздан ясалган феъл «униб чиқмоқ, унмоқ» маъносини ифодалаган:

Мазраи айшим кўкармайдур самуми оҳдин,

Йўғса ёшдин мунча намким менда бордур, кимда бор. («ХМ», Па-84)

Кўкартурга муҳаббат даштин ашким ямғури бирла,

Ҳар оҳим дудидин кўк бир баҳоройин саҳоб айлар. («ХМ», Па-107)

*Савсан* сўздан ясалган *сипандон* сўзи «исирикдон, исирик тутатадиган идиш» маъносини билдиради:

Кўкартиб шуълалиқ ўтдин сипандон,

Осиб ўргамчи тори бирла сандон. («ФШ», 38)

**Қамиш** сўзидан ясалган *қамишлиқ* сўзи «қамишзор» маъносида қўлланган:

Қамишлиқ ичра чун ўт тушти ногоҳ. («ФШ», 510)

**Най** сўзидан ясалган *найбаст* сўзи «чайла, қамишдан ясалган қапа» маъносида қўлланган.

Яна кўрәсини найбаст этиб,

Не айрилғанин барча пайваст этиб. («СИ», 1291)

*-истон* қўшимчаси орқали ясалган *найистон//найситон* ясама сўзи «қамишзор» маъносини ифодалаган:

Новакнинг касрати кўнгул ичида,

Ўйлаким, найситон ичида қамиш. («ХМ», Пб-270)

**Шўро** сўзидан ясалган *шўразор* сўзи «шўра битган жой», шўрапушт «шўралаган» маъносида қўлланган:

Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,

Ғайри ғадр аҳли не бўлғай олами ғаддор аро. («ХМ», Iб-42)

Малоҳат оғзинга гар писта солсаким олсун,

Ки борғусидур шўрапушту оғзи очуқ. («ХМ», IIIб-322)

Худди шунингдек, **зафарон** сўзидан «сарғайган, синиққан» маъносида *заъфароний* ясама сўзи ҳам ишга солинган:

Заъфароний юзда гулгун ашк тўкмак не осиг,

Ишва кўрган даҳр боғининг гули раъносидин. («ХМ», Iб-456)

*Заъфаронзор* ясама сўзи «заъфарон экилган боғ», «ишқдан сарғайган юз» маъноларини англатади:

Кўрма сориг баргу, қил наззора рухсорим сари,

Қўй хазон боғин, гузар қил заъфаронзорим сари. («ХМ», IVб-621)

**Хор** лексемасидан ясалган *хорафшон* ва *хористон* сўзлари «тиканли жой, тиканзор» маъносида қўлланган:

Кўнгулма ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур,

Кўзума сенсиз гулафшон боғи хорафшон эрур. («ХМ», Пб-183)

Эй кўнгулни ишқидин равшан қилиб,

Ҳажр хористонини гулшан қилиб. («ЛТ», 198-14)

*Хорбаст* ясама сўзи -*баст* «тиканли тўсиқ, тиканакли ғов» маъносида қўлланади:

Гар шафоатқа малойик келса номахрам дебон,

Меҳр шаклидин фалак йўлин қилали хорбаст. («ХМ», 16-97)

*Хорпушт* («типратикан, кирпич») ясама сўзи ҳам *хор* («тикан») асосида юзага келганлиги унинг семантикасидан сезилиб туради:

Тан уйида кўнглум андоғким бузуғда хорпушт,

Баски атрофида пайконинг турубтур санчилиб.

Навоийнинг хизмати ўзбек адабий тилини грамматик жиҳатдан ҳам бойитганлигидир. Бу борада Навоий фитонимларга турли сўз ясовчи қўшимчалар, сўзлар, сўз шакллари қўшиш орқали ўнлаб янги сўзларни ҳосил қилган.

### 3.3.§. Фитонимларнинг услубий хусусиятлари

Бадийликнинг энг юқори даражада ифодаланиши яширин маъноли сўзларни бадий санъатлар орқали ишлатишда намоён бўлади.

Бадий асарлар лексикасининг кам ёритилган томонларидан бири бадий воситаларни лингвоуслубий аспектда йўналишда таҳлил қилишдир. Тилшуносликда бадий санъатлар, унинг яратилиши, ҳосил бўлишида сўз санъатининг роли каби масалалар лингвоуслубий жиҳатдан яхши ўрганилмаган, поэтик воситаларнинг ҳосил бўлишида бадий санъатнинг роли, бадий асар тили билан боғлиқ ҳолда ёзилган тадқиқотлар кам.<sup>130</sup>

Алишер Навоий ўз асарларида шеърий санъатлардан фойдаланиб, фикр ва ғояларини таъсирчан ва ёрқин ифодалаган, ўзбек тилининг бой ва гўзаллигини намоён қилган. Бу жараёнда улуғ ижодкор фитоним сўзларга ҳам усталик билан мурожаат қилган ҳолда мазмунан чуқур, бадий жиҳатдан гўзал асарлар яратган. Бир тушунчани ифодалаш учун бошқа бир неча

<sup>130</sup> Жирмунский В.М. “риторико-синтаксический параллелизм как основа древнетюрского народного стиха “Вопросы языкознания”, –М., 1964. –С-54; Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. Курс лекций. – Л.: Учпедгиз, 2018. –525 с. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. “Поэтика”, –М., 1963. – 253 с.; Хамраева М.К. Основы тюрского стихосложения. –Алма-ата, 1963. – 215 с.

сўзлардан ҳам фойдаланиш санъати Навоий ижодидаги муҳим белгилардан бири эканлигини навоийшунос олимлар таъкидлаганлар.<sup>131</sup> Шундай хислат Навоийнинг ўсимликка оид тушунчаларни ифодалаш учун сўз қўллашида ҳам яққол кўринади.

Масалан, **мева** сўзи ўрнида *бар* сўзини ҳам қўллайди:

Киши ҳанзал экса, аччиқ бар топар,

Ва гар найшакар экса, шаккар топар. («СИ», 285a18)

Ғам гулшанида қаддим эрур ул яғочким,

Пайкону бори ҳажринг анинг баргу баридур. («ХМ», Пб-194)

Шу сўзнинг кўплик («мевалар») маъноси учун *асмор*, *фокиҳа* ва *фавокиҳ* сўзларидан фойдаланади: ... алфози имон жўйбори ашжорин яқин анҳори била сероб ва маонийси ийқон ашжори асморин таҳқиқ саҳоби амтори била шахди ноб этар. («ХМ», 707)

Ва ашриба ва фавокиҳ ва ҳалвиёт ҳамул атъимға яраша муқаррар эрдиким, тортилуру эрди. («ХПМ», XIV-95).

... ва бу ширин мева вилоят боғи шажарасидин бўлғай ва бу лазиз фокиҳа ҳидоят шажарасининг самараси бўлғай. («МК», 90)

**Анор** сўзи шоир асарлари тилида ҳозирги ўзбек тилидагидек шаклда ва маънода қўлланган:

Ўз илгида бир анор бўлса, билмаски, неча парда ва неча хонаси бор ва ҳар парда ва ҳар хонасида неча донаси бор. («МК», 40).

Аммо бу сўз ўрнида *нор* ва *руммон* сўзларини ҳам қўллаганлигини учратиш мумкин:

Лаъли руммоний тиларсен дам-бадам зийнат учун,

Қатра-қатра бағринг андин нордек қон бўлди тут. («ХМ», Іб-89)

Қатраси лаъл вале руммоний,

Қайси руммон, дегил ардистоний. («ХМ», IVa-411)

Гул сўзи ўрнида *чечак* ва *шукуфа//шугуфа* сўзлари ҳам қўлланади:

Лола қон узра бўёлиб, ўт уза анбар қуюб,

---

<sup>131</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. –Т.,1979. – Б. 125-193.

Бор парихон чикмаған ғойиб чечаклардур пари. («ХМ», Іб-608)

Баҳор сенсиз ўлубтур манга ажаб дўзах,

Қизил гул анда ўту, шугуфалардур ях. («ХМ», Іа-129)

*Гул сўзининг грамматик кўплиги («гуллар») маъносида ағлол, чамбар, шуҳравард сўзлари ишга солинади:*

Ҳар бири бир ҳайъати ҳойил била,

Боғланиб ағлолу салосил била. («ҲА», 12-12)

Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,

Қамардек ҳола кўргузди узори давридин чамбар. («ХМ», Пб-198)

Боғи фано гулбунида шуҳравард,

Улки анга гулшан эди суҳравард. («ҲА», 136-1)

*Хурмо, нахлбун, хашаф* бир хил мева ва дарахтни аташ учун қўлланган:

Юзи ранги хурмо масаллик касиф,

Маҳосин намудори хурмою лиф. («СИ», 1339)

Қаю нахлбунким, кўрар нозанин,

Қилур нахлбандиға юз офарин. («СИ», 1536)

Гуҳардин чу холи бўлур ул садаф,

Эрур тенг ул-у бир қуруған хашаф. («СИ», 240620)

Бадий асарларнинг ғоявий етук, мазмунан ранг-баранг бўлиши ундаги шеърый санъатларнинг ўз ўрнида ишлатилишига боғлиқ.

Шоир одамга завқ берадиган, уни руҳлантирадиган «гул» сўзи орқали ўзига муболағани ҳосил қилади: қизил гулни сариқ гулга айлантириб ўзига хос муболаға – ғулуни яратади:

Ҳар қизил гулким, юзунг шавқиде олиб исладим,

Етгач оҳим шуъласи, ани сариғ гул айладим. (МАТ, ФК, 290)

Байтда ўзига хос ғулув қўлланган, ошиқ ўз маъшуқасининг қизил юзини соғиниб, қизил гулни олиб ҳидлар экан, оҳи шуъласидан у сариғ гулга айланади. Бу ҳодиса – қизил гулнинг инсон оҳи билан сариқ гулга айланиши ҳаётда юз бермайди, сариқ гул ғулуни ҳосил қилган.

Биз қизил гул юзунг афкандаси,

Савсани озод қадинг бандаси (Мезонул-авзон, 14 том, 170) мисраларида Навоий «гўзалликда гулга ўхшаш юзинг» жумласи ўрнига «қизил гул юзунг» тарзидаги қисқа, аниқ ташбеҳни қўллар экан, у муфассал ҳолдаги ўхшатишга караганда маъшуқа латофатини ёрқинроқ гавдалантиради.

Шоир *сунбул*, *гул* сўзлари ёрдамида чиройли ташбеҳ ҳосил қилади:

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,

Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт. (МАТ, НН, 79)

Бу мисрада *зулфи сунбул*, *юзи гул* бирикмалари ташбеҳ сифатида қўлланган.

Шоир ёрининг қаддини анъанага кўра *сарвга* ёки *савсанга* ўхшатади. Бир ғазалида эса *сарв* ва *савсанга* ўхшатишнинг ғалати, ажойиб намунасини намоён қилади:

Сарв чун усру бийик, савсан бағоят паст эди,

Қоматинг хайрул умур ойинидан топти васат.

Навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов фикрига кўра «Бундан шоир ўз маъшуқасининг бўйини сарвга ҳам, савсанга ҳам ўхшатмоқчи эмас, деган маъно англашилади. Бундай ўхшатиш унинг назарида ғайритабиий, чунки сарв жуда баланд бўйли дарахт, савсан – паст бўйли ўсимлик. Ёр эса, ҳамма ишнинг ўртачаси яхши деганларидек, ўрта бўйли. Навоий қолипланган, шартли – анъанавий тасвир ва иборалардан узоқлашганда, унинг зийрак ақли, ўткир таланти шундай ҳаётини тасвирларни ихтиро қилади, ҳаётнинг ичига дадил кириб, унинг характерли белгиларини топади. Чиндан ҳам, ҳаётда аёлларнинг новча ёки паст бўйли эмас, ўрта бўйли бўлиши кўп учрайди ва ўрта бўйли бўлиши гўзал ҳам.<sup>132</sup>

Навоий маъшуқанинг хуснини бир томонлама эмас, ҳар томонлама очишга ҳаракат қилади. Шоир бир ғазалда маҳбубанинг яшил ранг тўн кийгани, тўннинг тугмалари эса олтиндан экани ва бундай кийим билан

---

<sup>132</sup> Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 184.



унинг қадди кўкариб турган *норанж* ( апельсин ) дарахтига, тугмалари унинг мевасига ўхшашлигини ёзади:

Яшил тун бирла олтун тугмалардин бу фар анда,  
Кадинг норанжи раъно нахлидур, буттан самар анда.

Бошқа бир ғазалда эса шоир маъшуканинг савсан (гулсапсар) ранг тўн кийгани ва бу билан у бинафша баргларига бурканган шамшод дарахтига ўхшагани айтилади.

Сапсани тўн бирла ул қад савсани озод эрур,  
Ё бинафша баргидин зеб айлаган шамшод эрур.  
Илож айлай десанг, қўй, ислайин себи занахдонинг,  
Менгаки сунбулунг савдосидин заъфи димоғ ўлмиш. («ХМ», Пб-268)

Шарқ шеърлятида *олма* меваси ва унинг туси, рангини маҳбубанинг белгиларига рамзий қиёс қилиниши кенг тарқалган. Қизил ранг олмаларнинг туси, ранги маҳбубанинг юзи, лабига ўхшатиш, сариқ олмаларнинг ранги ҳажрдан юзлари сарғайган маъшукнинг кўринишига нисбат қилинган.

Алишер Навоий *гул* сўзи орқали ҳусни таълил яратган.  
Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,  
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач? (МАТ, ҒС, 98)

Байтда маъшуканинг юзи атрофидаги гул қонга ўхшатиш, у маъшуқа юзига тегиш сабаби ноаниқ тарзда – гумонда ифодаланган.

Навоий *бинафша* сўзи орқали ажойиб, пурмаъно ўхшатиш яратади.

Ҳаракат бирла ул хужаста насим,  
Сочти гул бошиға сумандим сим.  
Туррасиға тугуб бинафша абир,  
Атри этти димоғида таъсир.

Жола жисмин уруб нигун қилди  
Ким, танин зарби нилгун қилди. (МАТ, СС, 10).

Иккинчи ва учинчи байтда *бинафша* воситасида табиатнинг ажойиб сирлари баён этилган. Бинафшанинг ўз туррасига абир туғиб олиб, унинг атридан ўзи маст бўлишини, сўнгра уни дўл уриб бошини эгиши ва жисмини

кўкартишини хис қилиш ва уни бундай гўзал шаклда ифодалаш навоийларгагина муяссар бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бинафшанинг гулбарглари тугилган ва пастга қараган бўлади, кишининг бадани эса зарб еганда бинафшага ўхшаб кўкаради. Дўл ҳам, одатда, бинафша очиладиган пайтларда ёғади. Абирни олсак, у мураккаб атриётдан бўлиб, мушк, сандал ва гулобдан тайёрланади. Булар жинсан бинафшада атир пайдо қиладиган уч нарсани – ер, сув ва ўсимликнинг танасини эслатади. Бу ерда бинафшанинг гўзаллиги фалакдан етишган зарбнинг натижаси қилиб кўрсатилишида ҳамма нарсани меҳнат гўзаллаштиради, инсонни ҳам меҳнат безайди, деган фикрга ишора бор.<sup>133</sup>

Навоий ўз асарларида юзни гулга, қоматни сарвга ўхшатади. *Сарв, гул* сўзларидан ясалган ўхшатиш орқали шоир гул – фарзандига меҳрини ифодалайди:

Боғ гулгаштида беинсофлиғдур, гар десам

Сарвни қаддингга, гулни оразингга ўхшатай.

Ул гул уйғонмас қуёш чиққунча, ҳар тун неча мен

Нолаи шабгир ила тонг қушларини уйғотай. (МАТ, БВ,437)

Навоий гул номларидан фойдаланиб, ташхис санъатининг ажойиб кўринишини ҳосил қилади. Боғдаги гуллар – *гул, наргис, лола, бинафша, сунбул* беҳуш ётган Қайсга ачиниб «ёқасини пора», «кўз ёши» қиладилар; унинг дардига шерик бўладилар:

Кўрди ўзини чаман ичида,

Сарву гулу ёсуман ичида.

Гул ҳолига чун назора айлаб,

Гулгун ёқасини пора айлаб.

Наргис шабнамдин ашк этиб фош,

Аҳволга юммайин тўкуб ёш.

Чун кўксида ҳажрдин кўруб доғ,

---

<sup>133</sup> Рустамов Алибек. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –41 б.

Кўкси уза лола куйдуруб доғ.  
Захми кўкидин бинафшада ғам,  
Сўгига кийиб либоси мотам.  
Сунбул қилибон қаро узорин,  
Очиб қаро зулфи мушкборин.  
Сўгига оқар сув зор йиғлаб,  
Ун тортибу сўгвор йиғлаб.  
Сабза қилиб ўзни сарбасар тил,  
Айтиб ғамидин фасона ҳар тил...

«Лайли ва Мажнун»да Навоий гуллар орқали жонлантириш – ташхис санъатининг энг гўзал ва чиройли намунасини яратган.

Баъзан шоир аввал ўз тасвиридан чекиниб, янги ташбеҳ қўллайди, кейин яна чекиниш қилиб янги ташбеҳни янада кучлироқ ифодалар билан бойитади. Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида Лайлини тасвирларкан, *ниҳол, сарв ва шамшод* каби фитонимлардан фойдаланади:

Нахлию не нахл, сарви озод  
Сарвию, не сарв, рашки шамшод (МАТ, ЛМ, 64).

Лайли дастлаб ниҳолга ўхшатилади, кейин ундан қайтиб сарвга қиёсланади, сўнг ундан қайтгандек бўлади-ю, сарвнинг оддий эмас, шамшоднинг рашки келадиган сарв эканини таъкидлайди.

Маълумки, истиоралар тузилишига кўра содда (бир сўз) ёки мураккаб (бирикмали) истиоралардан ташкил топади. Навоийнинг маҳорати шундаки, ўз ғазалларида истиоранинг ҳар иккала туридан ҳам унумли ва ўринли фойдаланган:

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар. (МАТ, ФС, 138)

Бу байтдаги «сарик юз» маъносидаги «заъфарон» сўзи содда истиора, «қонли ёш тўкаман» маъносидаги «тўкармен лолалар» ибораси мураккаб истиора ҳисобланади.

Навоий «Хазойин ул-маоний»даги ғазалларида фитонимлардан маъшуканинг гўзаллигини очиб берувчи, жамловчи восита сифатида фойдаланади:

Гулу гулзор сенинг боғи жамолингга фидо,

Сарву шамшод доғи тоза ниҳолингга фидо. (МАТ, БВ, 28).

Байтнинг биринчи мисрасида *гул, гулзор*, маъшуканинг боғи жамоли, яъни юзи гўзаллик белгиси асосида, иккинчи мисрадаги *сарв, шамшод* маҳбубанинг тоза ниҳоли – қаддини тиклик белгиси бўйича жамланган.

Навоийнинг қуйидаги байтидаги «йиғоч» (туп) ва «йиғоч» (масофа) тажнис-и томдир<sup>134</sup>:

Саҳнида юз гул чиқориб бир йиғоч,

Ҳар гулнинг атри бориб бир йиғоч. (X. 132).

Навоий ўз асарларида «ийҳом» санъатидан, яъни сўзни бир вақтнинг ўзида икки маънода қўллашдан моҳирона фойдаланади. Шоир «Сабъаи сайёр» достонида «барг» сўзи орқали ўзига хос ийҳомни яратади, яъни бу сўзни икки – «япроқ ва саранжом» маъноларида қўллайди

Хосса сўз булбули Навоийи зор

Ким, анга нуқта боғидур гулзор.

Боғига барг, анга наво бергил,

Барг ила боғини тута бергил. (МАТ, СС, 34)

Навоий асарларида «гул» сўзига боғлиқ хусни таълилар мавжуд. Хусни таълил санъати бирор нарсага ғайри воқеий, аммо чиройли ва ажойиб сабаб кўрсатишдир:

Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,

Пардин – ўк, жисмиға санчилган ададсиз хори бор. (МАТ, НН, 121)

Бу байтда Навоий булбулнинг гул шавқида зорланишига сабаб қилиб унинг баданига пардан иборат ҳисобсиз тиканлар санчилганлигини

---

<sup>134</sup> Рустамов Алибек. Навоийнинг бадий маҳорати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –37 б.

кўрсатган. Булбулнинг тақдири гул ва тикан билан боғлиқлиги унинг яратилиши ва тузилишида ҳам акс этган.

Навоий фитонимлар – *арпа, буғдой, ҳанзал, найшакар* сўзларидан маҳорат билан фойдаланиб, ирсоли масал санъатининг ажойиб намуналарини яратади. Шоир «Ҳар ким экканини олади», «Арпа эккан арпа, буғдой эккан буғдой олар» деган халқ мақолларидан унумли фойдаланган ҳолда таъсирчан ва гўзал байтларни ҳосил қилади:

Ки, деҳқон неким дона мазруъ этар,  
Ани – ўқ ўрар, чунки вақти етар.  
Қачон сочса туфроққа буғдой бирав,  
Йўқ имконким, ул арпа қилғай дарав.  
Ва гар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,  
Анга буғдой ўрмағнинг имкони йўқ  
Киши ҳанзал экса аччиғ бар топар,  
Ва гар найшакар экса – шаккар топар. (МАТ, СИ, 324)

Навоийнинг асарлари ҳар жиҳатдан ниҳоят даражада ранго-ранглиги билан ажралиб туради. Уларда воқеа, қаҳрамон, табиат, нарса, буюм, иншоот, макон ва замон ҳам, тасвир ва баён ҳам, вазн, қофия, сажъ ва бадийй воситалар ҳам ҳар асарда: ҳар бобда, ҳар фаслда, ҳар байт ва ҳар жумлада турличадир.

Алишер Навоий асарлари тилида қўлланган мева номлари – *олу, шафтолу* ҳам лексик-семантик вазифалардан ташқари тақрир санъатини ҳосил қилган. Бу лафзий санъатда сўз ёки бирикма қайтарилиши натижасида таъкид, ҳаяжон ва маъно кучайтирилади:

Очилур олу гули, ўртада шафтолу гули,  
Ваҳки, шафтолу гулидур, ё эрур олу гули. («Бадойеъ ул-васат», 702).

Байтда тақрир лафзий поэтик санъати биринчи мисрада олу гули, шафтолу гули ва иккинчи мисрада шафтолу гули ёки олу гули шаклларида берилган. Бошқа бир байтда шафтолу ва олу дарахтларининг тасвирида гул сўзи тақрири ҳосил бўлган:

Хусну раънолик била достори узра санчибон,

Ваҳки, шафтолу гулидур, ё эрур олу гули. («Бадойеъ ул-васат», 708).

Байтда тақрир лафзий поэтик санъати иккинчи мисрада шафтолу гулу - олу гули шаклида берилган.

Навоийнинг «Хамса»сида «рахш-и таманно сурмак», «шикаста мақол келмак», «камол тутмоқ», «ганжфишонлик қилмоқ» сингари ўзи яратган сўз ва иборалар жуда кўп учрайди.

Худди шу маънода «кеча» сўзининг маънодоши сифатида янги сўзни ишлатади:

Тун оқшом келди кулбам сари ул гулруҳ шитоб айлаб,

Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб. (ФК, 65)

Бу байтдаги «тун оқшом» кеча кечкурун деган маънодадир. Кўпгина сўзларга Навоийнинг ўзи ҳам тилнинг қонун қоидаларига асосланган ҳолда янги маъноларни юклайди.

Навоийнинг улуғ хизматлари туфайли ўзбек адабий тилининг ифода воситалари кўпайди ва кучайди, эстетик имкониятлари бениҳоя даражага етди, адабий ва илмий қудрати ошди.

Навоий ўзининг «Муҳокамат ул луғатайн» асарида «кўк» сўзи туюқда омоним сифатида келиб, *сабза*, *ўланг* (*экин*) маъноларини ҳам англатиши ҳақида ёзади: «Ва кўк лафзин ҳам неча маъни билан истеъмол қилурлар. Бири кўк осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдир. Яна кўк текрада кўкламакдир. Яна кўк қадоғни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўланг (*экин*)ни дағи дерлар» (МЛ,14том,113)

Қиёсан ўрганилганда, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «ўт» сўзи тўрт хил маънода ишлатилган бўлса, Навоий ўз асарларида бу сўзни турли маъноларда ифода этганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, шоирнинг қуйидаги туюғида «ўт» сўзи омоним сифатида маҳорат билан қўлланилган:

Шамим янглиғ ёнадур бошимда ўт,

Кўз ёшимдин ер юзида унди ўт.

Қон ёшим қилди йўлингни лолазор,  
Мунча тафаххус айладим қонимдин ўт.

Навоий чистонлари таҳлилида *анорга* бағишланган чистоннинг охириги байти қуйидагича берилган:

Неча ким табъи норидур ва лекин меъда нориға –

Берур таскин, мунунг нафъин топибмен воқеан мен ҳам. (МАТ, ББ, 665)

Ушбу байтда «нор» сўзи «табъи нори» ва «меъда нори» ибораларида икки марта қўлланган «Меъда нори» сўз бирикмаси орқали шоир меъдани ҳам шаклан *анорга* ўхшатган.

*Май* мавзуси, аввало, Навоийнинг шу мавзудаги махсус ғазалларида яхши ёритилган. Мана, шундай ғазаллардан бирининг бошланиш байтлари:

Ҳаёт боғида то сарву лола бўлғусидур,  
Менинг мумидди ҳаётим пиёла бўлғусидур.

Суроҳи ўлғусидур менга сиймтан маҳбуб,  
Бошида қил анга мушкин кулола бўлғусидур.

Ҳаёт гулшани муғ кулбасию муғбачанинг  
Юзию қадди менга сарву лола бўлғусидур.

Шоир бунда майни ҳаёт таянчи сифатида мақтамоқда ва маҳбубдан ҳам юқори қўймоқда, май ичадиган кулбани ҳаёт гулшани деб, май узатувчи муғбачанинг юзи ва қаддини эса сарв ва лолага ўхшатмоқда.

Қад эрмаски, сарви ҳиромон эрур бу, лаб эрмаски, гулбарги хандон эрур бу, – деб ёзар экан, ёрнинг қаддини юрувчи сарвга, лабини очилган гулнинг гулбаргига ўхшатган ва бу анъанавий ўхшатиш бўлиб, айна вақтда, жуда шартли ўхшатиш ҳамдир. Навоий ижодининг ҳам идеаллик, муболаға принципларига асослангани, инсон образини кўп ҳолларда орзу, хаёлдан келиб чиқиб чизгани унинг шеърлятида бу хусусиятнинг кенг ўрин тутишини қонунийлаштирди.

Алишер Навоий асарларининг жаҳоншумуллиги ва абадий тириклигининг сабаби ижтимоий аҳамиятига эга фикрларни юксак бадий

шаклда берганлигида бўлиб, унинг асарларини бадий нуктаи назардан синчиклаб тадқиқ қилиш ва натижаларини илмий жамоатчилик эътиборига етказиш зарур.

Навоийнинг бадий маҳоратини ўрганиш нафақат филологлар, балки ижодкорларнинг маҳоратини оширишда, китобхонларнинг дидини ўстиришда ҳам муҳим манбадир.

### III боб бўйича хулосалар

